БУГУНГИ СОНДА:

Ўлкамизда яшариш, нафосат, покланиш фасли - баҳор кезмоқда


3

Дунё нефтсиз ҳам мавжуд бўла олади


6

Кулгудаги беғуборлик, беозорлик ва юксак самимият
8

# ХАЛҚ ОВОЗИ

Тожикистон Республикаси Ҳукумати нашри

№ 13 (20017)
2017 йил 30 март.

Газета 1929 йил феврал ойидан чиқа бошлаган

# НАВРЎЗ - ОБОДОНЧИЛИК ВА БУНЁДКОРЛИК БАЙРАМИ





**21 март куни эрталаб Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон халқаро Наврўз байрамига бағишланган тантанали тадбирларда иштирок этиш учун Турсунзода шаҳрига ташриф буюрди.**

Жорий йилда асосий Наврўз тантаналари Турсунзода шаҳри марказида ўтказилаётгани сабабли, шаҳар кўчалари ва хиёбонлари байрамона кўринишда ясатилганди.

Турсунзода шаҳри фуқаролари ва фаоллари Миллат пешвоси муҳтарам Эмомали Раҳмонни ўзига хос илиқлик ва самимият билан кутиб олишиб, ранг-баранг маданий дастурларини намойиш қилишди.

Шундан кейин, Турсунзода шаҳрининг Турсун Тўйчиев қишлоқ жамоатидаги Зарбдор қишлоғида Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон сабзавотчилик билан шуғулланувчи бир қатор деҳқон хўжаликларини бориб кўрди.

2

## ТАБРИК ТЕЛЕГРАММАЛАРИ

**27 март куни Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси - Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон Австрия Республикасининг Федерал Президенти Александр Ван дер Беллен номига табрик телеграммаси жўнатди. Унда, жумладан, шундай дейилади:**

"Жаноби олийлари!

Тожикистон Республикаси ва Австрия Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг йигирма беш йиллиги муносабати билан Сизга ўзимнинг самимий табригим ва энг эзгу тилакларимни йўллашдан шодман.

Бугун биргаликдаги доимий ҳаракатлар туфайли мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар ҳамкорликнинг ўзаро манфаатга эга бўлган кўпгина соҳаларида босқичма-босқич ривожланиб, давлатлараро муносабатларимиз ўзаро тушуниш, ишонч ва эҳтиром принципларига таянган ҳолда, сифатан янги даражага кўтарилгани қаноатмандлик ҳиссини уйғотади.

Биз Тожикистон-Австрия кўп қиррали муносабатларига ишонч билан қараймиз ҳамда икки мамлакатнинг ҳамкорликлари келажакда ҳам самарали давом этишига умид билдирамиз.

Жаноби олийлари, Сизга мустаҳкам соғлиқ ва янгидан-янги муваффақиятлар, Австриянинг дўст халқига эса, бахту саодат ва янада гуллаб-яшнашни тилайман".

***

**Австрия Республикасининг Федерал Президенти Александр Ван дер Беллен ҳам Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон номига табрик телеграммаси жўнатди. Унда, жумладан, шундай дейилади:**

"Жаноби олийлари!

Австрия Республикаси ва Тожикистон Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 25 йиллиги муносабати билан самимий табригимни йўллашга ижозат беринг.

25 йил мобайнида мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар халқларимиз манфаатлари йўлида ривожланди. Дастлабки алоқалар эзгу ниятлар ва ўзаро эҳтиром асосида бошланди. Географик жиҳатдан узоқ минтақада жойлашганимизга қарамасдан, мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар узлуксиз ривожланмоқда. Икки томонлама ўзаро ташрифлар бунга мисол бўла олади.

2013 йили Австриянинг собиқ Президенти Европа Иттифоқига аъзо давлат раҳбари сифатида Тожикистонга ташриф буюрди ва Сиз ҳам бир неча марта Австрияга келгансиз. Шунинг учун, ҳозирги дўстона муносабатлар бундан кейин ҳам сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳаларда ривожланиб бораверишига ишончим комил.

Европа Иттифоқига аъзо давлат бўлган Австрия учун муносабатларимиздаги европача қадриятлар катта аҳамиятга эга. 2018 йилнинг иккинчи ярмида Европа Иттифоқига раислик қиладиган Австрия Тожикистоннинг Европа Иттифоқи билан шерикчилигини мустаҳкамлаш ва кенгайтиришга эътибор қаратади.

Жорий йилда Австрия Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотига раислик қилади. Тожикистоннинг ушбу халқаро миссияда ёрдами ва эътиборига умид билдираман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга олий лавозимингизда муваффақиятлар, Тожикистон халқига эса, гуллаб-яшнаш ва тараққиёт тилайман".

*«Ховар» ТМАА.*

## Пойтахтда замонавий мактаблар қурилади

Халқаро Наврўз байрами арафасида Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси - Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмоннинг топшириғига биноан, Душанбе шаҳри раиси вазифасини ижро этувчи Рустами Эмомали пойтахтнинг Шоҳмансур ноҳиясидаги 55-рақамли лицей ҳудудида 1500 ўқувчи ўрнига эга янги мактаб қурилишини бошлаб берди.



Давлат ҳокимияти Душанбе шаҳри ижроия органидан маълум қилишларича, қурилиши давлат ҳокимияти Душанбе шаҳри ижроия органи томонидан молиялаштириладиган янги мактаб лойиҳаси "САНИИОСП илмий-тадқиқот ва лойиҳавий-қидирув институти" МЧЖ мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган.

Лойиҳа тўртта тўрт қаватли таълим корпуси қурилишини назарда тутади. Шундан учтаси юқори синф ва биттаси бошланғич синф ўқувчиларига мўлжалланган.

Эслатиб ўтиш жоизки, лицейнинг ҳозирги биноси 1937 йили қурилган ва 780 ўқувчига мўлжалланган. Лицейда бугунги кунда икки сменада 1674 ўқувчи таҳсил олмоқда.

Душанбе шаҳри раиси вазифасини ижро этувчи Рустами Эмомали лицейнинг янги биноси лойиҳаси билан танишар экан, лойиҳаловчилар ва қурувчиларга қурилиш ишларини миллий ва замонавий меъморчилик унсурларидан фойдаланган ҳолда, сифатли охирига етказиш борасида топшириқ берди.

## Элчихонада Наврўз шодиёналари

Тожикистон Республикасининг Қирғизистон Республикасидаги элчихонасида 23 март куни турли вазирлигу идоралар, олий таълим муассасалари, қирғиз илмий-ижодий зиёлилари, дипломатик ҳайъатлар ва халқаро ташкилотлар, шунингдек, бу давлатда истиқомат қилувчи тожикистонликлар учун халқаро Наврўз байрамига бағишлаб расмий қабул ташкил қилинди.

Ушбу кунда элчихона саҳни тожик халқининг маданияту минг йиллик тарихи фазосига айланганди. Маросим меҳмонлари Наврўзнинг асосий маросимлари билан таништирилди.



-Наврўз янги ҳаёт бошланиши бўлиб, эзгуликнинг ёвузлик устидан ғалабаси, яхши ғоялар, меҳрибонлик, дўстлик ва сабр-бардошни тарғиб этиш тимсоли ҳисобланади,- деди Тожикистон Республикасининг Қирғизистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Суҳроб Олимзода.

Меҳмонларга концерт дастури маъқул бўлди. Байрам кунида Қирғизистоннинг турли олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган тожикистонлик студентлар меҳмонларга ўзларининг юксак санъатларини намойиш этишди.

## Ишонч ёрлиғи топширилди

Яқинда Тожикистон Республикасининг Молдова Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Файзулло Холбобоев Молдова Президенти Игор Додонга ишонч ёрлиғини топширди.

Шундан кейин Тожикистоннинг янги тайинланган элчиси ва Молдова Республикаси Президенти ўртасида дўстона суҳбат бўлиб ўтди.

Молдова Президенти Игор Додон Файзулло Холбобоевни Молдова Республикасида дипломатик фаолияти бошланиши муносабати билан табриклаб, тожик-молдован дўстона муносабатларини ривожлантириш йўлида муваффақиятлар тилади.



Ўз навбатида, Файзулло Холбобоев Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси - Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмоннинг молдовалик ҳамкорига йўллаган саломини етказиб, Тожикистон Республикасининг икки мамлакат ўртасида конструктив муносабатларни кенгайтириш ҳамда икки томонлама ҳамкорликнинг янги йўналишларини ривожлантиришга тайёрлигини билдирди.

Молдова Президенти иккала мамлакат потенциали ва имкониятлари ҳамкорликнинг бугунги талабига жавоб бермаслигини айтди. Шу сабабли, мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликлар ва муносабатларни ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилиниши зарурлиги зикр этиб ўтилди.

## Тожикистонлик муҳожирлар учун миграция авфи

Россия мамлакатда ноқонуний меҳнат қилиб юрган муҳожирларга умумий авф эълон қилди. Тожикистон муҳожирлари учун миграция амнистияси жорий йилнинг 24 апрелигача давом этиши айтилди.

Мутахассислар амнистия биргина Москва шаҳрида 70 мингдан зиёд одамни қамраб олишини билдиришмоқда.

2017 йилнинг 25 мартидан 24 апрелигача бир ой давом этадиган миграция амнистиясига мувофиқ, тожикистонлик ноқонуний муҳожирлар депортация қилинмасдан ва мамлакатдан чиқмасдан легаллашиш ҳуқуқига эга бўлди.

Легаллашиш тартиби ва унинг ўзига хос томонлари борасида "Россия мигрантлар федерацияси" жамоатчилик ташкилоти президенти Вадим Коженов жавоб берди.

- Амнистияга тожикистонлик фуқароларнинг уч тоифаси киритилди. Биринчи тоифага "Россия Федерациясидан чиқиш ва Россия Федерациясига кириш тартиби тўғриси-



да"ги қонуннинг 26-модда, 4-бандида кўрсатилган асослар бўйича, яъни сўнгги уч йил ичида икки ва ундан ортиқ марта маъмурий жавобгарликка тортилгани учун Россияга кириши тақиқланган фуқаролар.

Иккинчи тоифа - Тожикистон фуқароларига шу қонуннинг 26-модда, 8-бандида кўрсатилган асослар бўйича, яъни охирги марта Россияда бўлган пайтида вақтинчалик қайд муддати (регистрация) тугаганидан кейин, 30 кун ичида Россияни тарк этмагани учун Россияга киришга тақиқ қўйилган. Бу тоифага кирувчиларга кириш тақиқи бекор қилинади ва улар номлари "қора рўйхат"дан ўчириб ташланади, - деди Вадим Коженов.

Миграция амнистиясига тушганлар қаторига Россияга бир вақтлар келиб, на миграция қайди, на регистрация, на патент олган, мамлакат ичкарисида ноқонуний юрган тожикистонлик муҳожирлар ҳам киритилгани айтилди.

Бу масалада мушкулликларга рўпара келган ва батафсил маълумот олишни истаган кишилар қуйидаги телефон рақамларига қўнғироқ қилишлари мумкин:

**+7 +7 (495) 967-98-44, +7 (926)255-09-27, +7 (968) 399 0404, Москва шаҳри.**

**+992 (44) 640 19 51, +992 (44) 640 91 99, Тожикистон.**

*ОАВ асосида Г. Аюпова тайёрлади.*

## Мастчоҳдаги экин-тикин ишлари кўлами

Мастчоҳ ноҳиясида экин-тикин маъракаси ва баҳорги ишлар бир маромда давом этмоқда. Бугунги кунгача деҳқон хўжаликларининг 1775 гектар ерига баҳорги экин экилган. Бу ҳақда Суғд вилояти раисининг матбуот хизматидан хабар берилди.



Шундан 1225 гектарга ғалла экинлари, 61 гектарга сабзавоту картошка, 11 гектарга полиз, 240 гектарга мой ўсимликлари ва 238 гектарга чорва озуқаси экилган.

Манбанинг хабар беришича, пахта экиш учун 11200 гектар ер тайёрлаб қўйилган. Умуман, 19805 гектар ер тайёрланиб, баҳорги экинлар экилади.




## Иқлим ўзгаришига доир тадбир

БМТнинг Ню-Йоркдаги штаб-квартирасида Тожикистон Республикасининг Ташқи ишлар вазири Сирожиддин Аслов "Иқлим ўзгариши ва устувор тараққиёт соҳасидаги кун тартибидаги масалалар" мавзуси бўйича олий даражадаги тадбирда иштирок этди ва нутқ сўзлади.



Ташқи ишлар вазирлигидан маълум қилишларича, ўз чиқишида С.Аслов мажлис иштирокчиларини Тожикистон яқинда иқлим ўзгариши муаммоларини ҳал қилишда биргаликдаги ҳаракатлар учун мустаҳкам асос яратувчи Париж келишувини ратификация қилгани борасида маълумот берди. Иқлим ўзгаришининг мамлакат экологик ҳолатига таъсирининг ошиб бориши ҳамда иқлим ўзгаришининг сув захиралари ҳажми ва сифатига салбий таъсири борасида зикр этиб ўтилди.

У, шунингдек, устувор тараққиётнинг мавжуд компонентини ташкил қилувчи мослашув чораларини тасдиқлаш муҳимлигини қайд қилар экан, мамлакатда Тожикистонни 2030 йилгача ривожлантириш миллий стратегияси ҳамда Иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш бўйича ҳаракатлар миллий режаси қабул қилинганини таъкидлади. Айни пайтда, Иқлим ўзгаришига мослашув миллий стратегияси ишлаб чиқилиши якунланаётган бўлиб, унда атроф-муҳит ҳимояси ва иқлим ўзгаришига мослашув масалаларига алоҳида эътибор қаратилади.

# НАВРЎЗ - ОБОДОНЧИЛИК ВА БУНЁДКОРЛИК БАЙРАМИ

1

Бу ерда Миллат пешвоси «Саховат-1» деҳқон хўжалиги иссиқхоналари фаолияти билан танишиб, ушбу хўжалик деҳқонлари ва аъзоларининг ердан унумли ва мақсадли фойдаланиш, эртачи сабзавотлар ҳосилини йиғиштириш йўлидаги ишларига юқори баҳо берди. Мамлакат Президенти хўжалик меҳнаткашлари билан соҳани ривожлантириш, аграр маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, истеъмолчилик бозори ва аҳолини эртачи сабзавотлар, айниқса, помидор ва бодринг билан таъминлаш борасида ўз маслаҳатлари ва тавсиялари билан ўртоқлашди.

Тажрибали деҳқон Абдулложон Жўраев «Саховат-1» хўжалиги раҳбари ҳисобланиб, унинг хўжалиги иссиқхоналари 0,50 гектар майдонда барпо қилинган. Майдони 0,8 гектарни ташкил қилувчи хўжаликнинг биринчи иссиқхонаси ва иккинчи иссиқхонаси (0,12 гектар)да «Белла F-1» навли помидорлар парваришланмоқда. Иккита иссиқхонага 5 минг 800 туп помидор кўчати экилган. Иссиқхоналарда хўжалик даромади асосий манбаси ҳисобланган помидорлар ва бодрингларни томчилаб суғориш йўлга қўйилган. Хўжалик экин ерларининг умумий майдони 3,1 гектарни ташкил қилиб, шундан 2 гектарида сабзавотлар, жумладан, 1 гектар майдонда пиёз, 1 гектарда бодринг ва 0,60 гектарда буғдой ўстирилмоқда.

Зарбдор қишлоғида Давлат бошлиғи, шунингдек, эртачи сабзавотлар, помидор ва бодринг ҳамда карам, пиёз, турп ва сабзи етиштириш билан шуғулланувчи «Доно, «Баҳодур» ва «Лочин» деҳқон хўжаликлари меҳнаткашлари фаолияти билан танишди.

«Доно» хўжалигида 0,10 гектар майдонда иссиқхона шароитида «Парма» навли бодрингларни етиштириш йўлга қўйилган бўлиб, хўжаликнинг бошқа участкаларида «Мадина» навли помидорнинг 6 мингдан зиёд кўчати ўтқазилган. Хўжалик раҳбари Абдусалом Холбековнинг маълум қилишича, 1996 йилдан шу кунгача хўжалик аъзолари юқори ҳосил туфайли ички бозорни таъминлаш билан бир қаторда, ўз маҳсулотларининг хорижга экспортини ҳам йўлга қўйишган.

Шу ерда Давлат бошлиғи шаҳар меҳнаткашлари ютуқлари кўргазмасига бориб, аграр маҳсулотлари билан танишди.

Турсунзода шаҳрининг меҳнаткаш аҳолиси Миллат пешвосига қўллаб-қувватлаши ҳамда яшаш ва ишлаш шароитларини яхшилаётгани учун миннатдорчилик изҳор қилишди.

## Чигит экиш ишлари бошлаб берилди

**Турсунзода шаҳрининг «Регар» қишлоқ жамоатида Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон «Агросаноат» МЧЖда томчилаб суғориш усули бўйича плёнка остида пахта экиш ишларини бошлаб берди.**

Олиймақом меҳмонни мазкур хўжаликка кириш жойида тажрибали деҳқонлар ва соҳа олимлари кутиб олишиб, Миллат пешвоси билан биргаликда пахта экиш ишларини бошлаб беришди. «Агросаноат» МЧЖ меҳнаткашлари умумий сони 500 кишини ташкил қилиб, 869 гектар экин майдони улар ихтиёридадир. Шундан 769 гектари суғориладиган, 100 гектари лалми ва 2 гектарини интенсив боғлар ташкил қилади. Хўжалик фаолиятининг асосий тури аграр ва чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, ўзлаштириш ва сотиш ҳисобланади. Хўжаликнинг гўшт-сут фермасида Германиядан келтирилган Симментал зотли 437 бош сигир мавжуд.

Шу ернинг ўзида Тожикистон Қишлоқ хўжалиги фанлари академияси олимлари пахтанинг маҳаллий «Дустий-ИЗ» навини етиштиришда полиэтилен қувурлар билан томчилаб суғоришнинг замонавий технологияларидан фойдаланиш ҳақида сўз юритишди. Мазкур навдан кутилган ҳосил гектаридан 50-55 центнерни ташкил қилади. Томчилаб суғориш учун ускуналар насос, филтр, магистрал ва тақсимлаш қувурлари ҳамда суғориш линияларидан иборат эканлиги таъкидланди. Пахтани экишнинг бундай усули Турсунзода шаҳрида биринчи марта қўлланаётган бўлиб, сувни тежаш бунинг устунлик жиҳатидир. Бундай усул минерал ўғитларни тежаш, жўякларга ишлов беришни камайтиришга имкон бериб, ерни шўрхок пайдо бўлишидан сақлайди.



Тожикистон Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон хўжалик меҳнаткашлари билан очиқ суҳбат қуриб, уларга баҳорнинг қуёшли кунида ҳар бир қарич ердан самарали фойдаланиш бўйича фойдали тавсиялар берди.

## Кўп қаватли турар жой фойдаланишга топширилди

**Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон Турсунзода шаҳрининг Аҳмад Дониш кўчасида хизмат кўрсатиш марказига эга бўлган олти қаватли турар жойни фойдаланишга топширди.**

Янги бунёд этилган иншоот тўрт блокдан иборат бўлиб, 11 миллион 500 минг сомоний маблағ ҳисобига маҳаллий тадбиркор Абдуқаҳҳор Ғаффоров томонидан қурилган. Турар жой биноси 154та бир, икки ва уч хонали квартиралардан иборат бўлиб, миллий меъморчилик анъаналарига мувофиқ тарзда қурилган уйнинг умумий майдони 5 минг 750 квадрат метрни ташкил қилади. Турар жой биноси қурилиши 2015 йили бошланиб, унинг лойиҳаси «АРХ Строй» МЧЖ томонидан ишлаб чиқилган. «Капитал АА-2014» ва «Соҳиб Дўст» МЧЖлари иншоот пудратчилари ҳисобланади. Турар жой биноси қурилиши чоғида 50 нафаргача маҳаллий мутахассис ва ишчилар вақтинчалик ишга жалб этилди. Бино саҳнида болалар спорт-ўйин майдончаси бор.

Янги иншоотни фойдаланишга топширгандан кейин унинг хизмат кўрсатиш марказида 30 нафар маҳаллий фуқаро доимий иш жойи билан таъминланди.

Маҳаллий тадбиркор Абдуқаҳҳор Ғаффоров Миллат пешвоси муҳтарам Эмомали Раҳмонга доимий қўллаб-қувватлаши ва тадбиркорлик учун қулай шароитларни яратгани туфайли миннатдорчилик билдириб, яқин келажакда шаҳарнинг Аҳмад Дониш кўчасида ер ости машина қўйиш жойига эга бўлган яна иккита кўп қаватли турар жой биноси қуришга ваъда берди.

Тожикистон Республикаси Президенти қурилиш ишлари сифатига юқори баҳо берар экан, иншоотни Турсунзода шаҳрининг фуқароларига халқаро Наврўз байрамини нишонлаш кунларида муносиб совға, дея атади.

## Турсунзода шаҳрида халқаро Наврўз байрами шукуҳи

**Турсунзода шаҳрида Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон халқаро Наврўз байрамига бағишланган тантаналарда иштирок этди ва нутқ сўзлади.**

Байрамнинг асосий тантаналари шаҳар марказий стадионида бўлиб, унда мамлакат фаоллари, зиёлилар, дипломатик корпуслар, халқаро ташкилотлар намояндалари, хорижлик меҳмонлар ҳамда Турсунзода шаҳри аҳолиси иштирок этишди.

Мамлакат Президенти ўз чиқишида, энг аввало, иштирокчилар ва улар сиймосида мамлакатимизнинг барча шарафли халқи, хориждаги ватандошларни табиатнинг уйғониши – Наврўз байрами кириб келиши муносабати билан самимий табриклади.

Давлат бошлиғининг сўзларига кўра, Наврўз жуда қадимий тарихга эга бўлиб, инсоният учун уйғониш ва хурсандчилик анъанаси ҳисобланади. Ўзининг беш минг йилдан зиёд тарихи давомида Наврўз норавон йўлни босиб ўтиб, чуқур, кенг ижтимоий мазмун касб этди. Наврўзнинг бу башардўстона ва умуминсоний аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда, мамлакат Президентининг бунёдкорлик ташаббуси БМТга аъзо 190дан зиёд давлат томонидан қўллаб-қувватланди ҳамда бу нуфузли ташкилотнинг махсус резолюцияси билан Наврўз байрамига халқаро мақом берилди.

Ўз чиқишида муҳтарам Эмомали Раҳмон Турсунзода шаҳрида қадимий Наврўз байрамини нишонлаш жуда рамзий эканлигини қайд қилди. Зеро, унинг аҳолиси Наврўзнинг ҳақиқий тарихий ва маданий анъаналарини сақлаш ҳамда энг яхши миллий анъаналарни ривожлантиришда жуда бебаҳо улуш қўшадилар.

Давлат бошлиғи аждодларимизнинг бу эзгу анъаналарини давом эттириш, жумладан, ободончилик, боғлар барпо этиш, турар жойларни тозалаш, кўчалар ва хиёбонларни ясатиш, шаҳар ва қишлоқларга байрам тусини бериш ёшлар маънавияти даражасини юксалтириш, бунёдкорлик меҳнати ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, яхши ахлоқ, миллий туйғу, хотиржамлик, тараққиёт ва азиз мамлакатимизнинг келгусидаги гуллаб-яшнаши учун жуда яхши имконият эканлигини ишонч билан қайд қилди.

Ўз чиқиши охирида Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон тантанали тадбир иштирокчилари ва бутун тожик халқини қадимий Наврўз байрами билан яна бир марта табриклади.

Шундан кейин мамлакат маданият ва санъат усталари ҳамда Турсунзода шаҳри артистлари томонидан тайёрланган ранг-баранг маданий дастурлар ва театрлаштирилган намойиш кўрсатилди.

*«Ховар» ТМАА.*

## ПОЙТАХТДАГИ БАЙРАМ ТАНТАНАЛАРИ

**21 март, куннинг иккинчи ярмида Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон пойтахт Наврўзгоҳида халқаро Наврўз байрамига бағишланган тантаналарда иштирок этди ва нутқ сўзлади.**

Ўз табрик сўзида мамлакат Президенти барча ватандошлар, пойтахт аҳолиси ва меҳмонларини халқаро Наврўз – табиатнинг уйғониши, янги режалар, умид ва орзулар байрами билан табриклади.

Наврўз тожиклар ва Наврўз майдони халқларининг одамларни қадимдан бугунги кунгача гуманизмнинг олий ғоялари – дўстлик, ҳамкорлик, бунёдкорлик, инсонсеварлик, хайрихоҳлик ҳамда гўзаллик ва табиат неъматларига миннатдорчилик билан бирлаштирувчи энг яхши миллий байрами ҳисобланиши қайд қилинди.

Давлат бошлиғи турар жойлар, кўчалар, хиёбонларни тозалаш, кўчатлар ва умид уруғлари қадаш наврўзий рамзлардан бири ҳисобланишини қайд қилди. Миллат пешвоси мамлакат халқини мамлакат ободончилиги ва гуллаб-яшнаши йўлида виждонан меҳнат қилишга ҳидоят этди.

Ўз сўзи охирида Давлат бошлиғи мамлакат халқини халқаро Наврўз байрами кириб келиши билан яна бир марта табриклаб, барчага муваффақиятлар ва фаровонлик тилади.

Халқаро Наврўз байрамига бағишланган тантаналар ранг-баранг ва мазмунли театрлаштирилган дастурлар билан давом этиб, унда Наврўз байрамига хос бўлган анъаналар ўз аксини топган эди.

*«Ховар» ТМАА.*

## ФИЛИПП БЕННЕТТ МИЛЛАТ ПЕШВОСИ ҲУЗУРИДА

**28 март куни Миллат қасрида Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси - Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон Европа қайта тиклаш ва тараққиёт банки (ЕҚТТБ)нинг биринчи вице-президенти Филипп Беннетт ҳамда ЕҚТТБнинг Тожикистон Республикасидаги ваколатхонаси янги раҳбари Айтен Рустамоваларни қабул қилди.**

Учрашувда икки томонлама ҳамкорликлар масалалари ҳамда ЕҚТТБнинг Тожикистондаги фаолияти истиқболлари муҳокама қилинди.

Мамлакат Президенти ЕҚТТБнинг Тожикистондаги ваколатхонаси янги раҳбари Айтен Рустамовага биргаликдаги мақсадларга эришишда муваффақиятлар тилади.

Учрашув чоғида томонлар энергетик тармоқ лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқариш ва экспорт потенциалини кучайтиришни ташқи омилларнинг Тожикистон иқтисодиётига салбий таъсирини бартараф этиш ва макроиқтисодий ҳолатни барқарорлаштириш учун муҳим мақсадлардан бири сифатида айтиб ўтишди. Суҳбатдошлар, шунингдек, шаҳарлар инфратузилмаларини яхшилаш, хусусий секторни ривожлантириш ва молиявий захиралардан фойдаланишни осонлаштириш бўйича сармоявий лойиҳаларни амалга ошириш соҳасида банк билан ҳамкорликлар даражасидан қониқиш билдиришди.

Бугунги кунгача ЕҚТТБ Тожикистонда 750 миллион Америка доллари ҳажмида 100та сармоявий лойиҳани молиялаштирди. Айни пайтда 420 миллион Америка доллари маблағи эвазига 65та лойиҳани амалга ошириш бўйича ҳамкорликлар давом этмоқда.

Тожикистон Республикасининг 2030 йилгача давр учун миллий тараққиёт стратегияси мамлакат келгусидаги тараққиёти учун шароит яратиш, миллий истиқболларни таъминлаш мақсадида қабул қилингани, ЕҚТТБ бу стратегияда энергетика, транспорт, тадбиркорлик ва молия соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштириш ҳажмини ошириш учун бир қатор имкониятларни назарда тутгани қайд қилинди.

Учрашувда, шунингдек, хусусий секторни қўллаб-қувватлаш, кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш, саноат корхоналари модернизацияси масалалари муҳокама қилиниб, Тожикистонни индустриялаштириш бўйича стратегияни амалга оширишда ЕҚТТБ молиявий ёрдами зарурлиги эслатиб ўтилди.

*«Ховар» ТМАА.*

# ҚУТ-БАРАКА ВА ФАРОВОНЛИК АЙЁМИ

## Миллат пешвосининг Исфара шаҳри аҳолиси билан учрашувдаги нутқи

*Исфара шаҳри, 24 март 2017 йил*

**Ҳурматли ватандошлар!**

**Азиз дўстлар!**

**Гўзал баҳор фаслининг кириб келиши ва Тожикистоннинг мустақилликка эришгани туфайли ҳамда Наврўз маданияти ўчоғи бўлган мамлакатларнинг ташаббуслари ва ҳаракатлари билан бу йил - еттинчи йил жаҳонлашган тарзда нишонланаётган халқаро Наврўз байрами билан Сизларни-ҳурматли иштирокчилар ҳамда қадимий Исфара шаҳрининг азиз ва ватансевар аҳолисини табриклайман.**

**Бу баҳор ва оламшумул Наврўз байрами шу йил ва йиллар давомида бизнинг муқаддас юртимизга қуёшли ва гуллаб-яшнаган кунлар, доимий хурсандчилик, янгидан-янги ободончиликлар, қут-барака ва фаровонликни энг яхши байрам совғаси сифатида армуғон этишини тилайман.**

Турли иқтисодий-ижтимоий соҳалар ҳолати ва вилоят, жумладан, Исфара шаҳрининг меҳнаткаш халқи қўлга киритган ютуқлар мустақил давлатимизнинг катта-ю кичик аҳолиси мамлакат Ҳукуматининг миллий давлатчилик заминаларини мустаҳкамлаш ва унинг кундан-кунга ривожланиб боришини таъминлаш йўналишидаги сиёсатини самимийлик билан қўллаб-қувватлашидан гувоҳлик беради.

Шунинг учун вилоятнинг барча меҳнаткаш халқи, жумладан, Исфара шаҳри аҳолиси ва сиз - ҳурматли иштирокчиларга азиз Ватанимизни ободонлаштириш йўлидаги саъй-ҳаракатларингиз ва яратувчанлик амалларингиз, шунингдек, чин ватансеварлик ҳисси ҳамда давлат ва мамлакат Ҳукумати олиб бораётган сиёсатга тарафдорликнинг ифодаси сифатида Давлат раҳбарини самимийлик билан кутиб олганликларингиз учун миннатдорчилик билдираман.

**Ҳурматли қатнашчилар!**

Исфара мамлакатнинг саноат ҳамда қишлоқ хўжалигига ихтисослашган асосий шаҳарларидан бири ва азиз Тожикистонимизнинг гўзал манзарали гўшаларидан бўлиб, асил деҳқонлари ва меҳнатсевар халқи, шунингдек, хуш ва ёқимли ҳавоси, бол таъмини берувчи меваларга бой боғлари ва ўзига хос меъморчилиги билан шуҳрат топган.

Шунингдек, Исфара мамлакатимиздаги катта шаҳарлардан бири бўлиб, ҳақиқатан ҳам, Сайфи Исфарангий, Мушриф ва Беҳжати Исфарангий, Зебопари, Умар Ҳофиз, Лутфулло Бузургзода ва бошқалар каби ўзининг машҳур донишманд ва олимлари, табиб ва хонандалари билан шуҳрати ёйилган.

Давлат раҳбарининг топшириғи билан 2016 йили тожик классик шоири Сайфи Исфарангийнинг 830 йиллиги нишонланди ва бу адабий тадбир Исфара шаҳрининг маърифатли ва маданиятсевар халқи томонидан юксак даражада ташкил этилди.

Сайфи Исфарангий ўз даврининг таниқли шахсларидан бирининг хонадонида дунёга келиб, таълим-тарбия топган, XII-XIII асрларнинг таниқли шоирлари жумласидан бўлиб, милодий 1185-1267 йиллар Исфарада умр кечирган.

Сайфи Исфарангий назмда ва баъзи манбаларга кўра, насрда ҳам асарлар ёзган, аммо бизнинг давримизгача унинг насрий асарларидан намуна етиб келган, холос. Тазкира битган муаллифлар шоирнинг фақатгина девони ҳақида эслатиб ўтишганки, манбаларда келтирилган маълумотларга кўра, девон шоир тириклик чоғида тартиб берилган. Олимларнинг тадқиқотларидан маълум бўладики, унинг адабий мероси юксак бадиий ва инсондўстлик қимматига эга.



Таниқли рус тадқиқотчиларидан бири Хаников XIX асрнинг иккинчи ярмида шоирнинг қимматли меросини Россияга олиб кетган ва бугунги кунда 12 минг байт шеърлари Санкт-Петербург шаҳридаги Эрмитаж давлат музейида сақланади.

Шоир ижодиёти бой ва юксак ижтимоий-фалсафий мазмунга эга бўлиб, уларда муҳаббат, шодлик ва хурсандчилик, базм ва қувноқлик, баҳор таровати ва сафоси тасвири ҳамда ҳаётнинг бошқа томонлари васф этилганки, бу Сайфи Исфарангийни адабиёт тарихида ўз ўрни борлигини белгилаган ва унинг номини абадийлаштирган.

Шоир ўз шеърларида яхши ишларни амалга ошириш, адолат ва инсоф, донишмандлик ва маърифатлилик каби инсоннинг энг яхши хислатларини юксак маҳорат билан тарғиб қилган. Бугунги кунгача бир неча тожик олимлари ва тадқиқотчилари томонидан Сайфи Исфарангийнинг шеърларини ўрганиш бўйича илмий ишлар қилинган, аммо менинг фикримча, бу ҳали етарли эмас.

Шунинг учун Фанлар академияси, олимлар ва тадқиқотчиларимиз бу тожик классик шоирининг бебаҳо адабий меросини янада кенгроқ ўрганиш бўйича тадбирлар белгилашлари зарурдир.

Давлат раҳбарининг топшириғи билан машҳур шоир Сайфи Исфарангийнинг девони юқори сифатли қилиб нашр этилган ва бугун биз унинг 500 нусхасини қадимий Исфара шаҳрининг адабиётсевар халқига эҳтиром рамзи сифатида армуғон этдик.

Бу таниқли шоирнинг мероси халқнинг маънавий тарбиясида, ёш авлодни тўғри йўлга даъват этишда ва аждодларимизнинг меросини ўрганишда арзирли хизмат қилишига ҳамда бугун фойдаланишга топширилган маданият ва истироҳат боғининг тожикларнинг бу қадимий шаҳри аҳолиси ва унинг меҳмонлари учун севимли маконга айланишига ишонаман.

**Ҳурматли қатнашчилар!**

Давлат истиқлолияти йилларида Исфара шаҳрининг ватансевар халқи ўзларининг софдилона меҳнатлари туфайли барча соҳаларнинг иқтисодий-ижтимоий тараққиётида кўзга кўринарли ютуқларга эришдилар.

Шаҳар аҳолиси мустақиллик шарофати ва тинчлик-осойишталик туфайли яхши меҳнат қилиб, турли соҳаларнинг устувор тараққиёти таъминланиши, шу асосда диёр ободончилиги, ижтимоий масалаларининг ҳал этилиши ва турмуш даражасининг юксалишига эришиш имконига эга бўлишди.

Айтиш керакки, муҳим масалалар ва ижтимоий мушкулликларни ҳал этиш ҳамда халқнинг осуда турмуши учун етарли шароит яратиш Мамлакат ҳукуматининг доимий диққат-эътибори остидадир.

Хусусан, 2013-2017 йиллар учун Исфара шаҳрининг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти дастурининг бажарилишини таъминлаш турли соҳаларнинг бундан кейинги илгарилаши ва аҳоли турмуш тарзининг анча яхшиланишига жиддий туртки бўлди.

Мазкур дастурга умумий маблағи қарийб бир ярим миллиард сомоний бўлган 338 лойиҳа киритилганини эслатиб ўтаман.

2016 йили Исфара шаҳри ҳудудида 24 лойиҳани татбиқ этиш йўлга қўйилиб, натижада, 32 миллион сомоний тўғридан-тўғри сармоя киритилганки, бу ўтган йилга нисбатан 19 миллион сомоний кўпдир.

Исфара Тожикистоннинг асосий саноат шаҳарларидан бири бўлиб, бу ердаги корхоналар энергетик ва ёнилғи комплекси, кимё, маъданни қайта ишлаш, электротехника, қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш, енгил саноат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаб соҳасида улкан ишлаб чиқариш иқтидорлари ва имкониятларига эгадир.

Шу билан бирга, Исфара шаҳри саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш иқтидорларидан самарали фойдаланиш, замонавий технологик жиҳозларни киритиш, ишлаб чиқаришнинг янги йўналишларини жорий этиш, янги ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш ва шу асосда янги иш жойларини таъсис этиш ҳамда саноат маҳсулотлари ҳажмини ошириш, энг аввало, экспорт маҳсулотларини кўпайтириш фаолиятнинг энг афзал ва муҳим йўналишларидан ҳисобланади.

Мамлакат мустақиллиги йилларида Исфара шаҳрида ички ва ташқи сармояни жалб этиш билан мавжуд 17 саноат корхонасига қўшимча равишда 37та янги ишлаб чиқариш корхона ва цехлари бунёд этилгани, улар маъдан қазиб олиш ҳамда қайта ишлаш, озиқ-овқат ва енгил саноат, қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасида фаолият юритаётгани қаноатланарлидир.

Фақатгина 2016 йилда қуруқ мевани қадоқлаш ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган 9та янги саноат корхонаси ва цехи ўз ишини бошлади. Айни пайтда шаҳардаги қуруқ мевани қайта ишловчи корхоналарда 20-25 хил маҳсулот замонавий меъёрларга жавоб бера оладиган тарзда қайта ишланиб, янги технологиялардан фойдаланган ҳолда қадоқланади ва турли чет давлатларига сотувга чиқарилади.

Исфара шаҳрида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми кейинги 10 йил ичида қарийб 237 миллион сомонийга етиб, 6 бараварга кўпайган.

Ички маҳсулот умумий ҳажмининг шаклланишида хусусий бўлим, яъни тадбиркорликнинг ҳиссаси ортиши туфайли яхши самара ва натижа кўзга ташланаётганини таъкидлаш жоиздир.

**Азиз ватандошлар!**

Бугун биз Тожикистон ва Россия тадбиркорлари томонидан ташкил этилган «Баракат-Исфара» корхонаси фаолиятини бошлаб бердик. Бу корхона 2016 йилда экспорт маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва маҳсулотнинг жаҳон стандартлари ҳамда меъёрларига жавоб бера олишини таъминлаш мақсадида қурила бошланган эди.

Шу билан бирга, ярим тайёр қуритилган ва сархил меваларни сақлаш учун умумий ҳажмда 700 тонна мевани сиғдира оладиган бир нечта совутиш хонаси қурилиши охирига етказилган.

Корхонанинг ишлаб чиқариш иқтидори бир кеча-кундузда 4 тонна бўлиб, унинг тўлиқ ишлай бошлаши билан доимий ишчилар сони 170дан ортади ва ёз, куз фаслларида 250 нафаргача маҳаллий фуқароларни мавсумий ишга жалб этиш учун имконият яратилади.

Корхона раҳбарлари ишчиларнинг иш ҳақларини 2000 сомонийгача оширишни ният қилишган.

Муносиб фурсатдан фойдаланиб, чет давлатлар корхоналари билан фойдали ҳамкорликни йўлга қўйиб, юзлаб маҳаллий аҳолини доимий иш ўрни ва яхши иш ҳақи билан таъминлаётган ҳимматли ва ватансевар тадбиркорларга миннатдорчилик билдираман.

Айтиш жоизки, бу корхона мамлакатда ягона бўлиб, унинг маҳсулотлари узоқ чет давлатларга экспорт қилинади.

Шу билан биргаликда, ҳозир Исфара шаҳрида шахсий сармоя ҳисобидан оёқ кийимлари тикиш, гилам тўқиш, тикувчилик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш корхона ва цехлари қурилиши, голланд технологияси асосида замонавий иссиқхоналар бунёд этиш, замонавий меҳмонхоналар барпо этиш, хизмат кўрсатиш цехларини қуриш ишлари йўлга қўйилган бўлиб, бу ташаббус қўллаб-қувватлашга лойиқдир.

Исфара шаҳри боғдорчилик ва сабзавот етиштириш йўналишида ўз мактабига эга ва машҳур бўлиб, деҳқонларнинг экинларни парвариш этишдаги бой малака ва тажрибаси мамлакатнинг бошқа шаҳар ва ноҳиялари деҳқонлари томонидан ўрганиляпти.

Ҳозир Исфара шаҳри миқёсида энг яхши ўрик боғлари мавжуд бўлиб, мутахассисларнинг маълумотига кўра, бу жаннатмакон минтақа ҳудудида 70 хилга яқин ўрик навлари парвариш қилинади.

Исфара шаҳри боғбонлари мустақиллик йилларида ўрик боғлари майдонларини 11 минг гектардан ошириб, ҳар йили ўн минглаб тонна тотли ўрик меваси ҳосилини йиғиштириб оладилар.

Исфара шаҳрининг Сурх қишлоғи ҳудудида ҳар ҳафта қуритилган ўрик ва бошқа мевалар сотиладиган минтақавий бозор амал қиладики, унда Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон ва ҳатто, Россия Федерациясидан келган тадбиркорлар иштирок этишади.

**Ҳурматли иштирокчилар!**

2016 йилнинг 22 декабр куни мамлакат Президентининг Олий Мажлисга йўллаган навбатдаги Паёмида 2017 йил Ёшлар йили сифатида эълон қилинди.

Бу ташаббус барча аҳоли, хусусан, мамлакат ёшлари томонидан жуда яхши кутиб олинди ва бу йўналишда аллақачон бир қатор фойдали тадбирлар амалга ошириляпти.

Бу йўналишда биз ёши катта авлоднинг вазифамиз, энг аввало, ўсмирлар ва ёшларни жаҳоннинг можароларга тўла ва гирдобли ҳолатидан яхши хабардор қилиш ва уларни тўғри йўлга даъват этишдан иборатдир.

Шундай шароитда давлат ва миллат манфаатлари, тинчлик ва осойишталик, сиёсий устуворликни ҳимоя қилиш, миллий бирликни мустаҳкамлаш ҳар бир ор-номусли шахснинг, жумладан, истиқлолият даври саодатли ёшларининг жонажон вазифаси, фарзандлик қарзи ва фуқаролик бурчидир.

Исфара шаҳрининг шарафли халқи ҳамиша ватансевар ва ватанпарвар, илмсевар ва адабиётпарвар бўлганликлари, хурофот ва бузғунчиликни қатъиян қабул қилмаганликлари, яъни дунёвий ҳаёт тарғиботчиси бўлганликларини эслатиб ўтмоқчиман.

Қадимий Исфара шаҳри аҳолиси бу яхши хислатларни бундан кейин ҳам давом эттириб, ёшларни миллий ифтихор, миллат ва давлатга садоқат, яратувчанлик меҳнатига ошнолик руҳида тарбиялашларига ишонаман.

Шунингдек, Исфара шаҳри ва қишлоқларининг шарафли халқи бундан кейин ҳам миллий давлатчилик асосларини мустаҳкамлаш, тинчлик ва осудаликни таъминлаш, сиёсий барқарорликни сақлаш, миллий бирликни устувор этиш, мамлакат Ҳукуматининг бунёдкорлик ва яратувчанлик сиёсатини қўллаб-қувватлаш йўлида катта саъй-ҳаракат қилиб, янада жавлон уриб меҳнат қилишларини комил ишонч билан айтаман.

**Яна бир бор барчангизни аждодий Янги йилимиз-Наврўз байрами муносабати билан табриклаб, қадимий Исфара шаҳри аҳолисининг ҳар бир хонадонига наврўзий файз-барака ва хушбахтлик тилайман.**

**Муваффақиятлар ҳамда саодатмандлик ҳамроҳингиз бўлсин, азиз ватандошлар!**

*«Ховар» ТМАА.*

# ҚАДИМИЙ ВА ҲАМИША НАВҚИРОН СУҒДДА НАВРЎЗ РУҲИ

## Миллат пешвосининг Суғд вилоятига иш сафари

**Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон давом этаётган Наврўз тантаналарида қатнашиш, бунёдкорлик ва яратувчанлик ишлари жараёни билан танишиш ҳамда бир қатор байрам иншоотларини фойдаланишга топшириш мақсадида Суғд вилоятига ташриф буюрди.**



Миллат пешвоси муҳтарам Эмомали Раҳмонни Хўжанд халқаро аэропортида Суғд вилояти раиси ва давлат ҳокимияти маҳаллий ижроия органларининг масъул вакиллари кутиб олдилар.

Меҳнат фахрийлари, аёллар ва ёшлар, илм ва маданият ходимларидан иборат Суғд вилояти жамоатчилик вакиллари ўзларининг ардоқли Йўлбошчилари - Тожикистон Республикаси Президентини юксак самимият ва хушнудлик ила қарши олишди.

Ёшлар гуруҳи, атлас ва адрас кийган лобар қизлар ота-боболаримиздан қолган Наврўз анъаналарини бажариш орқали юртимизда ҳукмрон бўлган тинчлик ва миллий бирлик шукронасини тараннум этдилар. Бу, албатта, мустақил Тожикистоннинг кун сайин гуллаб-яшнаётгани ва ривожланиб бораётганидан далолатдир.

Миллат пешвоси муҳтарам Эмомали Раҳмоннинг Суғд вилоятига бўлган навбатдаги иш сафаридан кўзланган мақсад, ободончилик ва бунёдкорлик ишларининг бориши билан танишиш, экин-тикин ишларини бошлаб бериш, турли соҳа иншоотларининг очилиш маросимида иштирок этиш, шунингдек, аҳамиятга молик бошқа улкан иншоотлар қурилишига тамал тоши қўйиш ҳамда Суғд вилояти шаҳар ва ноҳиялари аҳолиси, фаоллари билан мулоқот ўтказишдан иборат эди.

Мустақиллик файзидан тобора гуллаб-яшнаётган вилоятнинг шаҳар ва ноҳияларида халқаро Наврўз байрами, айниқса, олий мартабали меҳмоннинг ташрифи муносабати билан байрам шукуҳи кезиб юрди. Қувончи ичига сиғмаган вилоят аҳолиси эса, Миллат пешвоси ва халқаро Наврўз байрамини кутиб олиш учун кўчаларга чиқдилар.

Қайд қилиш лозимки, мустақиллик даврида мамлакатимизнинг ҳар бир гўшасида ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик, айниқса, мамлакат Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмоннинг тинимсиз саъй-ҳаракатлари туфайли Суғд вилояти шаҳар ва ноҳиялари янада обод бўлди. Бундан ташқари, халқнинг яшаш шароити бир неча баравар яхшиланди. Суғд вилояти жамоатчилик вакиллари Миллат пешвоси муҳтарам Эмомали Раҳмоннинг мамлакатда тинчлик-осойишталикни қайта тиклашдаги мислсиз хизматини доимо ардоқлайдилар. Вилоят аҳолиси томонидан Миллат пешвосининг самимий кутиб олиниши у киши юритаётган яратувчан сиёсатга хайрихоҳликнинг юксак нишонасидир.

## Янги таълим биноси

**Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмоннинг Суғд вилоятига бўлган иш сафари Бобожон Ғафуров ноҳиясининг Унжи қишлоғидаги 14-ўрта умумтаълим муассасасининг янги биносини фойдаланишга топширишдан бошланди.**

Давлат сарварини ушбу мактаб ҳовлисида ўқитувчи ва ўқувчилар самимий кутиб олдилар. Сўнгра, Миллат пешвоси томонидан тантанали равишда рамзий лента қирқилди. Шундай қилиб, 14-ўрта умумтаълим муассасасининг янги биноси ўз фаолиятини бошлади.

Давлат сарвари мактаб синфхоналарини кўздан кечириш, у ердаги мавжуд шароит ва имкониятлар билан танишиш чоғида мактаб биноси қисқа вақт ичида, яъни 9 ой давомида тўлиқ қуриб битказилганини айтди. Янги бино билан бир қаторда, эски бинолар ҳам фаол бўлган мазкур мактабда жами 1900 нафар ўқувчи таълим олади. Ушбу таълим муассасасида олий маълумотли 130 нафар ўқитувчи фаолият юритади.

14-ўрта умумтаълим муассасасининг янги биноси чиройли кўринишга эга бўлиб, замонавий меъморчилик усулида бунёд этилган. Уч қаватли мактаб биноси 1080 ўринга эгадир. Ўқувчилар икки сменада таълим оладилар. Янги мактабнинг асосий биносида ўқитувчилар учун иш кабинетлари ва 18та фан синфхонаси мавжуд. Барча замонавий таълим буюмлари билан жиҳозланган астрономия, физика, химия ва информатика синфхоналари шулар жумласидандир.

Янги мактаб биносида волейбол, баскетбол, теннис ва мини-футбол ўйинларига мўлжалланган кенг ва шинам спорт зали ҳам мавжуд. Томошабинлар учун 200 ўрин ташкил қилинган. Мактаб ҳовлисида, шунингдек, волейбол ва баскетбол ўйинларига мўлжалланган иккита спорт майдончаси жойлашган. Айтиш лозимки, қисқа муддатда қад ростлаган янги мактаб биносига 8,5 миллион сомоний сарфланган. Қурилиш ишлари "Барқарор" МЧЖ қурилиш бошқармаси томонидан бажарилган.

Тожикистон Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон 14-ўрта умумтаълим муассасасининг янги таълим биносини фойдаланишга топширгандан сўнг ўқитувчи ва ўқувчилар, жамоатчилик вакиллари ҳамда ноҳия фаоллари билан самимий мулоқот ўтказди.

Давлат бошлиғи ўз чиқишида давлат сиёсатида маориф соҳасига алоҳида афзалликлар берилганини айтиб ўтди. Сабаби, таълим муассасалари, болалар боғчалари, университетлар ва институтларда маърифатли авлодни вояга етказамиз. Улар келгусида касбий мутахассис бўлиб, мамлакатимиз тараққиётига ҳисса қўшадилар.

Учрашувда, шунингдек, ўқувчи ва фуқаролар сўз олиб, янги ва замонавий мактабни қуриб бергани, умуман олганда, республика бўйлаб олиб борилаётган кенг кўламли ободончилик ва яратувчанлик ишлари учун Давлат сарварига ўз миннатдорчиликларини билдирдилар.

## «Атласи Хўжанд» МЧЖ фаолияти билан танишув

**Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон Суғд вилоятининг Хўжанд шаҳрида "Атласи Хўжанд" масъулияти чекланган жамият фаолияти билан танишди.**

Давлат сарвари муҳтарам Эмомали Раҳмонга маълум қилишларича, мазкур корхона 1966 йили 7,7 гектар майдонда бунёд этилган. Шу кунгача бу ерда ипак маҳсулотлари, хусусан, атлас матоси ишлаб чиқарилади.

Олдинги йилларда Тожикистон ва минтақа бозорини сифатли атлас матоси билан таъминлаб келган ушбу корхона фаолияти бир муддат оқсаб қолганди. Бор иқтидорини ишга сололмай келаётган корхона фаолияти 2005 йили Миллат пешвоси муҳтарам Эмомали Раҳмоннинг бевосита қўллаб-қувватлаши билан қайта тикланди. Корхонада атлас ва адрас ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Айни пайтда "Атласи Хўжанд" корхонасида автоматик равишда ишлайдиган 32та мато тўқиш дастгоҳи мавжуд. Бугун мамлакат ичкариси ва минтақа бозорида тожик халқининг асл миллий матолари ҳисобланган атлас ва адрасга талаб ошгани барчамизга аён. Корхонага ўрнатилган тўқув дастгоҳлар ёрдамида атлас ва адрас ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилган.

Бугунги кунда 100 нафардан зиёд ёшлар иш билан таъминланган мазкур корхонада сифат ва бичим жиҳатидан халқаро андозаларга жавоб берувчи атласнинг 60 ва адраснинг 30дан ортиқ тури ишлаб чиқарилади.

Мавжуд шароит ва имкониятлардан фойдаланиш орқали "Атласи Хўжанд" корхонасида бир йил давомида 60 минг метр атлас ишлаб чиқарилади. Агар иккинчи иш сменаси жорий қилинса, бу кўрсаткич 120 минг метрга етади.

Мамлакат Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон аҳоли талаби инобатга олиниб, рақобатга чидамли маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилса, тайёрланган маҳсулот мамлакат ичкарисида ҳам, чет элда ҳам ўз харидорларини топа олишини таъкидлади. Ушбу омил маҳсулот ҳажмининг ортишига кўмаклашибгина қолмай, ушбу турдаги маҳсулот импортига ҳам тўлиқ чек қўяди.

Давлат бошлиғи муҳтарам Эмомали Раҳмон давлат ҳокимияти Суғд вилояти ижроия органи, тегишли вазирлик ва идоралар масъулларига мазкур корхонани тўлиқ хом ашё билан таъминлаш юзасидан топшириқ берди. Зеро, корхона асосий хом ашё - ипак билан таъминланса, маҳсулот ҳажми ортади. Бу эса, ўз навбатида, янги иш ўринлари яратилишига мустаҳкам замин ҳозирлайди.

## Етим болалар иштирокида Наврўз базми

**Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон Суғд вилоятига иш сафари доирасида Хўжанд шаҳрининг 34-маҳалласида савдо ва хизмат кўрсатиш марказларини ўз ичига олган 9**



**қаватли турар жой биносини фойдаланишга топширди.**

Мазкур иншоот 15 миллион 286 минг сомоний эвазига маҳаллий тадбиркор Аюб Тоҳиров томонидан қуриб битказилган. Қурилиш ишларини маҳаллий ишчи ва мутахассислар бажаришган. Ушбу иншоот меъморчилик меъёрлари жиҳатидан замон талабига тўла жавоб бера олади.

Турар жой биноси 50та квартирани ўз ичига олади. Шундан 10таси бир хонали, 18таси икки хонали, 10таси уч хонали ва 12таси тўрт хонали квартиралардир. Турар жой биносининг 1 ва 2-қаватларида савдо ҳамда хизмат кўрсатиш марказлари жойлашган.

Квартиралар шароити билан танишган мамлакат Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон қурилиш ишларининг сифатига юқори баҳо бериб, тадбиркорнинг ушбу ташаббусини бунёдкорлик ва ободончилик йўналишидаги муҳим қадам, дея баҳолади.

Кўп қаватли турар жой биносининг очилиш маросимидан сўнг Миллат пешвоси муҳтарам Эмомали Раҳмон шу ернинг ўзида ўн нафар ногиронлар оиласига квартиралар калитини топширди. Давлат сарвари муҳтарам Эмомали Раҳмон хайрли ишга қўл ургани, халқаро Наврўз байрами нишонланаётган кунларда савоби улуғ хайрли ишни амалга оширгани учун ишбилармон Аюб Тоҳировга миннатдорчилик билдирди.

Кенг ва шинам уй-жойга эга бўлган ногиронлар Миллат пешвоси муҳтарам Эмомали Раҳмонга чин дилдан раҳмат айтдилар.

Турар жой биносининг биринчи қаватида ота-онасидан айрилган 450 етим болалар учун байрам дастурхони тузалди. Шунингдек, камтаъминланган оилалардан бўлган 50 нафар боланинг суннат тўйи ўтказилди. Мамлакат Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон барча болажонларни халқаро Наврўз байрами билан қутлаб, уларга эсдалик совғалари улашди.

## Давлат бошлиғи Исфара шаҳрида

**24 март куни Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон бир қатор муҳим иншоотларнинг очилиш маросимида қатнашиш мақсадида Исфара шаҳрида бўлди.**

Шаҳарнинг муваққат аэропортида Миллат пешвоси муҳтарам Эмомали Раҳмонни шаҳар аҳолиси ва фаоллар ўзига хос самимият билан тантанали равишда кутиб олишди.

Ҳар йили халқаро Наврўз байрами кунларида яратувчанлик ва бунёдкорлик тадбирлари доирасида Давлат сарварининг Суғд вилояти шаҳар ва ноҳияларига ташриф буюриши анъана тусини олган.

## "Баракат Исфара" МЧЖ ўз фаолиятини бошлади

**Наврўз умумхалқ байрами нишонланаётган шу кунларда Миллат пешвоси муҳтарам Эмомали Раҳмон иштирокида Исфара шаҳрида турли иншоотлар фойдаланишга топширилди.**

Давлат бошлиғи Эмомали Раҳмон дастлаб мевани қайта ишлашга ихтисослашган корхона - "Баракат Исфара" масъулияти чекланган жамиятида бўлди. Миллат пешвоси томонидан тугма босилиб, корхона фаолияти бошлаб берилди. Мазкур корхона Россия Федерацияси ишбилармонлари томонидан киритилган инвестиция (97 фоиз) ҳисобидан бунёд этилган ва замонавий ускуналар билан жиҳозланган.

Қурилиш ва корхона фаолиятини тўла-тўкис йўлга қўйиш учун сарфланган умумий маблағ миқдори 3 миллион АҚШ доллари ёки 24 миллион сомонийни ташкил қилади.

"Баракат Исфара" масъулияти чекланган жамиятида маҳсулотларни иссиқ буғдан фойдаланган ҳолда қайта ишлаш, ўрик ва олхўрини юмшатиш, меваларни данагидан ажратиш, зарарсизлантириш, синов учун ташхис ўтказиш, меваларни навларга ажратиш ва қадоқлаш йўлга қўйилган. Қайта ишланган маҳсулотлар, асосан, Россия Федерацияси, Қозоғистон, Европа Иттифоқи мамлакатлари, Америка Қўшма Штатларига экспорт қилинади. Яқинда қуриб битказилган ушбу корхонада 70 киши иш ўрни билан таъминланган. Шундан 65 нафари аёллардир. Ишчилар маоши иш мавсумига қараб 700-2000 сомонийни ташкил этади.

Корхона фаолияти билан бевосита танишган Давлат бошлиғи бажарилган ишларни юқори баҳолаб, қуруқ мевани сифатли қайта ишлаш борасида аниқ кўрсатма ва топшириқлар берди.

Шунингдек, ишлаб чиқарувчилар қуруқ мевадан тайёрланган маҳсулот навларини кўргазмага қўйдилар. Давлат сарвари тадбиркорлар ишлаб чиқарган маҳсулотларни кўздан кечириб, ички бозорга янада кўпроқ маҳсулот чиқариш ва ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш орқали мевалар ҳосилининг талафотини камайтириш борасида фойдали маслаҳат ва кўрсатмалар берди.

Исфара-Хўжанд автомагистралида жойлашган корхона вакиллиги қуруқ мевани қадоқлаш цехи ва тайёрланган маҳсулотларни сақлашга мўлжалланган музхонани ўз ичига олади. Масъулларга кўра, умуман олганда, "Баракат Исфара" масъулияти чекланган жамияти ва унинг Исфара-Хўжанд автомагистралидаги филиалида 170 киши мавсумий ишларга жалб қилинади. Ишлар юришиб кетиб, корхона фаолияти кўнгилдагидек давом этиб турса, ишчилар сонини 250 нафаргача ошириш мумкинлиги таъкидланди. Корхонага ўрнатилган асбоб-ускуналар Россия ва Туркиядан келтирилган. Қайд қилиш лозимки, корхонада ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар халқаро меъёрларга тўла жавоб беради.

## Сайфуддин Исфарангий номли маданий-истироҳат боғининг очилиши

Иш сафари билан Исфара шаҳрида бўлган Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Пре-

4

# ОТА-БОБОЛАРНИНГ ЭЗГУ ТАШАББУСЛАРИ - ЁШЛАР ҚАНОТИ

## Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмоннинг Бобожон Ғафуров ноҳиясидаги Неъмат Бобожонов номли 14-ўрта умумтаълим муассасаси очилиш маросимидаги нутқи

*Бобожон Ғафуров ноҳияси, 23 март 2017 йил*

**Ҳурматли ўқитувчилар ва устозлар!**

**Азиз фарзандлар!**

**Энг аввало, табиат уйғониши байрами ва аждодий Янги йилимиз-халқаро Наврўзнинг муборак қадами билан Бобожон Ғафуров ноҳияси аҳолиси ва барчангизни самимий табриклайман.**

Қутлуғ Наврўз халқимизнинг уй ва кошоналарига нуру зиё бағишлайди, одамларнинг вужудида энг покиза туйғулар, энг олий умид ва орзуларни уйғотади.

Наврўз миллий ўзликни англашнинг муҳим қисми, авлодларни узлуксиз боғлаб турувчи ришта, ўтмиш ва бугуннинг алоқаси, гўзалликка интилиш анъаналарининг тикланиши, одамийлик, гина-кудуратлардан узоқлашиш, бир-бирини кечириш, севиш ва хуррам ҳаётнинг қадрига етиш рамзи ҳисобланади.

Ҳар йили бу муқаддас миллий байрам истиқболига халқ ўзлари яшайдиган жой ва манзилларни тозалашлари ва озода сақлашлари, яхши ният билан барака уруғини қадашлари, кўчат ўтказишлари, боғ бунёд этишлари, азиз Ватанимизнинг бундан ҳам обод, гўзал ва осойишта бўлиши учун ҳаракат қилишлари яхши анъанадир.

Бугун биз шу яхши анъаналар доирасида яна битта илм-маърифат макони, яъни Бобожон Ғафуров ноҳияси Унжи қишлоғидаги 14-ўрта умумтаълим муассасасининг янги биносини фойдаланишга топширганимиз хурсандчилик боисидир.

Унжи қишлоқ жамоати вилоятдаги энг катта жамоатлардан бири саналади. Унжи қишлоғи аҳолиси Тожикистон халқига саодат келтирган ва тожикларнинг бузилмас тинчлиги ва миллий бирлиги қасри бўлган тарихий Арбоб қасрининг бу қишлоқ ҳудудида жойлашгани билан фахрланадилар.

Бундан йигирма беш йил олдин бу тарихий масканда уруш ва қон тўкилишлар устидан тинчлик, душманлик устидан бир-бирини тушуниш ва миллий бирлик ғолиб келиб, азиз Тожикистонимиз йўқ бўлиб кетиш гирдобидан, миллатимиз эса, парокандаликдан қутулган эди.

Шунинг учун ҳам, бу йил бутун мамлакат халқи, жумладан, ҳар бирингиз учун тарихий ва муборак йилдир. Зеро, жорий йилнинг ноябр ойида ҳаммамиз биргаликда бу тарихий байрам, яъни Тожикистон Жумҳурияти Олий Кенгашининг тақдирсоз ўн олтинчи Сессиясининг йигирма беш йиллигини нишонлаймиз.

**Ҳурматли иштирокчилар!**

Бобожон Ғафуров ноҳиясидаги Неъматжон Бобожонов номидаги 14-ўрта умумтаълим муассасаси 1927 йили бошланғич мактаб сифатида ташкил этилиб, 1940 йили ўрта умумтаълим мактабига айлантирилган эди.

Муассаса 4та таълим биносидан иборат бўлиб, унинг бугунги кунгача бошланғич синф ўқувчилари ўқиган биринчи биноси 1927 йилда ҳашар йўли билан қурилган ва у 9 синфхонадан иборат эди.

Бино деворлари бир аҳволга тушиб, бу бинода таълим олишнинг имкони йўқ эди. Шунинг учун ҳам, охирги йилларда бу мактабда ўқитиш ишлари уч сменада олиб бориларди.

Янги қурилган мазкур бино уч қаватли бўлиб, 1080 ўқувчига мўлжалланган 18 синфхона, фан лабораториялари, зал, спорт майдончаси, иссиқлик узатиш маркази ва ошхоналарга эгадир.

Бу муассасани бунёд этиш ва уни таълим жиҳозлари, жумладан, стол-стул билан жиҳозлаш учун 8, 5 миллион сомоний сарфланган.

**Фурсатдан фойдаланиб, бу замонавий таълим муассасасининг қурилишида ўз ҳиссасини қўшган қурувчиларга миннатдорчилик билдираман.**

Шунинг баробарида алоҳида таъкидлашни хоҳлардимки, Унжи қишлоғи ҳудудидаги мактабларда ҳали ҳам ўқувчиларни ўтириш жойи билан таъминлаш муаммоси ҳалталаб масала бўлиб қолмоқда.

Ҳозир бу қишлоқда мактаб ёшидаги болалар ва ўсмирлар сони 10 мингга етган бўлиб, уларнинг фақатгина 5000 нафари таълимий ўтириш ўрни билан таъминланган.

Шунинг учун, мамлакат Ҳукумати қўллаб-қувватлаши ва чет эл сармоясини жалб этиш билан яқин вақтларда 1000 ўқувчига мўлжалланган яна битта янги ва замонавий мактаб ҳамда вилоят маориф бошқармасининг биноси қурилиши бошланиб, яқин муддатларда фойдаланишга топширилади.

Шунинг баробарида, вилоят ва ноҳия раҳбарияти ички имконият ва захиралардан фойдаланиб, жумладан, соҳибкорлар ва ҳимматли шахсларни жалб этиш йўли билан янги таълим биноларини бунёд этиш, қўшимча синфхоналар қуриш, шунингдек, замонавий болалар боғчалари қуришга доир қўшимча тадбирлар белгилашлари зарурдир.

Айни пайтда ноҳия миқёсида 129та таълим муассасаси фаолият юритадики, уларда 4500 нафардан ортиқ ўқитувчилар, жумладан, 3500дан ортиқ аёллар 66 мингдан ортиқ ўқувчиларнинг таълим-тарбияси билан машғулдирлар.

Давлат истиқлолияти даврида ноҳия ҳудудида умумий маблағи қарийб 50 миллион сомоний бўлган ва 7600 ўқувчига мўлжалланган 26та янги таълим муассасалари, янги бинолари ва қўшимча синфхоналар қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Айтиш лозимки, Бобожон Ғафуров ноҳияси мактабларининг ўқитувчилари вилоят ва мамлакат миқёсида билимли, лаёқатли ва тажрибали кадрлар тайёрлашлари билан шуҳрат топган бўлиб, улар тарбиялаган шогирдлар айни пайтда мамлакатимизнинг турли соҳалари ривожи учун арзирли ҳисса қўшиб келяптилар.

Ноҳиянинг таълим муассасалари ўқитувчилари ва устозлари бундан кейин ҳам ўзларининг тажриба ва малакаларини янада мустаҳкамлаб, халқимизнинг келажакни қурувчи авлодини тарбиялашда ўзларининг ватандўстона ва арзирли ҳиссаларини қўшишларига ишонаман.

Илм ва маориф соҳаси тараққиёти давлат ижтимоий сиёсатининг афзал йўналиши жумласидан эканлигини ҳисобга олиб, мамлакат Ҳукумати бу соҳага маблағ ўтказишни мунтазам равишда кўпайтириб боради. Масалан, Суғд вилояти маориф соҳасига маблағ ўтказиш 2016 йилда 666 миллион сомонийга етказилди.

Вилоят маориф соҳаси вазияти таҳлили шуни кўрсатадики, бу йўналишда мунтазам равишда фойдали тадбирлар амалга оширилади.

Масалан, ўтган ўқув йилида вилоятда ўрта маълумот билан ишлайдиган ўқитувчиларнинг фаолият юритиши масаласи бартараф этилганди.

Шунингдек, ўқитувчиларнинг таълим бериш сифатини оширишнинг омилларидан бири уларни қўллаб-қувватлаш ва моддий рағбатлантириш эканлиги маълумдир.

Шогирдлари халқаро танловларда фахрли ўринларни эгаллаган ўқитувчиларнинг меҳнатини қадрлаш мақсадида, вилоят давлат ҳокимияти ижроия органи ҳисобидан 3 минг сомонийдан 50 минг сомонийгача миқдорда бир марталик мукофот пули таъсис этилган.

Мана шундай қўллаб-қувватлаш ишлари ўқувчиларнинг халқаро ва жумҳуриявий фан олимпиадаларида иштироки ва уларнинг билим ва малакалари мунтазам равишда ошишига замин яратади.

2016 йилда республика фан олимпиадаларида вилоят шаҳар ва ноҳиялари таълим муассасаларининг 71 нафар ўқувчиси фахрий ўринларни эгаллаб, 43 нафар ўқувчи халқаро олимпиада ва танловларда фахрли ўринларга сазовор бўлишди.

Шунингдек, мамлакат Ҳукумати қарорини бажариш мақсадида, вилоят таълим муассасалари қошида 1000дан ортиқ сўзана тикиш, гилам тўқиш, адрас ва атлас тўқиш тўгараклари ва 655 рўзғор юритиш тўгараклари ташкил этилганини ҳам айтиш лозим.

Шунинг баробарида, айни пайтда вилоят маориф соҳасида бир қатор мушкуллик ва камчиликлар мавжуд бўлиб, уларнинг ўз вақтида ҳал этилиши соҳанинг бундан кейинги ривожига ёрдам беради.

Жумладан, ҳалигача ўқувчиларни дарслик китоблари билан таъминлаш масаласи тўлиқ ҳал этилмаган.

Шунингдек, вилоят таълим муассасаларида ўқувчилар сонининг тобора кўпайиб бораётгани сабабли, ўтириш жойининг етишмаслиги жиддий муаммога айланган.

Айтилган мушкулликни ҳал этишнинг йўлларидан бири соҳибкорлар имкониятларини жалб этиш ва хусусий таълим муассасалари бунёд этиш ҳисобланади.

Вилоятнинг турли шаҳар ва ноҳияларида хусусий мактаб ва болалар боғчалари қуришга бел боғлаган 35 нафар соҳибкорнинг ишлари таҳсин ва қўллаб-қувватлашга арзийди.

Шунинг учун, Маориф ва илм вазирлиги, маҳаллий давлат ҳокимияти ижроия органи раҳбарлари ва тегишли давлат органлари ва тизимларига янги таълим муассасалари, янги бинолар, қўшимча синфхоналар қуришга доир, шунингдек, соҳибкорларга ер участкалари ажратиш учун амалий чоралар белгилаш топшириғи берилади.

Мамлакат Президентининг 2016 йил 22 декабрда Тожикистон Республикаси Олий Мажлисига йўллаган Паёмида 2017 йилнинг Ёшлар йили сифатида эълон қилинганидан хабарингиз бор. Бу ташаббусдан мақсад, энг аввало, истиқлолият даврининг саодатли ўсмир ва ёшлари учун уларнинг яхши ниятлари ва орзулари амалга ошиши йўналишида интеллектуал имкониятларни ривожлантиришга етарли шароит яратиш ҳисобланади.

Шу билан боғлиқ равишда, сизларга-азиз фарзандлар, яна бир бор таъкидлайманки, ҳар бирингизнинг энг биринчи галдаги вазифангиз билим олиш, замонавий ахборот технологияларини ўзлаштириш, замонавий касб-ҳунарни ўрганиш, она тили ва чет тилларини олий даражада билиш, яъни маърифатли ва билимдон авлод сифатида камолга етиш ва севимли Ватанимизнинг ёрқин келажаги учун манфаат келтириш демакдир.

Ҳурматли ота-оналар ва ўқитувчи-устозларга мурожаат қилиб, эслатиб ўтмоқчиманки, фарзандлар таълим-тарбияси масаласига, «Фарзанд таълим-тарбиясида ота-онанинг масъулияти тўғрисида»ги қонун талабларига риоя қилишга ва хусусан, ёшларнинг онгига ҳар хил бегона ақида ва фикрларнинг таъсир қилиши ва уларнинг экстремистик ва террористик йўналиш ҳамда ҳаракатлар билан боғланиб қолишининг олдини олиш масаласига жиддий эътибор берсинлар.

Келажак бунёдкорлари ва ота-боболарнинг эзгу ташаббусларини давом эттирувчи яловбардор шахслар тарбияси биз-бугунги катта ёшли авлод билан боғлиқ эканлигини эсдан чиқармаслигимиз керак.

**Шундай яхши ниятлар билан яна бир бор барчангизни ва Бобожон Ғафуров ноҳияси аҳолисини улкан миллий байрамимиз–халқаро Наврўз байрами билан чин дилдан табриклаб, ноҳиянинг азиз халқига саломатлик ва саодатли умр, обод ва осуда турмуш, бу маърифат масканининг ўқитувчи ва ўқувчиларига янгидан-янги муваффақиятлар ҳамда аъло ва яхши баҳоларга ўқишларига тилакдошман.**

**Ҳамиша муваффақ ва мағрур бўлинг!**

*«Ховар» ТМАА.*

# ҚАДИМИЙ ВА ҲАМИША НАВҚИРОН СУҒДДА НАВРЎЗ РУҲИ

◄ 3

зиденти муҳтарам Эмомали Раҳмон ушбу қадимий шаҳар марказида яқиндагина реконструкция қилинган Сайфуддин Исфарангий номли маданий-истироҳат боғини фойдаланишга топшириш маросимида қатнашди.

Исфара шаҳрининг миннатдор аҳолиси Миллат пешвоси муҳтарам Эмомали Раҳмонни ўзига хос ҳурмат-эҳтиром билан қарши олдилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, маданий-истироҳат боғини янгилаш ташаббуси Тожикистон давлати раҳбарининг кўрсатма ва топшириқлари асосида илгари сурилган. Бу, албатта, Миллат пешвоси юритаётган маданиятпарвар сиёсатнинг улкан натижасидир. Айтиш лозимки, қаровсиз ҳолда бўлган шаҳарнинг бу гўшаси яратувчанлик тадбирлари ва бунёдкорлик саъй-ҳаракатлари негизида Исфара шаҳри аҳолиси ҳордиқ чиқарадиган ва сайр қиладиган сўлим масканлардан бирига айланди.

Тасдиқланган меъморчилик режаларига кўра, Сайфуддин Исфарангий номли маданий-истироҳат боғида кириш қисми - дарвоза, фаввора ва шаршаралар, миллий ўймакорлик усулида безатилган минбар, йўлаклар, ўриндиқлар ва декоратив ёритгичлар қад ростлаган. Шу билан бирга, боғ ҳудудида майсазорлар ташкил қилинган.

Ушбу мавзеда тожик-форс шоири Сайфуддин Исфарангийнинг баландлиги 5,5 метр келадиган ҳайкали қад ростлаган. Миллат пешвоси муҳтарам Эмомали Раҳмон тожик-форс шоири Сайфуддин Исфарангий ҳайкали юзидан пардани очди. Шундай қилиб, боғ тантанали равишда фойдаланишга топширилди.



XIII аср тожик-форс адабиётининг забардаст вакилларидан бири бўлган Мавлоно Сайфуддин Исфарангий адабиёт ва шеъриятда ўзига хос ўрин тутибгина қолмай, илму ирфонда ҳам юксак ном қозонган.

Айтилишича, Сайфуддин Исфарангий номли маданий-истироҳат боғининг умумий қиймати 4 миллион 200 минг сомоний атрофида бўлиб, қурилиш ишлари, асосан, саноат корхоналари, ташкилот ва муассасалар, саховатли тадбиркорлар ҳамда Исфара шаҳри аҳолисининг қўллаб-қувватлашида ҳашар йўли билан амалга оширилган. Боғнинг реконструкция ишлари борилган майдони 3,3 гектарни ташкил қилади. Шундан 8000 квадрат метри майдон ва йўлаклардир. Сайфуддин Исфарангий номли маданий-истироҳат боғининг асосий пудратчиси «Исфара қурилиш ширкати» МЧЖ, «Х-аср», шунингдек, «Исфара электр тармоқлари» ЁҲЖдир. Иншоот буюртмачиси шаҳар ижроия органининг асосий қурилиш бўлимидир.

Сайфуддин Исфарангий ҳайкали устидан парда кўтариш маросими якунлангач, Исфара шаҳри аҳолиси ва адабиёт аҳли олдида чиқиш қилган Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон қадимий шаҳар аҳолисини халқаро Наврўз байрами билан қутлаб, шу куни фойдаланишга топширилган иншоотлар муносиб байрам совғаси бўлганини айтди.

Давлат бошлиғи ўз нутқида атоқли тожик-форс шоири ва мутафаккири Сайфуддин Исфарангийнинг мумтоз адабиёт равнақида тутган ўрни, ушбу агросаноат шаҳар халқ хўжалигидаги алоҳида соҳалар тараққиёти, давлатнинг хусусий бўлим билан зич ҳамкорлиги, кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда Исфара шаҳрида туризмни тараққий эттириш каби масалаларга тўхталиб ўтди.

Шундан сўнг, Сайфуддин Исфарангий номли маданий-истироҳат боғининг фойдаланишга топширилиши муносабати билан кенг қамровли концерт дастури уюштирилди.

## Миллат пешвоси "Зумрад" санаторийсида

**Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон "Зумрад" санаторийси очиқ ҳиссадорлик жамиятидаги реконструкция ишларининг бориши билан яқиндан танишди.**

"Сомонсуғд" ёпиқ ҳиссадорлик жамияти ишчилари ва мутахассислари санаторийнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида, санаторийга келадиган мижозлар учун янги шароитларни яратишган. Бу ердаги шароит билан танишув чоғида маълум қилинишича, санаторийнинг 4-рақамли биноси асосий таъмирдан чиқарилган. Қолаверса, санаторий ошхонасида хизмат кўрсатиш сифати кундалик талабга мувофиқлаштирилган.

Шунингдек, санаторий ошхонасини гўшт, сут, сабзавот ва полиз экинлари билан таъминлаш мақсадида, "Сомонсуғд" ёпиқ ҳиссадорлик жамияти ишчилари томонидан санаторий ҳудудида мол-сут ва паррандачилик фермаси ҳамда 4та иссиқхона қурилган.

Ушбу мавзени янада сўлим ва барҳаво масканга айлантириш мақсадида, санаторий ҳудудига 4 минг туп мевали, 1000 туп манзарали дарахт ва 11 минг туп турли гул кўчатлари ўтқазилган.

Умуман олганда, санаторийни таъмирлаш ва янгилаш ишларига маҳаллий тадбиркорлар томонидан 20 миллион сомонийдан ортиқ маблағ сарфланган.

Шу ерда мамлакат Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон "Зумрад" санаторийсининг янги меҳмонхонаси қурилишига тамал тошини қўйди.

Қурилажак меҳмонхона ертўла ва олти қаватдан иборат бўлади. Ертўладан соҳанинг замонавий асбоб-ускуналари билан жиҳозланган ташхис қўйиш ва даволаш ҳужралари ўрин олиши кўзда тутилган. Биринчи қаватдан қабулхона ва шифокорларнинг алоҳида қабулхоналари, қолаверса, спорт-фитнес зали, тиббиёт пунктлари, газета ва журналлар, совғалар сотиладиган дўкон, гўзаллик салони, иккинчи қаватдан мажлислар зали ва ошхона ўрин олади. Юқори қаватларда 300 нафар дам олувчи учун бир кишилик ва икки кишилик хоналарни қуриш режалаштирилган. Барча хоналар замонавий стандарт талаб ва меъёрларига мос равишда бунёд этилади ва жиҳозланади. Бундан ташқари, хоналар интернет тармоғига уланади. Бино томи ҳам ҳордиқ чиқариш ва қуёш нури билан даволаш усулини амалга оширишга мўлжалланган. Режага мувофиқ, келгуси икки йилда 1200 кишининг дам олиши ва даволаниши учун шароит яратилади. Шу билан бирга, 300та янги иш ўрни ташкил қилинади. Бу эса, маҳаллий аҳоли бандлигини оширишга замина яратади.

Мазкур бинонинг ёнгинасида замонавий лойиҳа асосида аквапарк бунёд этилади.

Давлат сарвари муҳтарам Эмомали Раҳмонга санаторийга кираверишда қурилиши кўзда тутилган икки қаватли ташхис-даволаш маркази биносининг лойиҳаси ҳам кўрсатилди. Бу ерда, шунингдек, фахрий меҳмонларни қабул қилишга мўлжалланган ҳукумат қароргоҳининг қурилиши режалаштирилган. Ҳукумат қароргоҳи ажратилган 5,6 гектар майдонда халқаро андозаларга мос равишда бунёд этилади. Қароргоҳ меҳмонхона, даволаниш хоналари, ресторан, спорт майдони, ёзги ва қишки сузиш бассейнлари, йиғилиш ва мажлислар ўтадиган заллар, фавворалар, гулзор ва бошқа хизмат кўрсатиш нуқталаридан иборат бўлади.

Мамлакат Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон "Зумрад" санаторийсидаги хизмат кўрсатиш ва иш шароити билан танишиб бўлгач, маҳаллий тадбиркорларнинг яхши дам олиш ва даволаниш шароитини яратиш, янги иш жойларини ташкил қилиш йўлидаги саъй-ҳаракатлари ва бошқа муносиб ташаббусларига юқори баҳо бериб, уларга янгидан-янги омад ва муваффақиятлар тилади.

## Фаоллари билан учрашув

**2017 йилнинг 24 март куни Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси - Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон Суғд вилояти раҳбарияти ва фаоллари билан иш мажлиси ўтказди.**

Иш мажлиси чоғида Суғд вилояти ижтимоий-иқтисодий ҳолати, бунёдкорлик ишларининг бориши, баҳорги экин-тикин ишлари, янги саноат корхоналари ва иш жойлари яратиш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш масалалари таҳлил қилинди ва кўриб чиқилди.

Ўз чиқишида мамлакат Президенти вилоят шаҳар ва ноҳияларининг ижтимоий-иқтисодий соҳалари тараққиётини чуқур таҳлил қилди.

2017 йил бошигача вилоятнинг бюджетга солиқлар бўйича қарзи ижтимоий солиқ ҳисобга олинганда, 130 миллион сомонийни ташкил қилиб, шундан асосий қисми Хўжанд, Истаравшан, Исфара, Зафаробод, Мастчоҳ ва Бобожон Ғафуров каби шаҳру ноҳияларга тўғри келиши қайд қилинди. 2016 йили вилоят бюджети 101,8 фоизга ижро этилиб, унга 1,9 миллиард сомоний маблағ келиб тушди. Бу режадан 34,5 миллион сомонийга зиёддир.

Ҳозир вилоятда 23та давлат сармоявий лойиҳаси амалга оширилаётган бўлиб, улар умумий маблағи бугунги кунда 1,7 миллиард сомонийни ташкил қилади. Фақат сўнгги икки йилда вилоятда 123та саноат корхонаси бунёд этилди. Бундан ташқари, 2016 йили сармоялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан 1,3 миллиард сомонийлик маблағ асосий фондларга йўналтирилган бўлиб, бу 2015 йилдан 29 фоизга кўпдир.

Ўтган йили вилоят деҳқонлари 270 минг гектардан зиёд майдонга қишлоқ хўжалиги экинлари экишиб, 6 миллиард сомонийликдан зиёд ҳосил йиғиб олишди. Бу 2015 йил кўрсаткичидан 9,1 фоизга кўпдир.

Давлат ҳокимияти вилоят, унинг шаҳар ва ноҳиялари маҳаллий ижроия органлари раҳбарларига ижтимоий-иқтисодий тараққиёт бўйича турли дастурларнинг сифатли ва ўз вақтида амалга оширилиши йўлидаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш, бюджетнинг даромад қисми кўрсаткичларини таъминлаш, солиқлар бўйича қарздорликни камайтириш, иккинчи даражали харажатлардан қочиш ҳамда инфраструктурани ривожлантириш ва ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларни молиялаштиришни таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар қабул қилиш топширилди.

Мамлакат Президенти Гулистон, Истаравшан, Ашт, Шаҳристон ва Тоғли Мастчоҳ каби шаҳру ноҳияларда жиноятчилик кўрсаткичининг ошиб бораётганидан ташвиш билдирди. Статистик маълумотларга кўра, жорий йилнинг икки ойи мобайнида вилоятда 6233та жиноят содир этилган бўлиб, жиноятлар очилиши ҳолати 94 фоизни ташкил қилади. Ҳуқуқ ҳимояси ва давлат ҳокимияти маҳаллий органларига мавжуд камчиликларни бартараф этиш, жиноятчилик олдини олиш ва камайтириш бўйича топшириқлар берилди.

Саноат ва янги технологиялар вазирлигига мавжуд иқтидорлардан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқариш кўрсаткичларини сезиларли равишда ошириш, Қишлоқ хўжалиги вазирлигига эса, ички бозорни аграр маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлаш, унинг экспортини ошириш, ҳар бир қарич экин майдонидан самарали ва унумли фойдаланиш бўйича топшириқлар берилди.

Давлат бошлиғи вилоят шаҳар ва ноҳияларида ер соҳасида мамлакат қонунчилигига риоя этиш билан боғлиқ ташвишли вазият тўғрисида эслатар экан, вилоят, унинг шаҳар ва ноҳиялари раҳбариятига қонунчиликка риоя этиш ва бу соҳадаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича қаттиқ чора-тадбирларни тўлиқ масъулият билан қабул қилишни топширди.

Шунингдек, Суғд вилояти раиси Абдураҳмон Қодирий, вилоят бир қатор шаҳар ва ноҳиялари раисларининг 2017 йилда вилоят халқ хўжалиги тармоқлари фаолияти натижалари, мамлакат Президентининг Олий Мажлисга навбатдаги Паёмида айтиб ўтилган топшириқларини амалга ошириш ишларининг бориши, Миллат пешвоси муҳтарам Эмомали Раҳмоннинг бошқа топшириқ ва кўрсатмалари ижроси борасидаги ҳисоботлари тингланди.

Учрашув охирида мамлакат Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон вилоят фаоллари бундан кейин ҳам республика Ҳукуматининг ижтимоий-иқтисодий соҳалар тараққиёти бўйича топшириқлари ижроси йўлида ҳаракат қилишиб, жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшишларини ишонч билан қайд қилди.



## Пахта экиш ишлари бошлаб берилди

**Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси - Миллат пешвоси, Тожикистон Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон Суғд вилоятининг шаҳар ва ноҳияларига иш сафарининг учинчи кунида Бобожон Ғафуров ноҳияси "Исмоил" қишлоқ жамоатидаги Турсунбой Қўшатов номли хўжаликда пахта экиш ишларини бошлаб берди.**

Т.Қўшатов номли жамият хўжаликлари савдо кооперативи, чорвачилик, пахтакорлик, уруғчилик ва боғдорчилик соҳасида етакчи хўжаликлардан бири ҳисобланади.

Ўтган йили мазкур хўжаликда 658 гектар майдонда пахта уруғлари экилиб, улар ҳосили ўртача 23 центнерни ташкил қилгани қайд этилди. Жорий йилда хўжалик деҳқонлари ўз ихтиёрларида бўлган 70 минг гектардан 800 гектар майдонга пахта уруғи экишни режалаштирганлар. Пахта майдонларини ҳар йили кенгайтириб борилаётганини хўжалик деҳқонлари бу соҳанинг даромадли эканлиги билан изоҳлайдилар.

Давлат бошлиғи хўжалик ҳиссадорлари билан учрашувда экин жараёнида пахта уруғлари нави ва сифати, агротехник ишларининг тўғри олиб борилиши, ўғитлардан ўз вақтида фойдаланишга биринчи даражали эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади. Чунки фақат шу ҳолатдагина кутилган ҳосилни олиш мумкин.

Жорий йил хўжаликда "Флеш" навли юқори ҳосилли уруғ экилиши режалаштирилмоқда. Масъул шахсларнинг сўзларига кўра, янги нав ноҳия иқлимига жуда мувофиқ бўлиб, кутилган ҳосил гектаридан 40дан 60 центнергачани ташкил қилиши керак. Экиш ишларини ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш учун хўжаликда барча зарур қишлоқ хўжалиги техникаси тайёр турибди.

Миллат пешвоси муҳтарам Эмомали Раҳмон хўжаликнинг интенсив боғига ҳам ташриф буюрди. 40 сотих майдонга эга янги интенсив боғ эски боғ ўрнида барпо этилгани қайд қилинди. Бу ерга, асосан, шафтолининг "Роял сумерк", олхўрининг "Июн атиргули" ва ўрикнинг "Мирсанжали" навлари экилган.

Мамлакат Президенти деҳқонларга интенсив боғлар фойдаси ҳақида маълумот берар экан, тоғ мавзеси шароитида бундай боғларни барпо этиш жуда самарали эканлигини таъкидлади. Чунки нисбатан унча катта бўлмаган майдонда кўп сонли кўчатларни ўтқазиш мумкин. Интенсив боғларнинг бошқа устунлик жиҳати шундаки, улар қисқа муддатда ҳосил бера бошлайдилар. Бундан ташқари, дарахтлар орасидаги жўякларда турли хил қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш мумкин.

Давлат бошлиғи деҳқонлар диққатини сифатли экспорт меваларини етиштиришга қаратар экан, Бобожон Ғафуров ноҳиясида боғлар майдонларини кенгайтирган ҳолда, мева ва сабзавотларни қайта ишлаш ва қуритиш масаласига ҳам зарур даражада эътибор қаратиш муҳимлигини таъкидлади. Ўз навбатида, деҳқонлар айни пайтда хўжаликда 1200 гектар майдонда боғлар ва токзорлар мавжудлигини, улар ҳосили нафақат республика ичкарисида, балки хорижга ҳам экспорт қилинаётганини айтишди. Мазкур хўжаликнинг барча тармоқларида 600дан зиёд ҳиссадор фаолият юритаётгани қайд қилинди.

Миллат пешвоси муҳтарам Эмомали Раҳмон боғдорчилик ва узумчиликни ривожлантириш, ердан унумли фойдаланиш, ўз вақтида суғориш, иссиқхоналарда маҳсулотлар етиштириш ҳамда шу йўл билан ноҳия ва вилоят бозорларини эртачи сабзавотлар билан таъминлаш борасида фойдали маслаҳатлар ва кўрсатмалар берди.

## Янги ерлар ўзлаштирилади

**Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси - Миллат пешвоси, Тожикистон Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон Бобожон Ғафуров ноҳиясида Сайҳун янги шаҳарчасининг Сомғор мавзесидаги ташландиқ ерларда суғориш сувини очиб, янги ўрик боғининг барпо этилишини бошлаб берди. Мазкур сув ушбу мавзега Сирдарёдан "Сайҳун-1" ва "Сайҳун-2" насос станциялари ёрдамида келтирилди.**

Давлат бошлиғининг бевосита топшириғига биноан, Бобожон Ғафуров ноҳиясининг "Сумчак-1" ва "Сумчак-2" насос станциялари модернизацияси амалга оширилиб, Сомғор мавзесини ўзлаштириш бўйича лойиҳани амалга ошириш учун эса, "Сайҳун-1" ва "Сайҳун-2" насос станциялари таъмирдан чиқарилди.

Мамлакат мустақиллиги даврида Сомғор даштини ўзлаштириш ва янги Сайҳун шаҳарчаси бунёд этилиши Миллат пешвоси муҳтарам Эмомали Раҳмоннинг асосий хизматларидан бири ҳисобланади.

Эслатиб ўтиш жоизки, 2015 йилнинг 24 март куни Миллат пешвосининг Суғд вилояти шаҳар ва ноҳияларига иш сафарларидан бирида Бобожон Ғафуров ноҳиясининг Сомғор дашти ва Мирзоработ минтақасида мамлакат Президенти янги замонавий шаҳарча қурилишини бошлаб берганди. Ўшанда Миллат пешвоси бир қатор иншоотлар қурилиши, суғориш ва шаҳарчада интенсив боғлар барпо этилиши ишларида иштирок этганди. Давлат бошлиғи Бобожон Ғафуров ноҳиясининг Сомғор дашти ва Мирзоработ минтақасидаги янги шаҳар режаси билан танишиб, унинг қурилишини бошлаб берди. Мамлакат Президенти шаҳарни Сайҳун, дея аташни таклиф қилди. Шаҳарча қурилиши ишлари бошланишида мамлакат Президенти қурувчилар ва тадбиркорларга шаҳарчада бунёд этиладиган кўп қаватли турар жой бинолари ва ижтимоий муассасалар миллий меъморчилик услубига мувофиқ келиши, сифатли қурилиши ва узоқ йиллар аҳолига хизмат қилиши зарурлиги борасида топшириқ берди.

Мамлакат Президентининг янги шаҳарча қурилиши бўйича ташаббуси Хўжанд шаҳри, унга яқин шаҳар ва ноҳиялар аҳолиси сонининг ошаётгани, эҳтиёжманд фуқароларни турар жой участкалари билан таъминлаш, қишлоқ хўжалиги экинлари етиштириш учун янги ерлар ўзлаштирилишини йўлга қўйиш, жумладан, Бобожон Ғафуров ноҳиясининг Сомғор мавзесида қарийб 15 минг гектар ташландиқ ерларда янги боғлар барпо этиш мақсадида илгари сурилганди. Бош режага мувофиқ, шаҳарча 40 минг оила ёки 240 минг кишининг истиқомат қилишига мўлжалланган.

Бугунги кунда шаҳарчада ҳудуд ерларини расмийлаштириш, 14 километр масофадаги ерларни икки босқичда суғориш ҳамда 9 километр масофага ичимлик суви линияси, 6 километрга электр узатиш линиясини ўтказиш ва ёритиш, 11 километрдан зиёд асосий йўллар қурилиши, сув ташлаш тизимлари, 4 километр масофадаги сув канали, кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Шаҳар қурилиши биринчи босқичида 1000 гектарда турар жойлар, ижтимоий-маданий ва маъмурий иншоотлар бунёд этилади. Умуман, 3 минг гектар майдонда 19та маҳалла, 17та ўрта умумтаълим муассасаси, 31та болалар боғчаси ва яслилар, 140та савдо ва хизмат кўрсатиш марказлари, 40та спорт майдончаси ва заллари, транспорт-йўловчи терминали, бозор ва бошқа зарур инфратузилмалар қурилади.

Шаҳарчада йўл-қурилиш ишлари давом этаётган бўлиб, 9-12 қаватли уйлар, 2-3 қаватли коттежлар пойдеворлари қўйилмоқда. Ушбу давр мобайнида шаҳарчада қарийб 6 минг оила ёки қарийб 40 минг киши томорқа участкаларига эга бўлишди. Айни пайтда 1000дан зиёд оила уй-жой қуриш ишларига киришди. Йўлларни асфалтлаш тезкор суръатда давом этаётган бўлиб, ёритиш, ичимлик ва суғориш сувлари ўтказиш, насос станциялари қурилиши бўйича ишлар олиб борилмоқда. Сайҳун шаҳарчаси қурилиши лойиҳасини ишлаб чиқишда истироҳат, фароғат ва тиббий хизмат кўрсатиш учун шароитлар яратиш масаласи диққат марказида турган бўлиб, 40та спорт майдончаси, спорт заллари, стадион, сузиш ҳавзаси, маданият ва истироҳат боғлари қурилиши режалаштирилган. Шаҳарча ҳудудида 8 гектар майдонда касалхона ва 2 гектар майдонда туғруқхона қурилиши назарда тутилган.

Сомғор ва Мирзоработ ташландиқ ерларини ўзлаштириш 4 босқичда амалга оширилади. Мамлакат Президентининг ташландиқ ерларни суғориш йўлидаги бунёдкорона ташаббуслари давлат дастурларини амалга ошириш, жумладан, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, камтаъминланган оилаларнинг томорқа участкаларига эга бўлишлари, янги боғлар барпо этиш ва янги иш жойларини яратиш йўлида муҳим омил ҳисобланади. Биринчи босқичда 118 метрдан зиёд баландлик ва 4,7 километр масофада 720 миллиметрлик қувурлар воситасида Сирдарёдан сув линияси ўтказилди. Сомғор ерларини ўзлаштириш доирасида биринчи босқичда 1000 гектар майдонда интенсив боғлар барпо этиш режалаштирилган. Янги боғлар замонавий технологиялар асосида барпо этилиб, томчилаб суғорилади. Мутахассисларнинг айтишларича, Сомғор иқлими боғлар, айниқса, ўрик ва шафтоли боғлари барпо этиш учун жуда қулай. Мутахассисларнинг сўзларига кўра, бугун турли ривожланган мамлакат-

5 ►

# Суғд вилояти янгиликлари

### «БИЗ ЎЗ ЮРТИМИЗ БИЛАН ФАХРЛАНАМИЗ!»

Деваштич ноҳияси маркази – Ғончи шаҳарчасида бўлиб ўтган илмий-назариявий конференция қатнашчиларининг чиқишлари ўзаро суҳбатларида ёшларнинг мустақил Тожикистон билан чинакамига фахрланишлари акс этиб турди. «Замонавий Тожикистоннинг замонавий дунёдаги ўрни» деб аталган мазкур конференцияда ёш ўқитувчилар томонидан тайёрланган чиқишлар иштирокчилар томонидан қизғин кутиб олинди.

Деваштичлик муаллималар – Шарора Шодиева, Парвина Омонова, Рухсора Ҳожиева томонидан тайёрланган «Сув - ҳаёт манбаи», «Миллат пешвоси ва Тожикистоннинг дунёда юксак мақом олишдаги ўрни», «Мустақиллик даври ёшлари ва жаҳонга юз тутиш таъсири» мавзуларидаги чиқишларида муаллифларнинг чуқур билимга эга эканликлари, дунёқарашлари кенглиги, атрофлича фикр-мулоҳаза юрита олишлари баралла сезилиб турди.

### НАВРЎЗ ЭЛЛАРНИ БИРЛАШТИРАДИ

Қозоғистоннинг Шимкент шаҳрида ўтказилган Наврўз тантаналари қозоқ ва тожик халқлари дўстлиги байрамига айланиб кетди. Наврўз кунлари Жанубий Қозоғистон вилояти маркази бўлган бу шаҳарга у билан биродарлашган Хўжанд шаҳридан меҳмонлар ташриф буюришди. Меҳмонлар орасида тадбиркорлар, санъаткорлар ҳам бор эди.



Тожикистоннинг Қозоғистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Назирмад Ализода бошчилик қилган тожикистонлик меҳмонлар гуруҳини мезбонлар илиқ кутиб олишди. Меҳмонларни Жанубий Қозоғистон вилояти раиси Жансеит Туймебаев қабул қилди. Хўжанд шаҳри раиси биринчи ўринбосари Хайрулло Ғайбуллозода Хўжанд ва Шимкент шаҳарлари орасидаги дўстлик муносабатларининг тобора мустаҳкамланаётгани, хўжандликларнинг бу йилги Наврўзни барча соҳаларда муносиб совғалар билан кутиб олишгани борасида сўзлади.

Серқуёш Тожикистон тупроғида етиштирилган ширин-шакар меваларни қозоғистонликлар мудом севиб истеъмол қилиб келишган. Жанубий Қозоғистон вилояти марказида Суғд вилоятидан келтириладиган қуруқ меваларни сотиш дўконини очиш ҳақидаги янгилик шимкентликларни қувонтириб юборди. Бу дўкон икки мамлакат тадбиркорларининг «САТН» қўшма корхонаси ташаббуси билан очилади.

Наврўз кунларидаги сафар давомида биродарлашган шаҳарлар орасидаги иқтисодий ва маданий алоқаларни янада ривожлантиришга келишиб олинди. Наврўз байрамида қозоқ - тожик куй-қўшиқлари янгради.

### АТЛАСУ АДРАС АРЗОН НАРХДА

Хўжандликлар Наврўз арафасида уч кун давомида гилам, атлас ва адрас матоларини арзон нархда сотиб олиш имкониятига эга бўлишди. Давлат ҳокимияти Суғд вилояти ижроия органи қўллаб-қувватлаши билан ўтказилган байрамолди савдосида Гулистон шаҳридаги «Қолинҳои Қайроққум» Очиқ ҳиссадорлик жамияти маҳсулотлари харидорлари кўп бўлди. Наврўз муносабати билан чиройли ва сифатли гиламлар 20 фоиз арзон нархда сотилди.



Вилоятдаги атлас ва адрас тўқиш таълим-ишлаб чиқариш марказлари маҳсулотлари ҳам харидорларга манзур бўлди. Фақат икки кун орасида 9 минг метрдан ортиқ атлас ва адрас сотилди.

Суғд вилояти матбуот марказидан хабар беришларича, харидорлар маҳаллий қўли гул ҳунармандлар тўқиган атлас ва адраснинг тожикистонлик қизлар, аёлларга ярашиб, кўркларига кўрк қўшишини, сунъий толалар қўшилмайдиган бу матоларнинг инсон саломатлиги учун ҳам фойдали эканлигини таъкидлашган.

### СОЙ СОҲИЛЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Спитамен ноҳияси ҳудудидан оқиб ўтадиган тўртта сой соҳилларини мустаҳкамлаш ишлари бошланиб кетди. Айни бир пайтда сув оқиб ўтадиган ариқлар ва бошқа иншоотларни тозалаш ишлари ҳам давом эттирилмоқда.

Фавқулодда ҳолатларга тайёр туриш, табиий офатлар олдини олиш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтар экан, ноҳия раиси Акрам Сулаймонзода баҳор келиши билан ёғингарчиликлар кўпайиши ва сел келиши каби табиий офатлар юз бериши мумкинлиги, сув иншоотларини тозалаш, соҳилларни мустаҳкамлаш эса, кўнгилсиз ҳодисалар олдини олишга хизмат қилишини таъкидлади.

Мутахассисларнинг айтишларича, олдинги йиллар сел келиши натижасида ноҳия иқтисодига зарар етказган ҳолатлар юз берган. Кўприк ва йўлларни сел ювиб кетган. Бу каби ҳолатларнинг олдини олиш эса, фақат фавқулодда ҳолатлар ва фуқаро мудофааси ходимларининг эмас, балки ҳамманинг ишидир. Йиғилишда қатнашган ноҳиядаги шаҳарча ва қишлоқ жамоатлари раислари, ташкилотлар, идоралар раҳбарлари буни яхши англаган ҳолда, сой соҳилларини мустаҳкамлаш, канал ва ариқларни лойқадан тозалашга кўпчиликни сафарбар қилишга келишиб олишди. Чунки сув иншоотларини мавсумга тайёрлаш фақат кўнгилсиз ҳодисалар олдини олибгина қолмасдан, балки экинзор ва боғ-роғларни вақтида қондириб суғориш имкониятини ҳам беради.

### ХАБАРДОРЛИК ТЎҒРИ ЙЎЛГА БОШЛАЙДИ

Конибодом шаҳрида ўтказилган «Ёшлар – бузғунчиликка қарши», деб аталган энг яхши иншо танлови якунланди. Танлов натижалари ўрганилганда, конибодомлик ёшларнинг террорчилик ва экстремизм нима эканлиги, бузғунчи ғояларни ташиётган кимсаларнинг манфур ниятлари, уларнинг қилмишлари натижасида қанча-қанча бегуноҳ инсонлар ҳалок бўлаётганликлари, тинч аҳоли ўз уй-жойини ташлаб, тинч маконлар излаб, сарсон бўлаётгани, шаҳарлар култепага айланаётганидан хабардор эканликлари маълум бўлди. Ўқувчи ёшларнинг Сурия ва Ироқ каби давлатларда ўзини «Ислом давлати», деб атаган гуруҳ қилмишлари даҳшатларини яхши англаб етишлари улар ёзган иншоларда яққол кўриниб турарди.

Иншолар танлови давлат ҳокимияти Конибодом шаҳар ижроия органининг Ёшлар, спорт ва сайёҳлик бўлими томонидан ўтказилди. Танловни ўтказишдан яна бошқа мақсадлар, жумладан, ёшларни бунёдкорлик руҳида тарбиялаш, ёш истеъдодларни аниқлаш ҳам кўзда тутилганди.

Шаҳар Ёш истеъдодларни кашф этиш ва тарбиялаш марказида бўлиб ўтган танловда 25 нафар ўқувчи ва талаба иштирок этди. 32-ўрта умумтаълим муассасаси битирувчи синф ўқувчиси Ф. Мамадов ва Ўқитувчилар тайёрлаш коллежи толибаси М. Абдушарофова ёзган иншолар энг яхши, деб топилди.

*Ўз мухбир.*

# ҚАДИМИЙ ВА ҲАМИША НАВҚИРОН СУҒДДА НАВРЎЗ РУҲИ

4

ларга кенг тарқалган томчилаб суғориш тизимини жорий қилиш деҳқонлар манфаатларига жавоб беради. Чунки бу сув ва минерал ўғитлар тежалишига имкон яратади. Тожикистон сув захиралари юқорисида жойлашган мамлакат бўлишига қарамасдан, республикада ерларни суғоришнинг бу усулидан фойдаланилмоқда. Чунки ишнинг мазкур усули боғдорчиликда сув сарфланишини 7 баравар тежашга имкон беради. Шунингдек, томчилаб суғориш минерал ўғитлар тежалишига ҳам ҳисса қўшиб, ерни ювилиб кетиш ва эрозиядан ҳимоя қилади. Агар суғоришнинг анъанавий усули боғларнинг фақат текислик майдонда суғорилишини таъминласа, томчилаб суғоришда нотекис минтақалар ва қияликларда ҳам боғлар барпо этиш имконияти мавжуд. Мутахассислар ер маълумотлар тўплам бўйича лойиҳалар билан ҳамкорликда боғлар барпо этилишида GPS асосидаги янги навигацион усулдан фойдаланишади. Мазкур тизим қисқа муддатда кўчатлар ўтқазилиши нуқтасини аниқ белгилаш имконини беради.



Бобожон Ғафуров ноҳияси меҳнаткашлари билан суҳбат чоғида Давлат бошлиғи боғдорчилик ва токпарварлик қишлоқ фуқароларини иш жойлари билан таъминлаш ва улар яшаш шароитларини яхшилашнинг асосий омилларидан бири ҳисобланишини таъкидлади.

Миллат пешвосининг сўзларига кўра, янги боғлар барпо этиш, эски боғлар ва токзорларни қайта тиклаш мамлакат экспорт потенциалини мустаҳкамлаш, оилалар даромадларини ошириш, аҳоли фаровонлигини яхшилаш ҳамда бунёдкорлик ва ободончилик сиёсатини амалга оширишнинг асосий йўлларидан бири саналади.

Мамлакат Президенти Бобожон Ғафуров ноҳияси фуқароларига мамлакат Ҳукуматининг бунёдкорлик сиёсатини амалга ошириш йўлида муваффақиятлар тилаб, Сайҳун шаҳарчаси ва Сомғор даштида янги боғлар барпо этилиши туфайли бу минтақа гўзал мавзега айланиши, яқин йилларда бу ерда меваларни қайта ишлаш бўйича ўнлаб корхоналар яратилиши, улар вилоятнинг экспорт потенциалини оширишга ҳисса қўшишига ишонч билдирди.



## "Суғдиён" маданият қасридаги байрам концерти

**25 март куни Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси - Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон Хўжанд шаҳридаги "Суғдиён" маданият қасрида Суғд вилоятининг қайта ташкил қилинган бешта ансамбли чиқиш қилган байрамона концертда иштирок этди.**

Концерт олдидан мамлакат Президенти тожик халқининг ўтмишдаги тарихи ва маданиятига эҳтиром белгиси сифатида тожик-форс классик адабиёти асосчиси Абу Абдулло Рўдакийнинг қаср ёнида ўрнатилган ҳайкалига гулчамбар қўйди.



Тожикистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллигини нишонлаш кунларида Давлат бошлиғи иштирокида фойдаланишга топширилган "Суғдиён" маданият қасри Суғд вилоятининг маданият ва санъат арбоблари учун ўзига хос ютуқ ҳисобланади.

Ўз фаолиятининг биринчи кунлариданоқ, унда янги ансамбллар ташкил этиш, ўсмирлар ва ёшларни маданият ва санъатнинг турли йўналишларини ўрганишга жалб этишга жиддий эътибор қаратилди.

Миллат пешвосининг топшириғига биноан, маданият қасри қошида бешта ансамбл: "Зебо" рақс ансамбли, Ғаффор Валаматзода номли рақс ансамбли, "Сайҳун" ашула-инструментал ансамбли, Борбад номли ансамбл ва балет гуруҳи ташкил қилинди.

Ёшлар маданият ва дунёқарашлари даражасини юксалтириш, ватанпарварлик ва ўзликни англаш туйғуларини мустаҳкамлаш, янги сиймоларни топиш, ўсмирлар ва ёшларни маданияту санъатга жалб этиш мақсадида конкурс ташкил қилиниб, унинг якуни бўйича Суғд вилоятининг барча шаҳар ва ноҳияларидан 14дан 27 ёшгача бўлган истеъдодли ўсмирлар ва ёшлар танлаб олингани қайд этилди.

Айни пайтда бешта янги ансамблда 238 киши фаолият юритаётган бўлиб, улардан аксариятини ёшлар ва ўсмирлар ташкил қилади.

"Суғдиён" маданият қасри қошидаги беш ансамбл томонидан ташкиллаштирилган мазмунли концерт дастури чоғида томошабинларга артистларнинг жонли ижродаги дастурлари намойиш этилди.

Миллат пешвоси муҳтарам Эмомали Раҳмон ўсмирлар ва ёшларнинг юксак истеъдодига юқори баҳо бериб, бундай маданий тадбирларнинг ўтказилишини миллий маданият ва санъатнинг келажаги тараққиётида муҳимлигини таъкидлади.

## Бобожон Ғафуров ноҳиясидаги Наврўз тантаналари

**Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси - Миллат пешвоси, Тожикистон Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон Бобожон Ғафуров ноҳиясининг "Ваҳдат" боғида Наврўз байрамига бағишланган тантаналарда иштирок этди.**

Миллат пешвосининг топшириғига биноан, ноҳияда бир неча йил аввал бунёд этилган боғда халқаро Наврўз байрамига бағишланган тантаналар бўлиб ўтди.

Мамлакат Президенти кўп сонли фуқаролар ва меҳмонлар олдида нутқ сўзлар экан, ватандошлар ва Суғд вилояти аҳолисини Наврўз байрами билан табриклади. Давлат бошлиғи мустақил давлатимизнинг халқига эзгу ташаббусларни амалга оширишда муваффақиятлар тилади.

Ўз чиқишида Миллат пешвоси Наврўз кунларида яқинлар, қариндошлар ва эҳтиёжмандлардан хабар олиш наврўзона анъаналардан ҳисобланиши, жумладан, аждодларимиз наврўз онларини етимлар, ногиронлар ва камтаъминланган оилаларга ёрдам кўрсатишни эзгу амал, дея ҳисоблашганларини қайд қилди.

Мамлакат Президенти ўз чиқишида бу қадимий байрамга хос бўлган ўзгача анъаналар ва урф-одатлар, жумладан, бир-бирини кечириш, уйлар, атроф-муҳитни тозалаш, касаллар, тўшакка михланиб қолганлар ҳолидан хабар олиш, етимлар ва эҳтиёжмандларни қўллаб-қувватлаш, кўчат ўтқазиш, баҳорги экин, спорт тадбирлари ўтказиш борасида тўхталиб ўтди.

Сўзи охирида мамлакат Президенти республикамизнинг барча фуқароларига бахту саодат ва фаровонлик тилади. Наврўзий тантаналарнинг якуний қисми Суғд вилоятида иккинчи марта ўтказилаётган "Наврўз карвони" билан ниҳоясига етди.

Ташкилотчиларнинг сўзларига кўра, байрамона тадбирга 6 мингдан зиёд иштирокчи жалб этилган. Мазкур тадбирда Тожикистоннинг турли минтақаларига хос бўлган урф-одатлар ва анъаналар намойиш қилинди.

## Янги иншоотлар фаолият бошлади

**Суғд вилоятига иш сафарининг учинчи кунида Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси - Миллат пешвоси, Тожикистон Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон Хўжанд халқаро аэропортида бир қатор янги хизмат кўрсатиш иншоотларини очди.**

Дастлаб Давлат бошлиғи Ёшлар йилида қурилган ва уларнинг шарафига "Ёшлар зали" дея аталган иншоот билан танишди. 1970 йили қурилган бино бугун "Хўжанд халқаро аэропорти" ОҲЖ томонидан тўлиқ қайта тикланган бўлиб, 250 ўринли мажлислар залига эга ҳамда турли маданий-сиёсий тадбирлар ўтказилиши учун мўлжалланган.

Сўнгра Давлат бошлиғи қурилиши ва жиҳозланиши 2017 йилнинг январ ойида аэропорт маблағлари ҳисобидан бошланган "Ёшлар ресторани" хизмат кўрсатиш шароитлари билан танишди. 220 ўринли ресторан аэропорт ходимлари, йўловчилар, хорижий меҳмонлар ва бошқа мижозлар учун мўлжалланган.

Бундан ташқари, Наврўзни нишонлаш кунларида аэропорт ҳудуди йўллари асфалтланиб, турли манзарали дарахтлар кўчатлари ўтқазилган ҳамда ҳудуди ёритилган ва кўкаламзорлаштирилган.

Ҳозир аэропорт ҳудудида йўловчиларни қабул қилиш ва жўнатиш учун терминал қурилиши давом этмоқда. Соатига 400 нафар йўловчига хизмат кўрсатишга мўлжалланган терминал қурилиш ишлари 2016 йили бошланган эди.

Аэропортнинг янги терминали мамлакат Президентининг Тожикистон аэропортларида хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш ва уларда хизмат кўрсатиш даражасини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш йўлидаги топшириқлари доирасида қурилмоқда.

Қурилиш пудратчиси "Муҳандис" МЧЖ қурилиш компанияси ҳисобланади. Шунингдек, янги терминални замонавий техник ускуналар, жумладан, хавфсизликни таъминлаш, ногирон йўловчилар учун махсус лифтлар, эскалаторлар, бошқа зарур техникалар билан жиҳозлаш режалаштирилган.

Мамлакат Президенти иштирокида фойдаланишга топширилган янги иншоотлар Суғд вилояти аҳолиси учун Наврўз кунлари, Миллий бирликнинг 20 йиллиги ҳамда Тожикистон Республикаси Олий Кенгашининг тарихий XVI сессиясининг 25 йиллигида жуда муносиб совға бўлди.

Миллат пешвоси муҳтарам Эмомали Раҳмоннинг Суғд вилоятига самарали иш сафари шу билан ниҳоясига етди.

*"Ховар" ТМАА.*

# Хатлон вилоятидан хабарлар

## Қўрғонтепа шаҳрида Наврўз тантаналари

Қўрғонтепа шаҳрида Наврўз тантаналари халқ ҳунармандчилиги ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари намойиши билан бошланиб, «Пахтакор» стадионида театрлаштирилган наврўзий дастур билан давом этди.

Вилоят аҳолисини Хатлон вилояти раиси Давлатшоҳ Гулмаҳмадзода, Тожикистон Республикаси Ҳукумати намояндаси Неъматуллоҳ Ҳикматуллозода ва Қўрғонтепа шаҳри раиси Амирулло Асадуллолар халқаро Наврўз байрами билан табрикладилар.



- Наврўз анъаналари пайдо бўлган вақтидан бугунгача ахлоқий, фалсафий ва инсонпарварлик қадриятларини йўқотган эмас, - деди Д. Гулмаҳмадзода. – Аксинча, у асрлар оша сайқаллашиб, Ер сайёрасида ҳаёт мазмунини ўзида мужассам этиб келмоқда.

Наврўзий суннатлар, тинчлик ва ҳамжиҳатлик, дастурхонлар безаш ҳамда қишлоқ хўжалиги ишлари бошланишини ифода этган байрамона дастурни ўн мингдан ортиқроқ киши томоша қилди.

## Байрам тўйларга уланди…

Наврўз байрами арафаси ва уни нишонлаш кунлари давлат ҳокимияти Хатлон вилояти ижроия органи томонидан Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмоннинг камтаъминланган оилалар, етимлар ва ногиронларни қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги Амрини бажариш мақсадида ташкилоту муассаса ҳамда саховатли тадбиркорларни жалб этиш йўли билан камтаъминланган оилалардан бўлган 1136 нафар ўғил болаларнинг суннат ва 91 жуфт ёшларнинг никоҳ тўйлари ўтказилди.



Давлат ҳокимияти Хатлон вилояти ижроия органи Дин ишлари, миллий анъана, тантана ва урф-одатларни тартибга солиш бошқармасидан хабар беришларича, 2017 йилнинг шу даврига қадар вилоят ташкилоту муассасалари ҳамда тадбиркорларни жалб этиш орқали хизмат кўрсатиш муассасалари, жумладан, қариялар ва ногиронлар уй-интернатлари, етим болалар мактаб-интернатлари, Улуғ Ватан уруши иштирокчилари ва уларга тенглаштирилган кишилар, камтаъминланган фуқаролар ва уларнинг оилалари, шунингдек, Тожикистон Республикаси Қуролли кучлари ҳарбий қисмларига 1,2 миллион сомонийлик моддий ва молиявий ёрдам кўрсатилган.

## Олийгоҳда миллий байрам руҳияти

Абу Абдулло Рўдакий номли Кўлоб Давлат университетида халқаро Наврўз байрами барча миллий суннату анъаналарга риоя этилган ҳолда нишонланди. Олийгоҳ ўқитувчи ва талабалари миллий кийимлар кийиб, ҳафтсин ва ҳафтшин талабларини бажарган ҳолда, байрамона дастурхон безашди.

Билим даргоҳи маъмурияти тантана иштирокчиларини Наврўз байрами билан қутлаб, Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмоннинг саъй-ҳаракатлари билан миллий байрамимиз – Наврўз халқаро байрам, деб эълон қилинганлигини ва айни пайтда сайёрамизнинг кўплаб мамлакатларида нишонланишини алоҳида таъкидлашди.



Шунингдек, тантана жараёнида республика ва вилоят миқёсида ўтказилган турли танловларда иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллаган ўқитувчи ҳамда талабалар олийгоҳ маъмуриятининг ифтихорнома ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

## Шаҳар ободончилиги йўлида

Наврўз байрами тантанали нишонланаётган кунлар Кўлоб шаҳри ёшлари Миллий бирлик байрамининг 20 йиллигини муносиб кутиб олиш мақсадида ҳамда Ёшлар йилига бағишлаб, шаҳардаги умумтаълим муассасалари, спорт клублари, майдонлар ва кўчаю маҳаллаларда ободончилик ва бунёдкорлик ишларини давом эттиришди.



Кўлоб минтақаси Ёшлар, спорт ва сайёҳлик бўлими масъулларининг хабар беришларича, ободончилик ишларига кўпроқ ёшлар, спортчилар ва мураббийлар жалб қилиниб, мевали ва манзарали дарахтлар ҳамда манзарали гуллар кўчатларини ўтқазишди.

## Нораклик ёшлар ташаббуси

Халқаро Наврўз айёми арафаси ва байрам тантанали нишонланаётган кунлар Норак шаҳри Ёшлар, спорт ва сайёҳлик бўлими ташаббуси билан ободончилик ва бунёдкорлик ишлари кенг миқёсда йўлга қўйилди. Айниқса, байрам арафасида наврўзий тантаналар ўтказилган спорт майдонида ободончилик ва бунёдкорликка бағишланган «Ободончилик ва тозалик – наврўзий суннатлар» шиори остида йиғилиш ўтказилди. Бу ҳақда давлат ҳокимияти Норак шаҳри ижроия органи Ижтимоий тараққиёт ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими бошлиғи Ҳабиба Сафарова «Ховар» ТМААга хабар берди.



Мазкур тадбирда Норак ва Бойғози ГЭСлари, соғлиқни сақлаш, маориф, маданият, ёшлар, спорт ва сайёҳлик соҳаларига қарашли муассасаларда меҳнат қилаётган 200 нафардан ортиқ фаол ёшлар иштирок этишиб, ободончилик ва кўкаламзорлаштиришга ўз ҳисссаларини қўшиш мақсадида шаҳарнинг марказий боғида 100 тупдан ортиқ манзарали дарахтлар кўчатларини ўтқазишди.

Нораклик ёшлар ободончилик ва бунёдкорликка бағишланган тадбирларни давом эттиришмоқда.

*Ўз мухбир.*

Нуқтаи назар

# ЎЗИНИКИЛАРГА ДУШМАНУ, БЕГОНАЛАРГА ДЎСТ

Тожикистон Ислом тикланиш террорчилик ва экстремистик партиясининг бир неча муддат назарлардан йироқ юрган ва ҳатто, истиқомат қиладиган жойини ҳам ҳаммадан яшириб келган ўзбошимча раҳбари Муҳиддин Кабирий кутилмаганда халқаро Наврўз кириб келиши кунларида қайси бир бурчақдан, қайси бир хорижликнинг қаноти остидан кўриниш берди. 2015 йилда партия фаолияти ва наҳзатчилар экстремистик ҳайъатининг чеклангани, наҳзатчиларни бир мушкул шароитга солиб қўйган аъзо ва фаолларнинг хорижга қочишларига нисбатан гоҳ мурожаат ва гоҳида эса, табрикномага ўхшаб кетадиган чиқишида Муҳиддин Кабирий ўз фикрини шундай баён этади: - "Бундай шароит ва зарбанинг ўндан бири ҳар қандай сиёсий кучни оёқдан йиқилиб, пароканда-лик, қарама-қаршиликлар пайдо бўлиши ва ё бузғунчиликлар боисига айланиши мумкин". Булар мақсад ва армонлари халқ қадриятларига асос бўлган кучлар эмас, уларнинг ўзлари миллатга қарши бузғунчи кучлар қисмларидир. Кабирий экстремистик партияси атрофида сўз юритиб, сохта-ю тўқима қаноатмандлик изҳор қилади: - "Бундай шахслар ва кучлар ҳар қандай зарбани қабул қилишади. Ҳаракатлари пасту баландликларга эга. Аммо ҳеч қачон синишмайди ва йўлларидан қайтишмайди ҳам". Ҳар бир давр, ҳар вақту замон, ҳам ўтмиш, ҳам бугунги кунда, хусусан, экстремист партия учун мушкул бўлган даврда наҳзатчиларга уларга яқин гуруҳлар ёрдам етказишди.

Кабирийнинг бундай миннатдорчилиги фақат хорижликларнинг Тожикистон Ислом тикланиш партиясини қўллаб-қувватлаши билан боғлиқ. Унинг қаноатмандлиги фақат наҳзатга турли мамлакатларда тарафдорлик қилишлари ва Тожикистон Ислом тикланиш партияси нимани истаса, улар учун муҳайё қилаётганлари учундир.

Тожикистонда кўз кўрмаган ва кутилмаган ҳамда наҳзатчиларнинг мавқеини аниқ кўрсатиб берувчи воқеалар бўлиб ўтди. Наҳзатнинг аввалги раҳбарлари шу йўл билан амал қилишгани ва бегоналарнинг ёрдами билан давлатни йўқлик сари бошлаганларини ҳамма билади ва буни эсларидан чиқарганлари йўқ.

Кабирийнинг сўзлари бошдан-охир наҳзат тўғрисида бўлиб, наҳзат - бир реакцион ва ортда қолган ҳизбни бир нуфузли ташкилот қилиб кўрсатмоқчи эканлиги маълум бўлади. Биз наҳзатчиларнинг нима ишлар билан машғул эканликларидан огоҳмиз ва буни айтиб ўтишга ҳожат йўқ. Ҳақиқатдан ҳам, Тожикистон Ислом тикланиш партияси тўқсонинчи йилларнинг бошида жамиятнинг сиёсий жараёнларига қўшилиб, тўқнашувлар сабабига айланди ва қудрат тепасига келди ҳамда ўзи томонидан вайрон этилган жамиятнинг обод бўлиши йўлида бирон ишни бажармади. Бугун ҳам иккинчи марта тинч жамиятни бесарусомонликлар қаърига итаришни истаяпти.

Байраму маросимлар яқинлашиши ва Тожикистон жамиятида уларнинг нишонланиши арафасида одатига биноан, тақиқланган Ислом тикланиш партияси ўзларининг бор-йўқликларидан дарак беришади. Ҳатто, қатъий исбот учун узоқ ўтмишдан мисол келтириб: - Биз аввалдан бор эдик, - дея таъкидламоқчи бўлади. Мазкур партияни тожик халқи фақат фуқаролик уруши йилларида таниди. Яъни тожик миллати орасида низоларни вужудга келтирганидан кейин. Бугун партия тарихий факту рақамларга таянган ҳолда, шаклланиш тарихини ўтган асрнинг тўқсонинчи йилларида ўзи вужудга келтирган воқеалардан аввалроқ, деб билади. Масалан, аксар ҳолатларда шундай иддао қилади: - "Ҳодисалар ва ўтган босқичлар наҳзат учун кам эмас ва кўп эмас, навбатдаги имтиҳон даври бўлди. Ўзининг 40 йилдан зиёд тарихида наҳзат бу ҳолатларни неча марта бошидан ўтказган ҳамда бу ҳар бир курашувчи кучнинг йўлидир". Бу айтилгану ёзилган гаплар биронта аниқ факту далил ва исботга эга эмас. Чунки партиянинг бир аъзоси келтирган ҳужжатлар бошқа аъзоси келтирган факту рақамлардан тамоман фарқ қилади. Ҳақиқатда эса, наҳзат тарихи 90-йилларда тожик миллати бошига келтирган хиёнатлардан бошланади. Тарихшунос Камолиддин Абдуллоев айтганидек: - "Ўзбекистон Ислом ҳаракати ва ТИТП 15 йил аввал яқин иттифоқчи бўлишган. Бу партияларнинг иккаласи ҳам минтақада исломий давлат бунёд этиш мақсадида қуролли кураш олиб боришарди". Ҳақиқатдан ҳам, бу партиянинг тарихи тўқсонинчи йиллардан бошланади ва тарихшунос партиянинг мақсадини ошкор қилади.

Тожикистон Ислом тикланиш партияси учун бу сохта тарихий сана муҳим сана ҳисобланади. Партияни ташкил қилиш санаси оммавий ахборот воситаларида ҳам бузиб кўрсатилиши назарга ташланишини эслатиб ўтиш жоиздир. Бундай сохта саналарни ТИТПда кўп учратиш мумкин. Партия ёзувлари фақат бир нафар кишининг ақидаси бўлиб, исботланган эмас. Агар ҳақиқат бўлса, унда илмий йўл билан исботлансин, лекин то бугунги кунгача исботланмаган. Тожикистон Ислом тикланиш партияси ўзининг нопок мақсади билан ҳар қандай тарихий саналарни бузиб кўрсатган. Шунинг учун, Ислом тикланиш экстремистик партиясининг раҳбарлик қилувчи ва аъзолик сатҳи мамлакат мустақиллигининг биринчи давридан шу кунгача номаъқул ва ноқонуний амалларга қўл уриб келишмоқда. Реакциону террорчи, давлат тузумига қарши ва ички иғвогар кучлардан ҳисобланади.

Наҳзатчилар вазиятни нотинч қилиш ва миллатдошлари орасига кина-ю адоват уруғини сепиш гумони билан қўлга олинганликларини қайд қилиб ўтиш зарур. Наҳзатчиларнинг номардларча, душманларга хос ва хиёнаткорона қилмишлари ва рафторлари шундан дарак беради. Аммо наҳзатнинг мурожаатида бунинг акси келтирилган. Кўпгина террорчилигу халқни ўлдириш ҳодисаларида фақат наҳзатчилар аъзоларининг қўли бор. Хожаларининг қуллари сифатида террорчилик амалларига қўл уриб, Тожикистон заминида хожаларининг бузғунчи фаолиятини давом эттиришади. Уларнинг рафторлари бирон ҳолатда ўз давлату миллати ҳақида яхши гап айтишмагани ва айтмасликларини кўрсатади. Шундай маъно изҳоротда ҳам келтирилган: - "Миллат, дин ва ватан учун кураш ҳамиша бир кичик гуруҳ учун аввалига ҳамиша уларнинг ишини аксарият беҳуда ва ҳатто, нораво, деб тушунишганлари билан имоний ва инсоний вазифа мақсади бўлган ва шундай бўлиб қолади. Аммо бу гуруҳнинг тиним билмас ва самарали саъй-ҳаракатлари-ю курашлари халқнинг янги тўлқинини оёққа турғазиб, ниҳоят, иш ҳамма миллатнинг ғалабаси ва озодлиги билан якунланади".

Тожикистон Ислом тикланиш партиясининг хиёнаткор, фирибгар ва жинояткор раҳбару аъзоларидан иборат қочоқлари улардан бутлар ясашмоқчи бўлишади. Бугунги кунгача партиянинг оддий халққа манфий таъсир кўрсатувчи юзлаб жиноятчилари тожик миллати учун маълум бўлди.

Наҳзат террорчилик ташкилотининг изҳороти Тожикистон томонини қоралаш учун тайёрланган. Унда давлатчилик маданиятини пастга уриш ва тожик миллатини танқид остига олиш назарга ташланади. Бу экстремист наҳзатчиларнинг халқни алдаш йўли билан ўзларини оқлашнинг бир йўлидир. Айни пайтда наҳзатчиларнинг ғаразлари ошкора баён этилиб, улар жамият орасида ихтилофни вужудга келтиришга уринишади.

*С.ОРИЁНФАР.*

# Лондонда террорчилик амалиёти

Лондондаги ҳужум қурбонлари сони тўрт нафарга етди. Деярли 30 нафар яраланганлардан бири вафот этган, уларнинг орасида бир неча хорижлик фуқаролар ҳам бор.




Ҳужум қилган шахс ўлдирилган. У Лондон четида яшовчи 52 яшар Халид Масуд бўлиб, аввал ҳам террорчиликка дахли йўқ бир нечта жиноятларда иштирок этган. Унинг исломчилар билан алоқаси бўлганлиги боис, махсус хизматлар кузатувига олинган, бироқ террорчилик амалиёти содир этиш нияти борлиги ҳақида маълумот бўлмаган.

Тергов жараёнида 8 нафар гумондор қўлга олинган. Лондон ва Бирмингемда полиция рейдлари давом этмоқда. Британия пойтахтида полиция патруллари кучайтирилган.

22 март куни машина бошқариб келаётган Халид Масуд, парламент биноси яқинидаги Вестминстер кўпригида бир неча нафар пиёдани уриб юборган, сўнгра полиция ходимини ўладиган даражада яралаган. Террорчилик амалиёти учун масъулиятни «Ислом давлати» экстремистик гуруҳи ўз зиммасига олган.

*«Centralasian.com» сайтидан олинди.*

# Ҳарбий қисмга ҳужум



Чеченистонда ҳарбий қисмга ҳужум натижасида олти нафар ҳарбий ҳалок бўлди. Бу ҳақда «Интерфакс»га Росгвардиядан хабар қилишган.

Аввалроқ, ТАСС манбасининг ҳикоя қилишига қараганда, қуролланган одамлар гуруҳи Нурская станицасидаги Росгвардиянинг ҳарбий қисми ҳудудига ёриб киришга уринган. Ҳужумда саккиз киши қатнашган, улардан олтитаси ўлдирилган. Яна икки киши яширинишга муваффақ бўлган. Бу маълумотларни Терроргa қарши миллий қўмитада тасдиқлашди.

«Лайф» суҳбатдошининг таъкидлашича, ҳужум қилганлар Росгвардия офицерларининг умумий ётоқхонасига киришга уринишган.

Ҳарбий қисм ҳудудида тўла жанговар тайёргарлик тартиби эълон қилинган. Ҳужум учун жавобгарликни ҳозирча ҳеч бир ташкилот ўз зиммасига олмаган.

*«Centralasian.com» сайтидан олинди.*

# Икки йил бадалида ҳалок бўлган болалар

Ямандаги зиддият кучайганидан сўнгги икки йилда 1,4 минг нафардан ортиқ бола ўлдирилди. Бу ҳақда БМТ Бош котибининг гуманитар масалалар бўйича ўринбосари Стивен О'Брайен баёнот берди.



Ар Риёз иттифоқчилари билан бирга, 2015 йил 26 март куни Яманда ҳарбий амалиётни бошлаган эди. Араб коалицияси, деб номланган кучлар шиа оқимига мансуб исёнчи ҳусийлар ва собиқ Президент Али Абдуллоҳ Солиҳ тарафдорларига қарши курашда Президент Абд Раббо Мансур Ҳодий ҳукуматини қўллаб-қувватламоқда.

- «Кўп минг кишилик тинч аҳоли вакиллари, шу жумладан, 1,4 мингдан ортиқ қизлар ва ўғил болалар ўлдирилди ... ўн минглаб яманликлар жабрланди», - дейилади О'Брайеннинг Ямандаги можаро бошланишига доир ҳисоботида.

Унинг қайд этишича, Яман аҳолисининг учдан икки қисми, яъни 19 миллион атрофидаги фуқаролар гуманитар ёрдамга муҳтож.

2014 йилдан Яманда қуролли зиддият давом этмоқда, бир томондан «Ансар Аллоҳ» шиа ҳаракатининг исёнчи ҳусийлари ва собиқ Президент Али Абдулла Солиҳга тарафдор бўлган армия қисмлари, бошқа томондан Ҳукумат кучлари ва Абд Раббо Мансур Ҳодий тарафдорлари кураш олиб бормоқда. Расмий Ҳукуматни ҳаво ва қуруқликда Саудия Арабистони етакчилигидаги араб коалицияси қўллаб-қувватлаяпти.

## *Яқин Шарққа қўшимча кучлар*

АҚШ Бағдоддаги қўмондонлиги илтимоси билан Яқин Шарққа хавфсизликни кучайтириш мақсадида 300 нафар десантчи юбормоқда. Бу ҳақда Пентагондаги манбадан иқтибос келтирган ҳолда, «Fox News» телеканали хабар берди.



Телеканал маълумотларига кўра, 82-ҳаво-десант дивизиясининг қўшимча роталари Ироққа ёки Сурияга юборилади, бироқ улар қаерга жойлаштирилиши ҳақида ҳозирча аниқ маълумот йўқ. Ушбу масала бўйича қарор ИШИДга қарши курашаётган халқаро коалиция қўмондони Стивен Таунсенд томондан қабул қилинади.

# Пак Кин Хени қамашмоқчи



- «Жанубий Корея прокуратураси мамлакатнинг собиқ Президенти Пак Кин Хени ҳибсга олишга уриниб кўрмоқчи. У ўзининг истеъфосига олиб келган коррупция можаросига алоқадорликда айбланмоқда», - деб хабар қилди YTN телеканали.

«Ёнхап» агентлиги маълумотига кўра, 27 март куни Пак Кин Хени ҳибсга олиш сўралган ариза судга топширилган. Собиқ давлат раҳбари порахўрлик, ваколатларини суиистеъмол қилиш, дугонаси Цой Сун Силга махфий маълумотларни беришда гумон қилинмоқда.

Жанубий Кореядаги коррупция можароси 2016 йил октябр ойида авж олган эди. Бунга матбуотда пайдо бўлган хабарлар сабаб бўлганди. Хусусан, республикадаги «Samsung» каби йирик корпорациялар Цой Сун Сил томонидан ташкил этилган жамғармаларга йирик миқдорда пул ўтказиши орқали Ҳукуматнинг қўллаб-қувватлашига эришган. Президентнинг давлат лавозимларини эгалламаган дугонаси Президент маъмурияти ишларига аралашган ҳамда ҳокимиятдаги алоқаларидан фойдаланган.

Ушбу иш бўйича Пак Кин Хедан ташқари 30 нафарга яқин киши, жумладан, «Samsung» корпорацияси раҳбари Ли Чжэ Ён ҳам сўроққа тутилмоқда.

Айни пайтда, Цой Сун Сил ҳибсда сақланмоқда. Пак Кин Хе 10 март куни мамлакат Конституциявий судининг қарори билан вазифасидан четлаштирилган эди.

# Трамп Меркелдан талаб қилган маблағ

- «АҚШ Президенти Доналд Трамп яқинда Вашингтонда ўтган ёпиқ учрашувда Германия канцлери Ангела Меркелга НАТО хизматларидан фойдаланганлик учун тўлов ҳисоби тутқазган», дея хабар берди «The Sunday Times» немис Ҳукуматидаги манбаларга асосланиб.



Хабарга кўра, АҚШ етакчиси Германияни ҳимоя қилиш учун Берлиннинг НАТО олдидаги қарзи миқдорини 375 миллиард долларга баҳолаган.

Номини ошкор этишни истамаган немис вазирларидан бири ушбу қоғозни «кишининг ғазабини келтирувчи», дея баҳолаган.

- Бундай талаблар иккинчи томонни қўрқитиш учун илгари сурилади, бироқ канцлеримиз буни хотиржам қабул қилди ва иғволарга жавоб бермоқчи эмас, - деган у.

Трамп ва Меркелнинг илк учрашуви Оқ уйда 17 март куни бўлиб ўтган эди. Эртаси куни АҚШ Президенти Германия канцлери билан музокаралар аъло даражада ўтганини таъкидлаб, ортидан Германия ҳимояланиш учун НАТО олдида «катта миқдорда» қарздор бўлиб қолганини қўшимча қилган эди.

Илгарироқ, Трамп НАТОга аъзо давлатлар алянсни молиялаштириш бўйича мажбуриятларини тўлиқ бажармаётганлигидан - мудофаа мақсадлари учун олдиндан келишилган сумма - ИЯМнинг 2 фоизини ўтказмаётганидан норозилик билдирганди.

# Тўғон қисман ўпирилди

- «Суриядаги энг йирик - Фурот дарёсидаги Табқа тўғонига «Сурия демократик кучлари» - СДК қуролланган коалицияси ва ИШИД террорчилик гуруҳи ўртасидаги жанглар натижасида талафот етган», - деб хабар берди Ливаннинг «Ал-Маёдийн» телеканали.

ГЭС 1970 йилларнинг бошида совет мутахассислари билан ҳамжиҳатликда барпо этилган эди. «Табқа» тўғони мамлакатдаги энг йирик «Ал-Асад» сув омбори йўлини тўсиб туради.

Телеканал ўз манбаларига таяниб хабар беришича, электр станцияси бошқарув пункти ишдан чиққан, унинг фаолияти тўхтатилган. Телеканал суҳбатдошининг гапларига кўра, бунга сабаб авиазарба ёки артиллериядан ўққа тутиш бўлиши мумкин. Техник мутахассислар ҳануз давом этаётган қақшатқич жанглар туфайли объектга кира олишмаяпти.



СДКнинг араб ва курдлардан иборат отрядлари тўғондан тўрт километр узоқликда туришибди. Уларнинг яқин мақсади - ИШИДнинг «Суриядаги пойтахти» Ракқа шаҳри йўлидаги энг йирик таянч нуқтаси - Табқа шаҳрини қўлга киритиш.

- «Террорчилар портлатиб юборишидан чўчиётган СДК ҳозирча Фурот ГЭСини штурм қилишга шошилмаяпти», - дея хабар берди «Ал-Маёдийн».

ИШИД террорчилари Ракқани 2013 йилдан буён эгаллаб келишади. Ҳукумат қўшинларининг бир неча бор шаҳарни эгаллашга бўлган уринишлари муваффақиятсиз якунланган. Экспертларнинг фикрича, шаҳарда айни пайтда уч-тўрт мингга яқин жангари бор.




## Муҳожирлар оқими камайганми?

АҚШ Президенти Доналд Трамп АҚШга келишга уринаётган муҳожирлар сони камайганини қайд қилди. У бу ҳақда «Твиттер»да ёзди.

- «Генерал Келли (АҚШ миллий хавфсизлик вазири) чегара назорати соҳасида ажойиб ишни амалга оширмоқда. Рақамлар анчагина кам. Кўпчилик АҚШга бошқа келишни истамаяпти», - деб ёзган Трамп.

## Афғонистонга юбориладиган ҳарбийлар

АҚШ Афғонистонга қўшимча равишда 5 минг нафар ҳарбий хизматчини юбориши керак. АҚШ ва НАТОнинг Афғонистондаги кучлари қўмондони ушбу мамлакатдаги ҳарбий амалиётлар якунланганини эълон қилганидан уч ой ўтгач, шундай баёнот берган. Бу ҳақда «The Times» нашри ёзади.



- «Биз Афғонистондан кетишимиз мумкин эмас. Бу 11 сентябрда бошланган терроризмга қарши урушдир, - деб баёнот берган генерал Жон Николсон. - Америка қўшинларининг Афғонистондан чиқиб кетиши террорчиларни руҳлантиради ва Афғонистон яна жангарилар учун бошпанага айланади».

## Тинч аҳоли авиазарбалар нишони

Ироқнинг Мосул шаҳрида авиазарба оқибатида вайрон бўлган уй остидан 60дан кўпроқ жасад чиқариб олинди. Бино ИШИД жангарилари томонидан миналаштирилган бўлган.

Жангарилар одамлардан тирик қалқон сифатида фойдаланиш учун уларни уй ертўласига қувиб олиб киришган. Ғарб ва Яқин Шарқ матбуоти маълумотларига кўра, уй Ироқ кучларини қўллаб-қувватловчи АҚШ бошчилигидаги коалиция авиазарбасидан кейин вайрон бўлган.

Зарба вақтида уйда 200 нафардан кўпроқ фуқаро бўлган. Коалиция қўмондонлиги вакиллари шаҳарнинг бу ҳудудига ҳужум қилинганини тан олишди, бироқ уларнинг таъкидлашича, зарбалардан мақсад портловчи моддалар билан жиҳозланган юк машинаси бўлган. Вашингтонда тинч аҳолининг ҳалок бўлиши юзасидан текширув ўтказилишига ваъда берилди.




## Элчиларни тунаб кетишди

Қозоғистон пойтахти Остона шаҳрида полиция ходимлари томонидан БАА ва Бразилия фуқароларига тегишли буюмларни ўмарган ўғри қўлга олинди. Бу ҳақда «Tengrinews.kz» хабар тарқатди.

Полициячилар шаҳардаги савдо марказларидан бирида икки кишининг уяли телефонини ўғирлаб кетган Шимолий Қозоғистон фуқаросини қўлга олишган.



Остона Ички ишлар департаменти матбуот хизмати маълумотига кўра, уяли телефон аппаратлари БАА ҳамда Бразилия элчиларининг ёрдамчиларига тегишли бўлган.

Ушбу ҳолат «Ўғирлик» моддаси билан судга қадар суриштирув Ягона реестрида рўйхатдан ўтказилди. Телефонлар ўз эгаларига қайтарилди. Гумонланувчи Остона Ички ишлар департаменти вақтинчалик сақлаш изоляторига жойлаштирилди.

## Болқон ярим оролидаги энг катта масжид

Албания пойтахти Тирана шаҳрида Туркия кўмагида Болқон ярим оролидаги энг катта масжид қурилиши давом этмоқда.

«Намозгоҳ» масжиди Туркиянинг дин ишлари бўйича бошқармаси ёрдамида қурилмоқда, унинг пойдевори 2015 йилда, Президент Режеп Тайип Эрдоган иштирокидаги маросимда қўйилган. Туркия раҳбари ўшанда янги масжидни «Туркиянинг албан халқига энг катта ҳадяси», деб атаганди.



Пудратчи компания раҳбари Ҳусайн Шентуркнинг хабар беришича, масжид биноси қурилиши деярли якунига етган, эндиликда пардозлаш ишлари амалга оширилиши керак.

- «Ўйлашимча, 2018 йилнинг охирига келиб «Намозгоҳ» масжиди қурилиши якунига етказилади ҳамда у фойдаланишга топширилади», - дея таъкидлаб ўтди Шентурк.

## Дунёнинг энг машҳур шахслари рейтинги

«Fortune» журнали дунёни ўзгартирувчи ва бошқаларга ҳам илҳом бағишловчи «Дунёнинг энг буюк етакчилари» рейтингини тақдим этди. Уларнинг орасидан сиёсатчилар, ишбилармонлар, санъат арбоблари ва филантроплар ўрин олган.

Топ-50 рўйхатининг биринчи ўрни «Чикаго Кабс» бейсбол клуби раҳбари Тео Эпстейнга насиб этди. Иккинчи ўринга «Ali Express» интернет-дўкони яратувчиси Жэк Ма муносиб кўрилди. Учинчи поғонани эса, Рим папаси Франциск эгаллади.



Билл Гейтснинг турмуш ўртоғи Мелинда Гейтс мазкур рўйхатнинг 4-поғонасини банд этди. 5 ва 6-ўринлар эса, америкалик ишбилармон ва миллиардер Жефф Безос ҳамда режиссёр ва драматург Ава ДюВернэйга насиб этди.

Шунингдек, ўнликдан АҚШ миллий хавфсизлик вакили Ҳ. Р. Макмастер, Илғор демократик партия раиси Цай Инг Уэн, республикачи-сиёсатчи Жон МакКейн ва Германия канцлери Ангела Меркел жой олган.

## Антарктидани кесиб ўтган автомобил

«Hyundai Santa Fe» йўлтанламас автомобили Антарктидани кесиб ўтган биринчи енгил автомобилга айланди. Автомобил Юнион Кэмп станциясидан Мак-Мердога бўлган масофани ҳамда тескари йўналишни 30 кунда босиб ўтди.



Саёҳат учун «Arctic Trucks» компанияси томонидан тайёрлаб берилган «Santa Fe» ишлатилди. Автомобилни афсонавий қутб тадқиқотчиси сэр Эрнест Шеклтоннинг эвараси Патрик Бергел бошқарди. Саёҳат давомида ташқаридаги ҳарорат Целсий бўйича - 28га қадар тушди.

Йўлтанламас 2,2 литрли дизелли двигател билан жиҳозланди, шу билан бирга, агрегатнинг ўзи, бошқарув тизими, трансмиссия, олдиндаги дифференциал ва узатма вали бошланғич вариантда бўлган. Машина йўлни босиб ўтишда қийналмаслиги учун кичик босимдаги шиналар билан таъминланди.

Шеклтоннинг 1914-1917 йиллардаги Трансантарктика экспедициясининг юз йиллигига атаб ташкил этилган сафар ҳақида махсус филм ҳам суратга олинди. У махсус сайт ва «YouTube»да тақдим этилади.

# Нефт ҳақида билишимиз лозим бўлган беш факт

Нефт ва унинг бозорлардаги баҳосини бутун дунё диққат билан кузатиб боради.

Бироқ «қора олтин» ҳақида шундай фактлар борки, ОАВ ва телевидение булар ҳақида гапирмасликни маъқул кўришади. «InsiderPro» нефт ҳақидаги 5 маълумот билан бўлишди.

***1. Дунё нефтсиз ҳам мавжуд бўла олади***

Албатта, ҳозирнинг ўзидаёқ нефт тугаб қолса, бизнинг аҳволимиз таранглашади. Шунга қарамай, нефтни аста-секинлик билан энергиянинг алтернатив манбалари билан алмаштирилса, бунинг ҳеч қандай ёмон томони йўқ. Сўнгги ўн йилликларда эса, бундай ҳаракатларга нефт компаниялари томонидан фаол босим ўтказиб келинмоқда.



***2. АҚШ аҳолиси дунё аҳолисининг атиги 5 фоизини ташкил қилса-да, мамлакат жаҳон нефтининг жуда катта қисмини истеъмол қилади***

АҚШ жаҳон нефтининг тахминан 20-25 фоизини истеъмол қилади.

***3. Мамлакатнинг нефт ресурсларига бойлиги унинг аҳолиси бойишини кафолатламайди***

Нефтга бой барча мамлакатлар гуллаб-яшнайди, деган фикрга бориш нотўғри. БААга нисбатан бундай таъкид тўғри келади, бироқ ҳаммага ҳам бирдек омад кулиб боқавермайди.

Масалан, Нигерия - Африкадаги йирик нефт ишлаб чиқарувчи мамлакат, у жаҳонда 10 ва 12-ўринни эгаллайди. Бундан ташқари, у нефт захираси ҳажми бўйича барча мамлакатлар орасида илк ўнликка киради. Бироқ, шунга қарамай, нигерияликлар ўта ночор кун кечиришади. 2016 йил ҳолатига кўра, у ердаги аҳоли жон бошига ИЯМ 2758 долларни ташкил этади. Таққослаш учун АҚШда мазкур кўрсаткич - 53 минг доллар, Россияда эса, 8,8 минг долларни ташкил қилади.

***4. Нефт – жаҳондаги можаролар ва урушларнинг асосий сабабларидан бири***

Бунга бир неча мисол келтирамиз:

Чак уруши (1932-1935 йй.);

Иккинчи жаҳон уруши вақтидаги нефт ресурслари учун жанглар.

Эрон-Ироқ «танкер» уруши (1980-1988 йй.);

Ироқ-Кувайт можароси (1991 й.);

Нигер делтасидаги зиддият (2004 й.);

Судан ва Жанубий Судан ўртасидаги чегара можароси (2012 й.);

ИШИД террорчи ташкилотига қарши ҳарбий операция (2014 йилдан ҳозирги кунга қадар).

***5. Фақат нефт туфайлигина АҚШ доллари жаҳон бозорларидаги ўз ўрнини сақлаб келмоқда***

Умуман олганда, гап нефт ҳақида эмас, унинг асосий ишлаб чиқарувчилари ярим аср илгари тузилган шартномалар ва битимларга мувофиқ савдони долларда юритаётганларида. Бундай бўлмаганда эди, доллар, аллақачон, инфляция қурбони бўлган бўларди.

## Икки асрдан сўнг уйғонган вулқон

Россиядаги Камчатка ярим оролининг жанубий қисмида, Охота денгизи соҳили бўйида жойлашган Камбалний вулқони 200 йил ичида биринчи марта фаоллашди. Вулқон ташқарига 7 километр баландликдаги кул устунини отган. Таъкидланишича, вулқон кули Тинч океани узра 900 километр масофага чўзилиб кетган.

Вулқон атрофида авиация учун хавфлиликнинг «зарғалдоқ» даражаси киритилди. Бу даража вулқон отилиши эҳтимоли катталигини англатади. Вулқон сўнгги марта XVIII асрда отилган.

## Тажовузкор кенгуру

- «Канберралик автоҳаваскор тажовузкор кенгурунинг автомашинасига ҳужум қилганини видеотасвирга олди», - деб ёзди «Daily Mail» нашри. Лавҳада автомобил ҳайвоннинг ортидан ҳаракатланаётгани, кутилмаганда, кенгуру тўхтаб, машинани кўздан кечирган ҳамда транспорт воситасининг капотига бир неча зарба туширган.

Интернет тармоғидаги айрим фойдаланувчилар тажовузкор кенгуру қизиқ кўринишда бўлганига эътибор қаратишган. Ҳайвон ҳужум қилаётган вақтда оғзида сомон донасини ушлаб турган.

Айтиш жоизки, гарчи кенгуруларни ёқимтой ҳайвон деб ўйлашсада, аслида улар анча кучли ва атрофдагиларга хавф солиши мумкин.

## Сунъий интеллектнинг чексиз имкониятлари

Хитойнинг «Wheelys» стартапи Шанхайда компютер ва дастурий таъминот орқали бошқарилувчи озиқ-овқат бўлимини очди. «Digital Trends» сайтининг хабар беришича, «Wheelys»да тайёр нонушталар, тушликлар ва кечки овқатларни сотиб олиш мумкин. Ассортиментда турли газаклар ва озиқ-овқат тўпламлари намойиш этилган.

Харидорларга смартфонларидаги махсус илова ёрдамида дўкон расталарини мустақил сканерлаш, шундан кейин, танлов ва харидни амалга ошириш имкони берилади. Дўконда намойиш қилинган маҳсулот тахминан ярим соат ичида икки кишилик таомни тайёрлаш имконини яратади.

Смартфон дастурлари чарчамайди, лампалар, расталар ва таомлар ҳам шундай, шунинг учун, дўкон куну тун ишлайди. Савдо зали майдони катта эмас - жами 50 квадрат метр, бироқ «Wheelys» вакиллари ижобий йўналиш олишган. Шу боис, харидорларга янги иш лойиҳаси маъқул келган тақдирда, тез орада янги дўконлар очилади. Ўтган йили компания Швецияда ҳам худди шундай дўконини синовдан ўтказган.

## «Украина» крейсери сотилади

Украина Президенти Пётр Порошенко Николаевдаги кемасозлик заводи сув ҳудудида турган «Украина» ракета крейсерини қуролланишдан чиқариш ҳақидаги фармонни имзолади.



Николаев вилояти маъмурияти раиси ўринбосари Вячеслав Бонянинг айтишича, крейсердан қурол-аслаҳа олиниши ва ундан кейин «қолганини» сотиш режалаштирилмоқда.

- Унда корпус ва турбиналар мавжуд, уларга эҳтиёж бор, - деб айтган Боня ишчиларга.

- У ерда сизнинг маошингизни тўлаш учун етарлича пул бор, - деб қўшимча қилган Боня.

Крейсер қурилиши 1984 йилда бошланган. 1993 йилда крейсер Россия ҳарбий-денгиз флоти таркибидан чиқарилиб, Украина ҳарбий-денгиз кучларига топширилган. 1996 йилда кема қурилиши маблағ йўқлиги сабабли, музлатиб қўйилган.

## «Ёшлик элексири» синовдан ўтказилди

Нидерландиядаги Эразм Роттердамский номли университетнинг тиббий марказ олимлари сичқонларда қаришга қарши препаратни муваффақиятли синовдан ўтказишди. Бу ҳақда «Cell» журнали хабар берди.

Инсоннинг ёши ўтгани сайин тўқималарда қариётган ҳужайралар йиғилиб қолади. Олимларнинг фикрича, улар артрит ва диабет каби касалликларнинг ривожланишига туртки берар экан. Нидерландияликлар томонидан ишлаб чиқилган «ёшлик эликсири» ана шу ҳужайраларни йўқ қилади, бу эса, қариш жараёнини тўхтатиш имконини беради. Қариётган ҳужайраларни ўз-ўзини йўқ қилишга ундовчи пептид препарат таркибига киради.

Препарат қариётган сичқонларда синалганидан кейин, уларнинг жисмоний чидамлилиги ошган - тадқиқотчилар кемирувчилар кўп вақтларини «ғилдирак»да ҳаракатланиб ўтказганини таъкидлашди. Бундан ташқари, «ёшлик эликсири»ни қабул қилган жониворлар синов вақтида босиб ўтган масофа деярли икки баробарга ошган.

Олимлар, шунингдек, сичқонларнинг ички органлари фаолияти яхшиланганини ҳам қайд этишди.

Тадқиқот муаллифлари мазкур препарат саратон билан курашда самарали бўлиши мумкинлигини айтишмоқда. Кейинги босқичда янги препарат инсонларда синаб кўрилади.

*ОАВ асосида И. Маҳмадалиев тайёрлади.*

## Миллат пешвосининг зиёлилар билан учрашувидан кейинги ўйлар...

# ГАЗЕТА ДЎКОНЛАРИ ОЧИЛСА...

Умримнинг тўртдан уч қисми бевосита газета билан боғлиқ бўлганлиги ва 20 йилга яқин матбуот соҳасида фаолият юритганим сабаблими ёки юрагимда даврий матбуотга меҳрим чексизлиги боисми, ҳар ҳолда, ёшим 66га етибдики, газета-журналлар мутолаасини канда қилмайман.

Эсимда, ўн-ўн бир ёшли болакай эдим, мактабда ўқувчиларга мўлжалланиб нашр этиладиган газета ва журналларга обуна бўлардик. Хат ташувчи уйимизга уларни етказиб келарди. Газеталар сал кечикса, бетоқат бўлиб, хат ташувчининг йўлига интиқ бўлардим. Почтачи бобо келтирган газета-журналларнинг ўзига хос ҳиди хотирамда шунчалик ўрнашиб қолганки, ёшим бир жойга етган бўлишига қарамай, ҳозир ҳам ўша ҳидни туяман. Ўшанда газеталарни дарҳол мутолаа қилишга киришардим. Қишлоқчилик, уй-рўзғор юмушлари кўп бўлганлиги боис, айни пайтда тиббиёт фанлари номзоди бўлган акам Қамбарали Авазов, мени юмушларни бажаришга чорларди...

Энди-чи?!. Афсуски, бугунги ёшларнинг китоб ўқиш, газета-журналлар мутолаасига иштиёқлари пастлиги кишини ўйга толдиради. Ёшларимиз келажаги уларнинг билим савиясига боғлиқ эканлиги учун ҳам, бу муаммога бефарқ бўлмаслигимиз лозим, деб ўйлайман.

Ўтган йили баҳор фасли эди. Мактабимизга Суғд вилоятида чоп этилаётган «Шарқнома» журнали ижодкорлари ташриф буюришди. Улар билан бирга эски танишларим - шоир Жамшид Пиримов, ижодкор дўстимиз Парда Сариевлар ҳам бор эди.

Директорнинг кабинетига кириб келганимда, меҳмонлар, аллақачон, бошлиғимизга ўз мақсадларини айтиб улгуришган эди. Кейинроқ маълум бўлишича, суғдлик меҳмонлар ўзлари билан журналнинг янги сонидан 100 нусхадан кўпроқ олиб келишган ва биз уларни маълум маблағ эвазига ўқувчилар орасида тарқатишимиз лозим экан. Меҳмонлар ҳузурида директоримиз шу масъулиятни менинг зиммамга юклади. 50 дона журналнинг ҳар бир нусхасини 9 сомонийдан 450 сомоний маблағ эвазига олиб қолдик. Директоримиз меҳмонлар билан ўз чўнтагидан ҳисоб-китоб қилди.

Журналнинг маблағини тўплаш 3 ойга чўзилди. Ўшанда мен тобора қашшоқлашиб бораётган маънавиятимиз, маърифат тарқатувчиларнинг эзгу ишлари ҳам бориб савил қолгур маблағга тақалаётганлигидан қайғурдим.

Бу – нима? Маънавиятимизнинг таназзулими? Ёки лоқайдлигимиз оқибати?!.

Иш юзасидан Қабодиён ва Шаҳритуз ноҳиялари марказига ўтиб тураман. Хоҳ Қабодиён, хоҳ Шаҳритузга бормайин, албатта, севимли «Халқ овози» газетасини ахтараман. Уни топиб, сотиб олмагунча тинчимайман. Шаҳритуз ноҳияси марказий бозорига кираверишда бир аёл газета сотиб ўтиради (илгари марҳум эри газета сотарди). Аёлдан «Халқ овози» газетасини сўрайман ва «йўқ» деган жавобни оламан. Қабодиён ноҳияси марказида эса, бирор кишининг газета сотиш билан шуғулланаётганлиги гувоҳи бўлган эмасман. Албатта, жуда зарур бўлиб қолса, почтага бориб, ташкилот ва муассасалар обунаси ҳисобидан бирор дона олиш мумкин, лекин сизга газетани беришларининг кафолати йўқ...



Яна Шаҳритуз ноҳияси марказига қайтайлик.

Ноҳия марказий касалхонасига киришда чап томонда дўкон ишлаб туради. Ундан истаган молингизни топишингиз мумкин. Феврал ойининг 9-санасида дўкон сотувчиси билан суҳбатлашдим. Гап орасида «Халқ овози» газетасини сўрадим.

- Ҳозирча йўқ, агар келса ҳам, фақат 1 дона келади, - деди сотувчи.

Дўконда хусусий газеталар қалашиб ётарди. Бироқ Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон, Тожикистон Республикаси Ҳукумати олиб бораётган адолатпарварона ва халқчил сиёсатни тарғиб этувчи давлат нашриялари – «Жумҳурият», «Садои Мардум», «Халқ овози», «Народная газета» ва «Минбари халқ» газеталари, умуман, кўринмасди. Демак, хусусий газета-журналлардан келадиган манфаат давлат нашрлариникидан устун бўлса керак. Бўлмаса, нега бу дўконда давлат нашрларининг бирор нусхасини топиб бўлмайди? Ишончим комилки, ҳар бир ватанпарвар юртдошимиз давлатимиз нашрларини сотиб олишга эҳтиёж сезади.

Юқорида биз тилга олган ҳолат мамлакатимизнинг бошқа ноҳияларида ҳам худди шундай эмаслигига ким ҳам кафолат бера олади? Жамиятимизда турли иғвогар, кўпорувчи ва бегона ғояларни талқин қиладиганлар пайдо бўлишининг сабабларидан бири маънавиятимизга масъуллар бефарқ эканликларига бориб тақалмайдими?

Давлат ҳокимияти ноҳия ижроия органларининг ғоявий-тарбиявий ишлар бўйича масъул бўлимлари, ақаллан, ноҳия марказларида бюджет ҳисобидан бўлса ҳам, газета-журналлар сотуви билан доимий шуғулланадиган дўконлар ташкил этишлари давр тақозосига айланиб бораяпти, менимча. Қолаверса, бу топшириқ почта бўлимларига юклатилса, алоқа бўлимлари фақат обунадан тушадиган фойданигина кўзламай, салгина маънавиятимиз учун жон куйдирсалар, яхшироқ бўларди. Почта бўлимлари фаолиятини эса, маҳаллий ҳокимият вакиллари назорат остига олишлари зарур.

Халқаро Наврўз байрами арафасида Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон мамлакат зиёлилари билан учрашув ўтказди. Давлатимиз бошлиғининг маънавиятимиз ва маданиятимизни янада юксак поғонага кўтариш ҳақидаги жўяли фикрлари барчамизни масъулиятга чорлайди...

***Шоқамбар ПАРДАЛИЕВ,***
***Қабодиён ноҳияси.***

## Наврўз дин нуқтаи назаридан

# БОБОДЕҲҚОННИНГ ҚАДИМИЙ ВА НАВҚИРОН БАЙРАМИ

Наврўзнинг пайдо бўлиш тарихи борасида турли манбаларда турлича хабарлар бор. Турли вақт ва замонларда пайдо бўлиш ва байрам қилинганлиги ҳақида ҳам ривоятлар сақланиб қолган. Масалан, бир ривоятда Наврўзнинг пайдо бўлганлигига 5 минг йил бўлган дейилса, бошқаси 6 минг йил бўлган, дейди.

Баъзи бир тадқиқотчи олимлар, Наврўзнинг пайдо бўлиш сабабларини қуйидагича изоҳлайди: милоддан олдинги 7 минг йилликда Худованд Ерга Каюмарсни юборди. Бир қавлга кўра, Каюмарс Одам (а) эди ва барча инсонлар унинг зурриётидандир. Аммо бошқа бир ривоятга кўра, Каюмарс Одам (а) эмасди. Балки Одам (а) фарзандларидан бири эди.

Яна бошқа бир ривоятга биноан, Наврўз Жамшид даврида юзага келган.

Наврўз деҳқончилик, баҳорги экин-тикин байрами сифатида жаҳон аксар мамлакатларида, ҳатто, Америка Қўшма Штатларида ҳам қайд қилинади.

Аксар тарихчилар фикрича, Наврўз диний-мазҳабий ва сиёсий байрам бўлмай, балки милоддан олдинги 6-7 минг йилликда шамсий йил ибтидоси, экин-тикин байрами ўлароқ вужудга келган. Наврўзни шамсий йил бошиси сифатида қарийбки, жаҳон барча мамлакатларида қайд қилишадилар.

Наврўз деб аталишининг боиси шундаки, Фарвардин ойида Офтобнинг Ҳамал буржида қарор топиб, кеча ва кундузнинг тенглашувидан сўнг янги кун келади. Бинобарин бу кунни Наврўз, деб аташганлар.

Наврўз икки сўздан таркиб топган «нав» ва «рўз», яъни йил бошидаги янги кунга ишора. Араблар уни «Найруз» дейишади. Бу кун Офтоб Ҳамал буржига етади ва узун қишдан, совуқ кунлардан кейинги жонланиш, уйғониш юз беради, майсалар бош кўтариб, баҳорий илиқлик тарала бошлайди. Шу боис ҳам фасллар улуғи баҳор - олам ва табиат уйғониш байрамидир.

Наврўз жонланиш ва уйғониш байрамидир. Зеро, бу пайтда дарахтлар, ўт-ўланлар яшиллик касб этиб, бош кўтара бошлайди, табиатда ўзига хос тириклик нишоналари қайта намоён бўлади. Ҳа, шундай, Наврўз олам аҳли байрами, мажусий, насроний ва бошқа дин вакиллари байрами эмас. У на Арабга ва на Ажамга боғлиқ. Зеро, шариатимиздаги аксар ҳукмлар илгариги қавмларда ҳам бўлган. Мисол учун хатна яҳудийлар динида, рўза масиҳийлар динида мавжуд бўлиб, уларни Ислом бекор қилгани йўқ, аксинча, эътироф этди.

Наврўз тўғрисида ҳам баъзи исломий манбаларда ривоятлар бор. Шуларнинг бирига кўра, Нўъмон ибн Марзбон (Имоми Аъзамнинг (р) бобоси) Наврўз куни ҳазрати Али (ра) ҳузурларига полуда – Наврўз айёмида тайёрланган ҳолва келтирди. Шунда Али (ра) дедилар: - «Ҳар кунимизни Наврўз қилинг». («Бағдод тарихи», 13-жилд, 326 саҳифа.)

Ҳазрати Али (ра) ҳузурларига ҳолваю ширинлик келтиришди. Бунинг сабабини сўрадилар. Наврўз туфайли келтирдик, дейишди. Шунда Али (ра) дедилар: - «Ҳар кунимизни Наврўз қилинг». («Мажмаъал баҳрайн», «Наврўз сўзи», «Абуҳанифа», «Абузаҳра таснифи» 17-саҳифа ва «Мунтаҳ-ал араб» 4-жилд, 1240 саҳифа.)

Наврўз куни Ибн Аббос (р) Шомга (ҳозирги Сурия минтақаси) Ҳазрати Муовия (р) олдиларига боради. Муовия (р) Наврўз муносабати билан унга бир қанча ҳадялар тақдим этади ва у қабул қилади. («Ал-икд-ул-фарид», 1-жилд, 294-саҳифа.)




Бунинг бараварида дин уламоларимиз қавлларига кўра, бизнинг вазифамиз ўша куни ейишу ўйнаш эмас, балки зикру панду насиҳат қилиш, камбағаллару бенаволарга ёрдам қўлини чўзиш бўлмоғи лозим.

Юқорида эслатганимиздек, ушбу баҳорий байрамни бутун дунё аҳли табиат байрами сифатида қайд қилишадилар. Зотан, дунёда қаҳратон қишдан сўнг юз бераётган табиатдаги уйғонишга аҳамият бермайдиган, гулу гиёҳлару майсалар, борингки, бутун табиат уйғониши истиқбол этмайдиган бирор бир миллат йўқ.

Шуни ҳам эслатиб ўтиш лозимки, Наврўз жаҳон халқларини бирлаштириш характерига эга бўлиб, Эрон, Туркия, собиқ Совет Иттифоқининг мусулмон ўлкаларида, хусусан, Озарбайжону Қозоғистонда қадимий анъаналарга хос, Яратган Холиқу Жалилнинг шу кунларга етказгани шукронаси ўлароқ кутиб олинади ва байрам қилинади.

Наврўзнинг келиб чиқиши борасида, шунингдек, Абуали Муҳаммад Балъамий ҳам ўзининг «Тарихи Табарий» асаридаям хабар берган.

Мамлакатимиз турли гўшаларида Наврўзни турлича аташадилар. Масалан, диёримиз бир ерида уни «Қизил гул сайри» деса, бошқа бир ерида «Йил боши байрами» ва яна бир жойларда эса, «Дарвишона», «Деҳқонлар байрами», «Баҳор байрами», дейишадилар.

Дарвоқе, Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси-Миллат пешвоси муҳтарам Президентимиз Эмомали Раҳмон Жаноби олийлари ташаббуслари ва саъйи ҳаракатлари натижасида 2009 йили ЮНЕСКО қарори билан Наврўз халқаро байрам, дея эълон қилинди. Ва ҳар йили бутун олам мамлакатларида баҳордан хуш муждалар элтувчи байрам сифатида қайд этиб келинмоқда. Бу йил ҳам Наврўзбўйи мамлакатларда бу байрам кенг нишонланганини гувоҳи бўлдик. Такрор бўлса ҳам бу байрамнинг ҳеч бир динга алоқадор эмаслигини эслатиб ўтмоқчиман. У бободеҳқоннинг қадимий ва навқирон байрами. Сўзимни Ҳазрат Мир Алишер Навоийнинг бир байти ила хотималамоқчиман:

***Ҳар тунунг Қадр ўлубон,***
***Ҳар кунунг Наврўз ўлсун.***

***Абдулвоҳид ҲОМИДОВ,***
***Имоми Аъзам (р) номли Тожикистон Ислом олийгоҳи катта ўқитувчиси.***

## ЭЪЛОН *** ЭЪЛОН *** ЭЪЛОН

### *ЭЪТИБОР НАДОРАНД*

Номаи камоли гумшудаи ШТС № 0054631, ки онро МТМУ № 15-и н. Восеъ ба Қарахонов Баҳром соли 2003 додааст, аз эътибор соқит карда шавад.

***

Дипломи гумшудаи ЧТ № 000757, ки онро 16 июли соли 1997 бо ихтисоси тракторчӣ-мошинисти васеъихтисос ва челонгар-таъмирчӣ омӯзишгоҳи касбӣ-техникии № 15-и шаҳраки Пахтаободи шаҳри Турсунзода ба Мавлянов Улугбек Кахрамонович додааст, аз эътибор соқит карда шавад.

***

Патенти гумшудаи соҳибкори инфиродӣ Баротова Гулчеҳра, ки бо РЯМ 5330024700 фаъолият мекард ва дар нозироти андози н. Деваштич 18.07.2013с. аз қайд гузашта буд, аз эътибор соқит карда шавад.

***

Атестати гумшудаи силсилаи А №231951, ки онро литсейи муштараки тоҷикӣ-туркии ш.Турсунзода ба Ядгаров Шухрат Орифджонович 15.06.с.1996 додааст, аз эътибор соқит дониста шавад.

***

Атестати гумшудаи силсилаи А №231975, ки онро литсейи муштараки тоҷикӣ-туркии ш. Турсунзода ба Ширалиев Фазлиддин Бигалиевич 15.06.с.1996 додааст, аз эътибор соқит дониста шавад.

### *БАРҲАМ МЕХӮРАНД*

Ширкати комили "Аловидин", ки бо РЯМ 1010001676 фаъолият мекард ва дар нозироти андози н.Лахш 16.07.2010с. аз қайд гузашта буд, фаъолияташро қатъ менамояд.

***

Кооперативи тиҷоратии "Якка арча", ки бо РЯМ 5310003454 фаъолият мекард ва дар нозироти андози н. Деваштич 26.08.2010с. аз қайд гузашта буд, фаъолияташро қатъ мекунад.

**Ҳамкасбимиз, таниқли журналист Абулфайз Миматовга**

**СИНГЛИСИнинг**

**бевақт оламдан ўтганлиги туфайли чуқур таъзия билдирамиз. Ижодкор дўстимиз ва унинг яқинларига бу мусибатли кунларда Аллоҳдан сабру бардош тилаймиз.**

***«Халқ овози» газетаси жамоаси.***

## Оддий касб эгалари

# ҲУНАРЛИ ЙИГИТ ХОР БЎЛМАС

Аъзамжон сартарошлик касбига талабалик чоғларидан алоҳида меҳр қўйган эди, акаси Абдуаҳадга шогирд тушиб, ўрганган ҳунари бугун асқотмоқда.



*Аъзамжон Ғуломов иш устида*

-Ҳунарим ака-укаларимизнинг қиёфасини кўркам қилибгина қолмай, балки кўнглини ҳам ёшартириб юборади,- дейди «Борбад-24» эркаклар салони устаси Аъзамжон Ғуломов. -Ўзингиз тасаввур қилиб кўринг-а. Қадду бастига мос пўримгина кийинган ёш йигит соч-соқоли ўсган ҳолда, ёнингиздан ўтиб қолса, ҳойнаҳой, кўнглингизда «олтин давррингни ҳурмат қилсанг-чи, хумпар», дейишингиз аниқ. Мен фаолият юритаётган салонда барча хизмат кўрсатиш қулайликлари муҳайё.

Ўз касбининг фидойилари бўлмиш ака-ука Абдуаҳад, Нўъмонжон ва Равшан Ғуломовлар Ленинград шаҳрида ўз хизматлари билан мижозлар кўнглидан аллақачон жой олишган.

***

- Миллат пешвоси, Президентимиз муҳтарам Эмомали Раҳмоннинг 2017 йилни Ёшлар йили, деб эълон қилиши биз ёшларни янада фаол ва самарали меҳнат қилишга ундайди. Зеро, бундай қувончли ва хушхабарли кўрсатувларни телевизорсиз тасаввур этиб бўлмайди, - дейди Қўрғонтепа шаҳар «Кафолат» телевизор таъмирлаш устахонаси ишчиси Наимжон Раҳмонов.

Қўрғонтепа шаҳридаги 9-касб-ҳунар билим юртини тамомлаб, «Кафолат» телевизорлар таъмирлаш устахонасида фаолият юритиб келаётган Наимжон Раҳмоновнинг илк устози Нурмуҳаммад ака бўлиб, бу касб нозикликларини тинимсиз ўрганди. Тараққиёт туфайли мамлакатимизга кириб келаётган япалоқ экранли, рақамли телевизорларни таъмирлаш борасида гап кетганда, уста Наимжон тилга олинади.

Айниқса, «Филипс», «Самсунг», «LG» ва «Тошиба» русумли телевизорларга спутник антеннаси ўрнатиш кишидан анчагина меҳнат талаб қилади.



*Телевизор таъмири устаси Наимжон Раҳмонов*

Ўз касбу корлари билан «Кафолат» телевизорлар таъмирлаш устахонасида фаолият юритаётган ака-ука Наимжон, Баҳромжон ва Низомжон Раҳмоновлар, аллақачон, мижозлар кўнглидан жой олган.

***Давронбек КАРИМОВ,***
***Қўрғонтепа шаҳри.***

# СМС

## СПОРТ МУХЛИСЛАРИ СУТУНИ

Тел: 918-61-99-71

### ===== Мамлакатимизда =====

*---------- Футбол ----------*

### КАТТА СИНОВ БОШЛАНДИ

Тожикистон миллий терма жамоаси учун катта синов-«Осиё кубоги-2017» турнирининг гуруҳ босқичи мусобақаларига старт берилди.

«Ғ» гуруҳида чиқиш қилаётган Ҳаким Фузайлов шогирдлари биринчи турдан олдин Риффа шаҳрида Баҳрайн давлати бош жамоаси билан ўртоқлик учрашуви ўтказишди.

Учрашувнинг 4-дақиқасидаёқ термамиз ҳужумчиси Манучеҳр Жалилов томонидан киритилган «тез гол» юртдошларимизни ҳисобда олдинга олиб чиқди.



Ўйин учун ажратилган асосий вақт тугагунча ҳисоб ўзгармади. Ҳакам томонидан қўшиб берилган уч дақиқада эса, майдон эгалари ҳисобни тенглаштиришга муваффақ бўлишди. Ўртоқлик учрашуви дуранг-1:1 ҳисобида якун топди.

Саралаш мусобақаларининг 1-турида эса, футболчиларимиз Яман терма жамоасига қарши майдонга тушишди. Учрашувда 1:2 ҳисоби қайд этилиб, яманликлар зафар қучди.

Матч Қатар пойтахти Доҳа шаҳридаги Суҳайм бин Ҳамад номли стадионда бўлиб ўтди.

*---------- Футзал ----------*

### «ДИСИ ИНВЕСТ» ҚИТЪА ЧЕМПИОНАТИДА

Мини-футбол бўйича уч карра Тожикистон чемпиони, пойтахтнинг «ДИСИ Инвест» клуби Осиё футбол конфедерацияси доирасидаги клублар чемпионатида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлди.

Бу ҳақда Осиё футбол конфедерацияси ижроия қўмитаси томонидан Тожикистон Футбол федерациясига расмий мактуб келди.

Клублар чемпионатининг финал босқичини жорий йилнинг 19-30 июн кунлари Ветнамнинг Хошимин шаҳрида ўтказиш режалаштирилган.

Эслатиб ўтиш жоизки, шу пайтгача Тожикистон футзал клубларидан бирортаси бу турнирда қатнашмаган.

*---------- Спорт турлари ----------*

### ХАЛҚАРО ТУРНИРЛАР ЧОРЛАЙДИ

Жорий, 2017 йилда Тожикистон Республикаси спортчилари турли минтақавий ва жаҳон миқёсидаги нуфузли турнирларда иштирок этадилар. Уларнинг айримларини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Курашнинг самбо тури бўйича Осиё чемпионати. 1-3 апрел, Тошкент шаҳри.

Бокс бўйича Осиё биринчилиги. 30 апрел-7 май, Индонезия мамлакати.

Кураш бўйича Осиё чемпионати. 10-14 май, Ҳиндистон.

Енгил атлетика бўйича Осиё биринчилиги. 1-6 июн, Ҳиндистоннинг Ранчи шаҳри.

Таэквон-до WTF бўйича жаҳон чемпионати. 24-30 июн, Кореянинг Мужу шаҳри.

Кураш бўйича жаҳон чемпионати. 21-26 июл, Франция давлати.

Бокс бўйича жаҳон чемпионати. 25 август-3 сентябр, Германия Федератив Республикаси.

Курашнинг дзюдо тури бўйича жаҳон биринчилиги. 28 август-3 сентябр, Венгрия Республикаси.

### ===== Жаҳонда =====

### ҚИЛИЧБОЗНИНГ ОЛТИН МЕДАЛИ

Финляндияда спортнинг қиличбозлик тури бўйича «Жаҳон кубоги» мусобақалари ўз якунига етди.

Биринчи рақамли турнирда дунёнинг Россия, Гонгконг, Италия, Америка Қўшма Штатлари, Германия, Швеция каби давлатларининг 90 нафардан ортиқ намояндалари ўзаро ғолиблик учун кураш олиб бордилар.

Ўзбекистон Республикасининг вакили, 32 ёшли Олег Соколов мусобақанинг барча босқичларида рақибларини мағлуб этиб, «Жаҳон кубоги»нинг олтин медалига сазовор бўлди.

Иккинчи ва учинчи ўринлар италияликларга насиб қилди.

*---------- Бокс ----------*

### «ҚАСОС» ЖАНГИ ЎТКАЗИЛАДИ

Касбий бокснинг WBA (Бутунжаҳон боксчилар ассоциацияси), WBO (Бутунжаҳон боксчилар ташкилоти), IBF (Халқаро боксчилар федерацияси) йўналишлари бўйича собиқ жаҳон чемпиони, россиялик Сергей Ковалёв ва мазкур йўналишлар бўйича амалдаги жаҳон чемпиони, америкалик Андре Уорд ўртасида «қасос» жанги ўтказиладиган бўлди.



-Икки кун аввал, «қасос» жанги ўтказиш ҳақидаги шартномага имзо чекдим,-деди россиялик боксчи журналистларга берган интервюсида.

Ўтган 2016 йилда америкалик «чарм қўлқоп устаси» Сергей Ковалёвдан барча йўналишлар чемпионлик камарини тортиб олган эди.

«Қасос» жанги ўтказиладиган жой ва вақти ҳақида қўшимча маълумот берилади.

*---------- Волейбол ----------*

### МУРАББИЙ ЁРДАМЧИСИ ЎЗГАРДИ

Туркия аёллар миллий терма жамоасининг собиқ бош мураббийи Ферхат Ақбаш Япония терма жамоаси бош мураббийининг ёрдамчиси этиб тайинланди.

Бундан асосий мақсад: 2020 йилда ўтказиладиган ёзги олимпиада ўйинларига мезбонлик қиладиган майдон эгаларини халқаро турнирга муносиб тайёрлашдир.

Ақбаш бошқарган Туркия аёллар терма жамоаси 2014 йилда Евролига мусобақаларида ғолиб чиққан эди.

Шундан кейин, 2015 йилда Боку шаҳрида ўтказилган Европа ўйинларининг олтин, ёшлар (U-23) ўртасидаги жаҳон чемпионатининг кумуш медалларини қўлга киритган.

Шунингдек, 30 ёшли турк мутахассиси Руминиянинг «Букурошт» аёллар клубига ҳам устозлик қилган.

***«Халқ овози»нинг спорт шарҳловчиси.***

**Кулгу устаси Ҳожибой Тожибоевни хотирлаб...**

# ЎЗИДАН ҲАМ СЎЗИ ҚИЗИҚ...

***Ҳожибой кўп қўллайдиган ва халқ орасида деярли афоризмга айланиб кетган бу иборани сарлавҳага кўчирганимизнинг боиси бор. «Халқдан олиб, яна халқнинг ўзига қайтаргувчи» машҳур қизиқчи истеъдоди гуркираган пайтларда, дарҳақиқат, ўзбекнинг ўзи, ўзиданам сўзи қизиқлигини, сўзга устомонлиги, закийлигини, нозик ишоралар, қочиримлар билан бир сўзга аллақанча маъно юклаши мумкинлигини серқирра ижодида кўрсатиб, исботлаб бера олди ва ўзи ҳам чархланиб, нафақат Тожикистон ва Ўзбекистонда, балки бутун Марказий Осиёда фақат Ҳожибой Тожибоевгагина хос бўлган ижро услубини яратди. Саид Аҳмаддай улуғ ёзувчи «Ҳожибой Тожибоевнинг кулгусида беғуборлик, беозорлик ва юксак самимийлик бор. Унинг кулгуси бировларникига асло ўхшамайди. Ҳожибой аввал тингловчини куйдириб, кейин кулдирар экан. Биз ҳам аввал куйиб, сўнгра кулганлардanмиз», дея унинг маҳоратига тан бергани бежиз эмас.***

***1 апрел баҳонасида ана шундай юксак баҳога чиндан-да лойиқ инсон, Ўзбекистон ва Тожикистон Республикаларида хизмат кўрсатган артист, кулгу устаси, халқ севган санъаткор Ҳожибой Тожибоевни хотирлаб, унинг ҳаёт йўли ва қизиқчилик фаолиятидан айрим лавҳаларни сизга тақдим этишни лозим топдик.***

## Янгиқишлоқ - Ҳожибойнинг киндик қони томган маскан

**Ҳожибой Тожибоев 1955 йил 25 августда деҳқон оиласида дунёга келди. Отаси, ҳожи Шодимурод даланинг одами, оддий колхозчи эди. Онаси Шаҳринисо ҳам умр йўлдоши билан бирга муборак ҳаж сафарида бўлиб, бутун умрини 8 нафар фарзанд тарбиясига бағишлади.**

**Оила сардори Шодимурод отадан бошлаб, Тожибоевлар сулоласида ўғилларга «мурод» қўшиб ном қўйиш анъанага айланган: тўнғич Ҳожимурод, ундан кейинги укалари Қўшмурод, Бекмурод, Орзумурод деб аталган. Қизлар ҳам 4 нафар. Ҳозир ҳаммалари уйли-жойли, бола-чақали бўлиб кетишган.**

**Ҳожибой ўрта мактабни тугатиб, 1973-1977 йилларда Тошкентдаги театр ва рассомлик санъати институтида таҳсил олди. Олийгоҳ йўлланмаси билан Тожикистонга қайтиб, бироз муддат Шукур Бурҳон номли Нов мусиқали театрида, сўнгра Камол Хўжандий номли вилоят мусиқали драма театрида актёрлик, қизиқчилик қилди. Санъатнинг юксакроқ чўққиларини забт этиш орзусида Андижон давлат филармониясига ишга ўтди, таниқли хонандалар Шерали Жўраев ва Ҳалим Жўраевнинг Ўзбекистон ва Марказий Осиё бўйлаб қилган гастрол сафарларида бирга қатнашиб, унди, ўсди, элга танилди. 2000 йиллардан мустақил фаолият юритиб, Тошкент театрлари саҳнасида концерт дастурлари бера бошлади. Ижоди энди гуркираб, қаймоқлаётган пайтда, 2008 йилнинг 24 июлида Тошкент шаҳрининг 16-касалхонасида жигар циррозидан вафот этди.**

**Ҳожибой Тожибоев ўзи туғилиб ўсган Жаббор Расулов ноҳиясидаги Янгиқишлоқ қабристонига дафн этилган.**

## Ҳеч кимникига ўхшамайдиган кулгу

Ҳожибой ҳангомаларининг халқ орасида кенг тарқалиб, ойлаб, йиллаб айтиб юрилиши – уларнинг халқчиллигида, сиз билан бизга яқинлигида, биз яшаб турган кундалик ҳаётдан олинишида, қаҳрамонларнинг ҳамма танийдиган кишилар эканлигида. Маошларнинг пастлиги, савдогарнинг харидорни алдаши, ҳайдовчиларнинг учарлиги, ДАН ходимларининг бирор нарса илинжида қўлингизга термилиши, қассобларнинг тарозидан уриши, футбол… хуллас, турмушда доимо учрайдиган долзарб мавзулар ҳажв бўлиб унинг ҳангомаларига кўчган. Мана, бир оддий мисол. Қайси хонадонда эр билан хотин ўртасида жанжал бўлмайди? Қизиқчи зукколик билан бу мавзуни тилга олиб, енгил кулгу орқали можаро сабабларини очиб беради, ундан чиқиб кетиш йўлларига ишора қилади:

*Эр-хотин аразлашиб, бир-бирига индамай юрибди. Мабодо бирор гаплари чиқса, «через» боласи гаплашади.*

*- Бор, онангга айт чой қўйсин! Рўпарада пўмпайиб ўтиравермасдан…*

*- Бор, отангга айт, керак бўлса, ўзи қўйиб, ичсин!*

*- Онангга отам охирги марта айтаётибдилар экан, кейин ишингиз чатоқ бўлармиш, дегин.*

*- Бор, отангга онам қўрқмас эканлар, дегин.*

*- Бор, онангга отам туряптилар экан, деб айт!*

*- Бор, онам «уже» туриб бўптилар, де. Бор!*

*- Бор, онангга айт, ҳозироқ…*

*Тамом. Ўртада бўзчининг мокисидай бориб келаётган болага раҳмингиз келади. Агар у бўлмаса, гаплашишга мажбуру лекин гаплашмайди. Хат билан гаплашади бир уйда туриб.*

*Ётишдан олдин эри қоғозга ёзиб қўйибди: - «Хотин, эрталаб мени соат 5да уйғот! Беш яримда мол бозорда бўлишим керак».*

*Эрталаб уйғонса, 10 эмиш. «Ие, уйғотмабди-ю, аттанг, бозордан кеч қолдим», деб апил-тапил кийинаётса, кўзи қоғоздаги ёзувга тушибди. Олиб ўқиса, «Дадаси, туринг, соат 5 бўлди», деб ёзилганмиш…*

Ҳожибой то ўзини топгунича тинмай ўқиди, изланди, интилди. Ўтган асрнинг охирги йилларида Тошкентда ўтказилган аскиячи ва қизиқчиларнинг «Кулгу-90» танловида ғолиб чиқиб, бугун биз биладиган Ҳожибой даражасига кўтарилди. 2000 йиллардан бошлаб эса, улкан концертлар, йирик анжуманларда мустақил чиқишлар қилишни бошлади. Ўзининг репертуари бойлиги, оммавийлигига ишонч ҳосил қилгач, қизиқчилар орасида биринчи бўлиб қўрқмасдан 4,5 минг киши сиғадиган «Истиқлол» санъат саройида уч кун, ҳар куни икки сеансдан яккахон концерт берди. Бу жуда катта жасорат, қизиқчининг таърифдан ташқари ютуғи, ҳар куни одамлар билан лиқ тўла зал, концерт чоғидаги беҳисоб гуллар, олқишлар, миннатдорчиликлар Ҳожибой қандай санъаткорлигининг, у эришган обрў-эътиборнинг ёрқин далолати эди. Истеъдодли шоир Муҳаммад Юсуф «Ҳожибойнинг кулгуси бировникига ўхшамайди. Унинг кулгусини фақат ўзидан эшитиб, кулинг», деб тўғри башорат қилган экан. Мухлисларнинг сон-саноғи йўқ ва улар «Ҳожибойнинг кулгусини фақат Ҳожибойдан эшитиш» учун унинг концертлари, у иштирок этадиган йиғинлар, анжуманлар, тўй-ҳашамларга оқиб борардилар.

## Қизиқчиликдаям ҳад бор

Сўнгги пайтларда қизиқчилик санъатида одамларни қандай йўл билан бўлмасин кулдириш учун тўй ва ҳашамлар у ёқда турсин, ҳатто, катта санъат даргоҳларида шарқона маданиятни, шарм-ҳаёни бир чеккага йиғиштириб қўядиган қизиқчилар пайдо бўла бошлади. Бу масалада Ҳожибой юксак маданият эгаси эди. Ҳадни жуда яхши билар, Обид Асомов таъбири билан айтганда, «белдан пастга тушмай» чиқиш қиларди.

## Синфдош дўсти Ҳазратқул ҳикоя қилади:

- Ҳожибой ўтгандан кейин Тошкентда унинг дўстлари, ҳамкасблари катта маърака қилишди. Биз беш киши бўлиб бордик.



Ўшанда маъруза қилган маҳалла имоми шундай деган эди:

- Ҳожибой укамизнинг қизиқчилигини уйда, бола-чақа, келинлар билан бирга бемалол томоша қилсак бўларди. Чунки бу укамиз сўзларида ўзбекона шарм-ҳаё, маданият бор тоза йигит эдилар. Афсуски, айрим қизиқчи укаларимизнинг гапларини келин ёки қизимизнинг олдида эшитиб бўлмайди. Эшитиб, ўзингни қўярга жой тополмай қоласан…

## Эътироф ва афсус

Элу юрт олдидаги катта хизматлари муносиб баҳоланиб, санъаткор Ўзбекистон ва Тожикистон Ҳукуматлари томонидан хизмат кўрсатган артист унвони билан тақдирланган. Қадрдон дўстлари, бирга ишлаган ҳамкасблари, шогирдлари ва айниқса, кўп сонли мухлислар уни ҳамон эслашади, номини ҳурмат билан тилга олишади. Ўзбекистонда халқнинг меҳру муҳаббати ифодаси сифатида тез-тез турли тадбирлар ўтказиб турилади. Масалан, 2009 йили вафотининг бир йиллиги муносабати билан Тошкентдаги «Истиқлол» санъат саройида жуда катта хотира концерти ташкил қилинди.

Бу ҳақда ўша тадбир меҳмони, шоир ва журналист Эрмат Бобожоннинг ҳикоясига қулоқ тутамиз:

*«2009 йилнинг августларида қўшни Тошкент шаҳридан таклифнома олдик. Унда ёзилишича, 10 сентябр куни пойтахтдаги «Истиқлол» санъат саройида ҳамқишлоғимиз, машҳур қизиқчи Ҳожибой Тожибоев хотирасига бағишлаб концерт ўтказилаётган экан. Ўша концертга биз, яқинларини ҳам таклиф қилишибди.*

*Таклифномани ўқиб, алланечук бўлиб кетдик. Қалбимиз қувонч ва ифтихорга тўлди, кўзимизга соғинч ёшлари инди. Нега бормас эканмиз, албатта, борамиз!*

*Муддат яқинлашганда, раҳматли Ҳожибойнинг укалари Қўшмурод ва Бегмурод, маорифчилар – Солижон, Латифбой, мен, Ибодулла ака – олтовлон йўлга чиқдик. Тошкентга кираверишдаги Бектемир постида бизни Ҳожибойнинг ашаддий мухлисларидан бири, Тошкент қишлоқ хўжалиги университети домласи, биология фанлари номзоди Анваржон Абдуллаев кутиб олди.*

*Ўша куни шаҳар айландик. Мустақиллигининг 18 йиллигини яқиндагина нишонлаган пойтахт жуда маҳобатли ва шукуҳли эди. Алишер Навоий ҳайкали пойига гулдасталар қўйдик.*

*Ташрифимизнинг эртаси куни болаларнинг севимли журнали «Гулхан»га муҳаррирлик қилаётган Ашурали Жўраев билан учрашиб, мароқ билан суҳбатлашдик. У киши Ҳожибойни яхши билар, жуда ҳурмат қилар эканлар, бизга номаълум кўп қизиқарли воқеаларни ҳам қувонч, ҳам андуҳ ила сўзлаб бердилар ва «Танимадинг-а?!», «Саҳифага сиғмаган сатрлар» номли иккита китобларини эсдалик учун тақдим қилдилар. Оддий бир қишлоқ йигити бўлган юртдошимизнинг Ўзбекистонда томир отиб, шунчалик эътиборга эришганидан кўнглимиз ифтихорга тўлди.*

*Хотира концертидан олган таассуротларимизни… қоғозга сиғдириб бўлмайди. Номдор кулгу усталари – Обид Асомов, Мирзабек Холмедов, ўзбек санъати юлдузлари – Алижон Исҳоқов, Гули Асалхўжаева, Собиржон Мўминов, Ғиёс Бойтоев, Маҳмуд Намозовларнинг чиқишлари, ширин хотиралари қалбимизда бир умрга муҳрланиб қолди.*

*Ўзининг дилбар қўшиқлари, ширин овози билан ўзбекистонлик барча қўшиқ мухлислари юрагидан чуқур жой олган, ўтли хонишлари ҳозир ҳам радио ва телевидениедан тушмай келаётган яна бир юртдошимиз Абдурауф Олимовнинг номи эълон қилинганда, бутун зал уни тик туриб олқишлади. Зални тўлдириб, дилларни жунбушга келтириб хонанданинг ёқимли, ширали нолалари тарала бошлади:*

***Бу турфа гуллар, айтинг, муҳаббат боғиданму,***
***Бунча чиройли, бўйли, олмос бутоғиданму…***

*…Тошкентдан Ҳожибой тириклигига, уни севувчи шу халқ бор экан, ҳеч қачон унутилмаслигига ишониб қайтдик…»*

Ҳамкасбимизнинг Тошкент таассуротларини тинглаб ўтириб, беихтиёр ўйга чўмдик. Ҳожибой у ерда-ку, шунчалик ардоқланаётган экан, бизда – туғилган юртида нима қилиняпти? Афсуски, бу саволга чуқур хўрсиниқдан бўлак жавоб йўқ. Хаёлимизга шоирнинг ушбу сатрлари келди:

**Ўзи шундай – шодлигингга ҳамма бирдай тенг шерик,**
**Ғам-алам чекканда, лекин қайғудош ҳамдам қани?**

**Қайғудош йўқлигимас, қадрингга йиғла, эй кўнгул,**
**Етсалар қадрингга эрди, майлига, кам-кам қани…**

Кўп эмас, кам-кам бўлсаям, бир-биримизни, улуғ кишиларимизни қадрлашни ўрганайлик.

## МИШ-МИШЛАР ВА ҲАҚИҚАТ

### 1. Қўшхотинлиги рост

Одамзотнинг табиати қизиқ. Ўзи ёқтирган машҳурлар, юлдузларнинг хизматидан кўра, ҳаётидаги икир-чикирлар, сирларга кўпроқ қизиқади. Кимсан Ҳожибойдек ҳақгўй, покиза инсоннинг иккита хотини борлиги ҳақидаги гап-сўзлар ҳам мухлислар орасида анчадан бери «ўтлаб» юради. Хўш, аслидаям шундайми?

Ноқулайроқ бўлсаям, буни аниқ биладиган ва шов-шувга сўнгги нуқтани қўя оладиган киши – қизиқчининг жуфти ҳалоли Майсарага мурожаат қилдик.

- Иккинчи марта уйланишларига мен ўзим рози бўлганман, - деди у бизни ҳайрон қолдириб. – Гап шундаки, биз амакиваччалармиз, ёшликдан бешиккерти қилинганмиз. Қонимиз бирлиги сабаб бўлдими, битта қиздан бошқа фарзанд кўрмадик. Халқимизни биласиз, шуниям дарров гап-сўз қилишади. Ўғилсиз тиллари қисиқ бўлмасин, дунёдан армонда кетмасинлар, дедим…

Қизиқчининг тоғаяклик ҳамкасби, иккинчи хотини туфайли қариндошлик риштталари билан ҳам боғланган Абдуқодир Яҳёев масалага янада аниқлик киритади:

- Ҳожибойнинг иккинчи хотини менинг жияним, номи Шаҳло, фамилияси Қаҳҳорова. Ўртада Интизор, Мадина исмли қизлари бор. Ҳозир Тошкентда яшашади.

### 2. Ўлимида ҳеч қандай сир йўқ

Ҳожибой Тожибоевнинг вафотидан кейин унинг ўлими ҳақида жуда кўп миш-мишлар тарқалди. Кимлардир уни махсус гуруҳлар ўз подвалига олиб кириб, жигарини эзиб юборган деса, бошқа бировлар унга душманлари дори берган, деб ҳисоблайди. Автоҳалокатга учраган, деган тахминлар ҳам йўқ эмас. Хуллас, элнинг оғзида бунақа олди-қочди гаплар кўп.

Қизиқчининг кўз очиб кўрган хотини Майсара бу миш-мишларда заррача асос йўқлигини айтади:

- Мен хўжайиннинг мухлисларига, аввало, бир гапни айтиб қўяй: У киши жигар циррози билан оғриган эдилар. Касаллик тишларини олдирганларида уколдан юққан. Бу гапни шифокорлар ҳақидаги қизиқчиликларидаям қистириб ўтиб кетганлар.

Охирги икки йилда жуда кўп мазалари бўлмади. Оёқлари доим шишиб юрарди, лекин касалликни бўйниларига олмасдилар. Лоақал бирор марта бундоқ дўхтирхонада ётиб даволанмадилар-да. 3 июл куни туғилган кунимга келдилар. Аҳволлари анча ёмон эди. Кейин 24 июлда ўликларини олиб келишди…

Суюкли қизи Интизор Тожибоева ҳам отасининг ўлимида кимларнингдир қўли борлиги ҳақидаги миш-мишларни рад этади.

## Ҳ. Тожибоевнинг қизиқчилик бисотидан намуналар

*(Ҳамкасбимиз Эрмат Бобожон архиви асосида тайёрланди)*

Бу ёруғ дунёдан эрта кетган Худо раҳматлик Ҳожибой ўзидан кейин яхши ном, юзлаб шогирдлар ва бой ижодий мерос қолдириб кетди. Мақоладаги баъзан расмий, баъзан лирикага қоришган, кези келганда, ўкинчли, армонли гаплардан кейин озгина кайфиятни чоғлаш, руҳингизни кўтариш кераклигини ҳис қиляпмиз. Биринчи апрел – кулгу куни арафасида бу вазифани ким биз кутгандек маромига етказиб бажара олиши мумкин? Баракалла, тўғри топдингиз: Ҳожибой Тожибоев!

### 1. Монологлар

***Эр-хотин кечаси ётган экан, уйқуси келмаётган хотин гап бошлабди:***

***- Дадаси, ҳу, дадаси!***

***Эр жим.***

***- Дадаси-и!***

***Эр жаҳл билан:***

***- Ҳа!***

***- Менга қараб ётинг!***

***- Ўзим биламан қаёққа қараб ётишни, сендан сўрамайман.***

***- Ҳа, энди менга қараб ётаверинг…***

***- Кеча сенга қараб ётгандим, бугун бу ёққа қараб ётаман. Гапинг борми?***

***- Йўқ. Лекин битта саволим бор сизга.***

***- Ҳой инсон! Саволинг бор экан, кундузи қаёқдайдинг? Майли, сўра, ўша асраб қўйган саволингни.***

***- Дадаси, анави тириллаб турган холодилнигимизнинг музи совуқмикин ёки Антрактиданинг музи совуқмикин?***

***- Э, иккаласиданам сенинг гапинг совуқ…***

***

***Бир қайнонанинг уч куёви бор экан. Куёвларининг садоқатини синаб кўрмоқчи бўлибди. Уйларининг орқасидан анҳор оқиб ўтар экан. Бир куни ўша анҳор бўйида ўтириб қараса, катта куёви келяпти. Ўзини шартта сувга ташлабди-да: - «Вой дод, халойиқ! Қутқаринглар, чўкиб кетяпман!..» – деб бақирибди.***

***Катта куёв тапара-тапар кийимлариниям ечмасдан ўзини анҳорга отибди. Қайнонасини олиб чиқиб, оёғини осмонга қилиб, ичидаги сувини чиқариб ташлаб, кийимларини қуритиб, дазмоллаб, уйига олиб бориб қўйибди. Куёв эрталаб туриб қараса, ҳовлисида яп-янги «Матиз» турганмиш. И-я, бу тушимми-ўнгимми, деб ушлаб кўрса, машина ҳақиқий. Ойна тозалагичга бир парча қоғоз қистирилган. Унда: - «Севимли куёвимга. Қутқариб қолгани учун севимли қайнонасидан», - деб ёзилганмиш.***

***Қайнона бир ҳафтадан кейин ўша анҳор бўйида ўтириб қараса, ўртанча куёви келяпти. Ўзини сувга ташлаб, додлабди:***

***- Вой дод! Қутқаринглар, оқиб кетяпман, ўляпман!..***

***Куёв ўйлаб ўтирмасдан ўзини сувга отибди, қайнонани қутқариб, оёғини осмонга қилиб, ичидаги сувни чиқариб ташлаб, кийимларини қуритиб, дазмоллаб, уйига олиб бориб қўйибди. Эрталаб туриб қараса, ҳовлисида яп-янги «Дамас» турганмиш. Ойна тозалагичга қистирилган қоғозчани олиб ўқиса, «Севимли куёвимга. Қутқариб қолгани учун севимли қайнонасидан», деб ёзилганмиш.***

***Бир ҳафтадан кейин кенжа куёв келяпти экан. Қайнона яна ўзини анҳорга отиб, дод солибди. Унинг бир чўкиб, бир чиқиб кетаётганини кўрган куёв ўзича ўйлабди: - «Бу мани синаяпти. Қутқариб қолгани учун катта божага «Матиз», ўртанчимизга «Дамас» берди. Мен қутқариб қолсам, эски «Волга» тегади-да. Бор, оқсанг – оқиб кетавер!»***

***Эрталаб турса, ҳовлисида янги чиққан «Нексия»турибди. Кўзларига ишонмабди. Ушлаб қараса, ҳақиқий. Қоғозчага эса: - «Севимли куёвимга севимли қайнотасидан», - деб ёзиб қўйилганмиш…***

### 2. Ҳаётий латифалар

***Ойликдан гапирма***

*Ўқитувчи бозорда юрганмиш. Аккуратний юради-да. Кичик ўғлининг туфлисини, каттасининг костюмини кийиб олган. Кейин бир лўли тиланчи келиб, роса хижолат қилибди. Эгнидаги либоси пўриму, садақага чўнтакда ҳеч ваqo йўқ-да. Ўқитувчи: - «Сен адашдинг, мен ўқитувчиман», - дебди. Лўли кетмабди. Шунда: - «Сенга бир саволим бор, қани айт-чи, ўқитувчининг ойлиги қачон ошади?»- деб сўраса, тиланчи жавоб тополмай қочиб кетибди. Ўқитувчи хира тиланчидан қутулганига хурсанд бўлиб, ўзига ўзи айтар эмиш: - «Тавба қилдим, кимга ойликдан гапирсанг, ҳаммаси қочади-я…»*

***Ўхшатмасдан учратмас***

*Енгил автомашинада эр-хотин, қайнота ва қайнона кетарди. Йўлда уларни ДАН ходими тўхтатиб деди:*

*- Ўртоқ ҳайдовчи, сиз йўлнинг мана шу қисмидан қоидани бузмай ўтган биринчи ҳайдовчи бўлдингиз. Шунинг учун 500 сўм пул билан тақдирланасиз.*

*- Раҳмат, мен унга ҳайдовчилик гувоҳномаси сотиб оламан.*

*- И-е, ҳали гувоҳномангиз йўқми?*

*- Ўртоқ милиционер, унга қулоқ солманг. Кайф устида гапираверади-да, - аралашди хотини.*



**Ҳожибой Тожибоев қизи Интизор Тожибоева билан.**

*- Нима, кайфи ҳам борми?! – қичқирди милиционер рангги оқариб. У саволини тугатмасдан қайнона машинадан сакраб тушиб вой-войлаганча қоча бошлади:*

*- Мен сенларга айтим-а, ўғирланган машинада узоққа бориб бўлмайди деб…*

*Орқа ўриндиқда хуррак отаётган қайнота бақир-чақирдан уйғониб кетиб, уйқусираганча сўради:*

*- Нима, чегарага етиб келдикми?*

***Иложи йўқ***

*Бир шилқим касалхона олдида турган экан, олдидан оқ халатда, оқ қалпоқда чиройли ҳамшира қиз «тиқ-тиқ», «тиқ-тиқ» этиб ўтиб қолибди.*

*Шилқим уни кўриб: - «Вой дод, жонингга жоним туташ. Кошки, касал бўлиб қолсаму, сенинг палатангга тушиб қолсам, ўзинг даволасанг…» - деса, ҳамшира: - «Бунинг иложи йўқ-да», - дермиш.*

*Шилқим ҳайрон. Нимага иложи бўлмас экан?*

*-Чунки мен роддомда ишлайман, - дебди қиз кулиб.*

### 3. Бир қайнови ичида...

**♦ Бу йўл қаерга боради? Бу йўл ҳеч қаерга бормайди, минг йилдан бери шу жойида турибди. Керак бўлса ўзинг борасан!**

**♦ Меҳмонлар, ўтири-и-и-б борасизлар-да… Ие, ўтириб бориб бўлар эканми? Буниси етмагандай яна ёти-и-и-и-б борасизлар-да ҳам дейди.**

**♦ - Ака, кеча ошда кўринмадингиз? Мен сенга гўштманми, ошда кўринсам…**

**♦ «Уятли меҳмонлар келиб қолди», - деймиз. Нима, қолганлари уятсизми?**

**♦ Фалончининг ўғли фалончининг қизини бошини айлантириб юрганмиш? Резбаси бор экан-да бўйнида, хоҳласа - у ёққа, хоҳласа - бу ёққа айлантираверади.**

**♦ Шу, мазза қилиб реклама кўриб турганингда, орага кино қўйиб юборишади-да…**

*Дилмурод ҲОЖИМУРОДОВ,*
*Ж. Расулов ноҳияси.*


ХАЛҚ ОВОЗИ

«Овози халқ» - бо забони ўзбекӣ.
Нашрияи Ҳукумати Ҷумҳурии Тоҷикистон.

«Голос народа» - на узбекском языке.
Издание Правительства Республики Таджикистан.

Учредитель:
Правительство Республики Таджикистан

Регистрационный номер 13 р-106.

Бош муҳаррир
Ёқубжон
АБДУМАНОНЗОДА

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулгоҳ - 2-38-54-02.
Бош муҳаррир ўринбосари - 2-38-53-36,
котибот - 2-38-50-30, бухгалтерия - 2-38-55-70.

Манзилимиз: 734018, Душанбе шаҳри, Саъдий Шерозий хиёбони, 16.



Таҳрир ҳайъати:
*Раҳмон Озода Эмомали* - ТР Президенти Ижроия аппарати раҳбари
*Абдужаббор Раҳмонзода* - ТР Президентининг ижтимоий тараққиёт ва жамоатчилик билан алоқалар масалалари бўйича ёрдамчиси
*Ўлмас Жамол* - шоир
*Эркин Шукуров* - бош муҳаррир ўринбосари
*Искандар Маҳмадалиев* - масъул котиб
*Гулфинур Аюпова* - бўлим муҳаррири
*Абдулло Саидов* - бўлим муҳаррири



Газетада босилган материаллар, эълонлар ва рекламалар учун муаллиф жавоб беради. Таҳририят фақат асл нусхаларни қабул қилади. Редакцияга келган қўлёзма ва суратлар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Таржималар таҳририят топшириғи билан қабул қилинади. Редакция фақат компютерда Times New Roman Tj -14 гарнитурасида терилган мақолаларни қабул қилади.



*Навбатчилар:*
1. А. Саидов. (1-4 саҳ.)
2. Э. Шукуров. (5-8 саҳ.)
*Чоп масъули: Э. Шукуров.*

Электрон почтамиз: Halkovozi1929@mail.ru
Сайтимиз: http://khalkovozi.tj/

Газетамизда чоп этилган мақолалар учун қалам ҳақи фақатгина СИН - Ижтимоий шахсий рақами мавжуд муаллифларга берилади.

СИН рақами олиш учун доимий иш жойидаги ҳисобчига мурожаат этиш лозим.

Редакциянинг қалам ҳақини почта орқали жўнатиш имконияти чекланган.

Босишга рухсат этилди: 29 март соат $15^{30}$
Тиражи 6313 нусха.

Газетанинг сотув нархи - эркин.

Газета отпечатана офсетным способом в типографии ИПК «Шарки озод», пр. Саъди Шерози, 16. Индекс 68876.